

**Юлдашев Ғ.Ю.**

# **Түпрок бонитировкаси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАОЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўзиев Р.Қ., Юлдашев Ф.Ю., Акрамов И.А.**

Ушбу дарслиқда тупроқларни баҳолашни назарий ва амалий масалалари камраб олинган бўлиб, унда тупроқларни табиий хоссаларига қараб ҳамда иқтисодий жихатдан баҳолаш ва ерга кўйиладиган нарх масалари ёритилган.

Дарслик университетларнинг агрокимё ва агротупроқшу-нослик, тупроқшунослик, тупроқ бонитировкаси йўналишлари учун ёзилган бўлиб, ундан Ер тузувчилар, агроиктисодчилар, агрономлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимлари ҳамда қишлоқ хўжалик коллеклари талабалари фойдаланишлари мумкин.

# ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ

Такризчилар: **Абдуллаев С.А. қ-х.ф.д., профессор ЎзМУ,**  
**Ғофурова Л.А. б.ф.д., профессор ТошДАУ,**  
**Турапов И.Т. қ-х.ф.д., профессор ТошДАУ.**

Тошкент – 2003

## КИРИШ

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлганига 2 млрд. йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса, ердаги ўсимликлар ва тупроқнинг тарихи эса ўз ичига 0,5 млрд. йил атрофидаги вақтни қамраб олади. Шунча вақтдан бери ўсимлик томонидан, тупроқ томонидан маолум мувозанатга асосан космик энергия ютилади, оқибатда тупроқ гумуси ва минералларида тўпланиб унинг унумдорлигини белгилайди. Бу механизмда тупроқ қоплами қатнашади. Тупроқ фаол иштирокчи тариқасида энергияни ютади, тўплайди ва сарфлайди.

Шундай қилиб тупроқ-экологик тизим қуруқлика энергия тартиботини бошқаришда қатнашади.

Кейинги юз йилликни иккинчи ярмида тупроққа, умуман табиатга бўлган техноген таосир кучайиб кетди. Бу таосир натижасида тупроқ кўпроқ жабрланмоқда.

Инсон томонидан бўлаётган техноген таосир натижасида дунёнинг бошқа мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам тупроқ учун, инсоният учун хавфли бўлган чўлланиш, шўрланиш, коллектор-зовур сувларини минерализацияси ортиши, заҳарланиши, тупроқларни зичланиши ва бошқалар тупроқларни унумдорлик даражасини камайишига, йўқолишига, тупроқни касалланишига олиб келмоқда.

Суғориладиган ерлардан, унинг ҳолатини эотиборга олмасдан ҳаддан ташқари кучли даражада фойдаланиш уларнинг сифатини пасайишига ҳатто қишлоқ хўжалик айланма ҳаракатидан тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда охирги 15-20 йил ичидаги шўрланган ерлар майдони 0,8 млн. гектарга ортиб кетди. Қорақолпоғистон, Бухоро, Сирдарёда суғориладиган ерларни 95 % гача миқдори шўрланган.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун суғориладиган, унумдорлиги юқори бўлган ерларни ажратиш давом этмоқда.

Орол денгизни сатҳини кескин ва жадал суроатларда пасайиши қатор салбий оқибатларга: чўлланиш жараёнини тезлашишига, шўр ерларни майдонини ортишига ва хоказоларларга сабаб бўлмоқда.

Сув ва шамол эрозияси ҳамда иккиласмичи шўрланиш каби жараёнларни тупроқ унумдорлигига таосири йилдан йилга ортиб бормоқда.

Кейинги вақтларга келиб гумус ва озиқа элементларнинг миқдори кескин камайган ер майдонларини хиссаси ортиши жараёни сезилиб турибди.

Дунёда тупроқларни ва сувни ифлосланиши, ўсимлик ва хайвонот дунёсининг маҳсулотларини нитратлар, оғир металллар, агрокимёвий моддалар билан ифлосланиши ҳам хатарли тус олмоқда.

Айни бир вақтда салбий омиллар алоҳида-алоҳида ва биргалиқда тупроқни сифат баҳосига катта таосир кўрсатади. Тупроқни бонитировкалашда асосий мезон тариқасида эса унинг унумдорлиги олинади ва балларда ифодаланади. Бу вазифани “тупроқ бонитировкаси” амалга оширади.

Бонитировка сўзи лотинча *bonitas* - сахийлик, яни тупроқларни, уларни ишлаб чиқариш қобилиятига кўра нисбий баҳолаш демакдир.

Ерларни баҳолаш учун эса уларни рўйхатдан ўтказиш зарурияти ҳам туғилади, бу ишга *кадастрлаш* дейилади. Кадастр сўзи французча - *cadastre* дан олинган бўлиб, рўйхатга олмоқ демакдир. Тупроқ бонитировкаси Ер кадастрининг таркибий қисми ҳисобланади.

## I БОБ: ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИРНИНГ ТАРИХИ, ЎРГАНИШ ОБОЕКТИ, УСУЛИ ВА РАВНАҚИ.

Табиий ресурс ва хўжалик обьекти бўлган Ерга муносабат ҳамма вақт ҳам сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ҳаётни диққат марказида турган.

Ер масаласи ҳамма формацияларда, қайта қуриш, қайта шаклланишлар даврида марказий муаммо ҳисобланган.

Ер хар доим назорат ва ҳимоя ҳамда тарбияга мухтож бўлиб, уни ҳеч ҳам алдаб бўлмайди. Яхши эгага эга бўлган Ер доимо юқори ҳосил беравермайди. Уни, яони Ери баҳоси ҳам ҳосил билан ўлчанади. Шундай бўлиб келган.

"Ёш келин - дейилган "Авесто"да - эрига гўдак ҳадя этгандай, Ер ҳам чап ва ўнг қўли билан ўнг ва чап қўли билан парвариш қилган одамга мўл-кўл ҳосил беради. Ишлов бермаган ва экилмаган ер эрсиз ва фарзандсиз жоҳил қиз каби бахтсиздир. Қиз яхши эрни орзу қилгандай, Ер ҳам яхши қўшчиға илҳақ".

Яқин кунларгача дехқончиликнинг умумий маданияти, Ери, тупроқни унумдорлиги режа ва топшириклар билан ўлчанар эди.

Шу боис мамлакатда 1964 йилгача тупроқ текширув ҳариталаридан, ер тузиш ва бошқа лойиха ишларида деярли фойдаланилмаган.

Суғориладиган минтақаларда алмашлаб экиш тупроқ шароитларини ҳисобга олмай жорий қилинар эди. Алмашлаб экишда эса кимёвий ишлар учун тузилган 1:50000 нисбатдаги агротупроқ ҳариталаридан фойдаланилган.

Ер кадастрининг қишлоқ хўжалигидаги роли ва ўрни алоҳида бўлиб, кўп қиррали ҳисобланади. Тарихда Ер кадастрининг таркибий қисмларидан ҳеч қайси бири тупроқ бонитировкасидай қизиқиши ўйғотмаган.

Ери ҳисобга олиш ва баҳолаш қадимги Римда мавжуд бўлган.

Египетда ерга эгалик қилиш хуқуқини бериш билан бирга ердан олинган даромадни 20 % ни солиқ тариқасида ундириб олинган.

Россияда Пётр давригача давлат сарф харажатларини қоплаш учун Ер эгаларидан алоҳида Ер солиғи олинган.

Қадимги Рус давлатларида дехқонлар биринчи бонитировкачилар бўлганлар. Улар ҳозирги замон илмига эга бўлмаган бўлсаларда, яони тупроқнинг механик таркиби, гумус, шўртоблиги ва бошқа хосса ва хусусиятларини билмаган бўлсаларда кора ва қорамтири ранглардаги тупроқларни биринчи ўринга, бўз, оч бўз рангли тупроқларни кейинги ўринларга, оқ тупроқларни эса унумсизлар қаторига қўйганлар ва шу аснода жойлашганлар ҳамда дехқончилик қилганлар.

Дехқонлар тупроқни баҳолашда ҳар хил атамалар ва сермазмун сўзлардан фойдаланишган. Масалан; қаерда подзол бўлса, ўша жойда мухтожлик, кора ер - оқ нон. Оқ ер тезроқ камбағаллашади ва бошқалар.

Иван Грозний даврида ҳам ерларни ҳисобга олиш мақсадида маҳсус буйруқлар берилган ва хизмат кўрсатган одамларга яхшироқ ерлардан жой бериш мақсадида бу ҳисоб-китоблар ва ёзувлардан фойдаланилган. Шу даврдаги рўйхатга олувчиларни ишлари Ер тўғрисидаги дастлабки, нисбатан тўлиқ маолумотларни қамраб олган. Бу ёзувларда жойнинг географик шароити, иқтисодий кўрсаткичлари, шаҳар, қишлоқлар тўғрисидага маолумотлар, рельеф, аҳоли ўз аксини топган. Ери сифати тўғрисидаги маолумотлар ҳам берилган.

Ҳайдаладиган ерлар ўзларининг сифат кўрсаткичларига қараб уч гурухга: сахий, ўртача, озғинларга бўлинган.

Булардан ташқари ҳайдалган, ҳайдалмаган ўрмон, қамишзор, тошли ер, қумли ер ва бошқаларга ажратилган.

Феодализм давридаги ер тақсимотидаёк ерларни сифати эотиборга олинган, яони ўртача сифатга эга бўлган ерлардан ер берилаётганда меоёрга нисбатан 25 % кўпроқ, паст сифатли ердан берилганда эса 50 % кўпайтирилиб берилган.

Пётр даврида Ерга бўлган муносабатлар, уни баҳолаш масалалари деярли тўхтаб қолди ёки кучли даражада бузилди.

Россия тупроқ қопламини ўрганишда XVIII асрда ташкил этилган Россия Фанлар Академиясининг география департаменти алоҳида аҳамият касб этади. Буюк олим М.В.Ломоносов ушбу департаментни бошқарган эди. Бу даврда департамент томонидан жойлардан маолумотлар тўплаш учун маҳсус саволномалар тузилган. М.В.Ломоносов қайинзорлар тагидаги тупроқларни бой тупроқлар деб баҳолади, бунга сабаб тариқасида

уларни баргларини кузда тўкилиши ва баҳорда янгиланишини келтирди. Ерга тушган барглар йил давомида чириб органик моддага айланнишини айтди.

Елр, сосналар тагидаги тупроқларни камбағал тупроқлар қаторига киритди, сабаб тариқасида уларнинг игна баргларини тўкилмаслиги келтирилди.

М.И. Афонин 1771 йилда тупроқларни таснифи сифатида гилли қора тупроқ, тошли, ўрмон, ботқоқ, ёнгоқсимон қора тупроқларни ажратди. Россияда 1765 йили "Эркин иқтисодий уюшма" ташкил этилади. Бу уюшма вазифаси ўз замонасидағи дехқончилик, иқтисод соҳасидаги янгиликларни тўплаш ва аҳолига етказишни янги усусларини ишлаб чиқиши, ерларни сифатини ўрганиш эди.

Бу даврга келиб Россия дунёда буғдой сотувчи йирик мамлакатлардан бирига айланган эди. Шу боис эркин иқтисодий уюшма асосий буғдой майдони ҳисобланган қора тупроқларни ўрганишга киришди. Академик Леман, Болотов, Комовлар уюшмани тўпламларида тупроқни хоссалари, иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида чиқиб турдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида дастлабки рўйхатга олиш ишлари давлат томонидан солиқларни баробарлаш мақсадида бошланди. Кадастр ишлари катта харажатларни талаб қилди. Бу харажатларни қоплаш учун дехқонлардан қўшимча солиқ олиш назарда тутилди. 1842 йилга келиб жойларда кадастр комиссиялари тузилди, бу комиссия турли сўровлар ўтказди. Бу вақтларга келиб ушбу комиссия ёрдамида Россиянинг 17 губерниясида кадастр ишлари ўтказилди. Бу губернияларга Петербург, Воронеж, Пенза, Тамбов, Тула, Рязан, Орловск, Курск, Москва, Екатеринославск, Псков ва бошқалар киради. Бу ишлар натижасида 1851 йили Веселовский раҳбарлигига 1:8400000 масштабда Россиянинг тупроқ харитаси тузилди. Бу харитага ва иш жараёнига Докучаев юқори баҳо берди.

Шундай қилиб Россияда Ер кадастри айни вақтда тупроқлар географияси ва тупроқларни хариталаш каби фанларга асос солди.

Кейинчалик баҳолаш ишлари услуби ишланди ва бироз такомиллашди. Тупроқларни сифат жиҳатидан баҳолаш ҳосилга боғланди. Ҳайдаладиган ерлар 5 синфга, пичанзорлар эса 14 синфга, пичан 4 навга ажратилди. Губерниялар учун алоҳида-алоҳида буғдойни ҳосилдорлиги, нархи аниқланди. Энг кам ҳосил подзол, энг юқори ҳосил эса қора тупроқлардан олиниши аниқланди.

Хуллас бу даврдаги ерга баҳо бериш, рўйхатга олиш давлат сиёсати учун бир тадбир тариқасида ўтказилди.

Шу даврда, яони 1870 йиллардан бошлаш Докучаевнинг фаолияти кўрина бошлади. 1883 йили Докучаев томонидан "Рус қора тупроғи" номли асар чоп этилди. Шу асар орқали дунёда янги "Тупроқшунослик" фани пайдо бўлди. Тупроқларни генетик асосда ўрганиш бошланди. Айни шу вақтда тупроқларни илмий бонитировкалашга асос солинди.

Докучаев томонидан Рус қора тупроқлари ўрганилиб келингандан кейин, у дарҳол Нижний-Новгород, Полтава ерларини ўрганиш ва баҳолаш учун юборилди. Докучаев ерни баҳолаш ишларини кенг агрономик ишларга айлантириб юборди. Шу даврдан бошлаб ерга баҳо беришни Докучаев даври бошланди.

Бу даврда ерларни баҳолашда Докучаевдан бошқа Амалицкий, Баравков, Вернадский, Глинка, Замятчинский, Левинсон-Лессинг, Сибирцев ва бошқалар катнашди. Шу тариқа Докучаев тупроқ бонитировкасининг табиий-тарихий усулини яратди.

## **ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. УНУМДОРЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ДОКУЧАЕВ УСУЛИ.**

Докучаев тупроқларни бонитировкалашда, уларни синфларга, гурухларга, типларга, типчаларга, айирмаларга бўлишда тупроқдан, яони унинг табиий хусусиятларидан фойдаланиш керак эканлигини исботлади ва бу усул баҳолаш усулини негизи эканлигини кўрсатди.

Тупроқни табиий хоссаларини эотиборга олмасдан жуда сифатли даражада бажарган иқтисодий-статистик баҳолаш усули ҳам кутилган натижага олиб келмайди.

Шундай қилиб Докучаев ва Сибирцевлар тупроқни бонитировкалашда уни, яони тупроқни ҳар томонлама табиий хусусиятларини ўрганилиши лозимлиги ва шу асосда баҳолашни ишлаб чиқдилар.

Бонитировка ишларини бажариш ўз ичига икки даврни олади.

**Биринчи** - тупроқни табиий хоссаларини, морфологик, генетик, кимёвий, физиковий ва бошқаларни далада, лабораторияда ўрганиш даври.

**Иккинчи** - қишлоқ хўжалик ва статистик маолумотларни тўплаш, танлаш, қайта ишлаш даври.

Бу ҳар икки даврдаги кўрсаткичлар орасида узвий боғланишлар бўлиб, ҳатто биринчи даврдаги кўрсаткичлар иккинчи давр ишлари учун мезон бўлади - деб ёзган эди Докучаев. Ерларни бонитировкалашни Докучаев-Сибирцев усулида энг аввало тупроқлар типи аниқланади ва таснифланади, кейин эса морфо-генетик белгилари, кимёвий, физиковий хоссаларини ўрганишга киришилади.


Ҳар бир тупроқ типи учун тўла кимёвий анализ, механик анализ, нам сифими, сув ўтказувчанлик, капиллярлик, бугланиш, иссиқлик ўтказувчанлик ва хоказолар аниқланади.

Дала ва камерал ишлар натижасида Докучаев гумус микдори ва тупроқ қатлами қалинлиги бўйича геологик (1-диаграмма) диаграммаларни тузди.


Менделеев маолумотларига таяниб, яони озиқа элементлари микдори ва бошқа кимёвий хоссаларини эотиборга олган ҳолда Докучаев кимёвий диаграммалар тузди ва геологик ҳамда кимёвий диаграммалардан ўртacha чиқариб уни (2-диаграмма) қуйидагича тасвирлади.

Юқоридаги диаграммалар каби тупроқни физик хоссалари учун ҳам маҳсус расм ишланди. Бу диаграммаларни, яони геологик, кимёвий ва физиковийларни бирлаштириб Докучаев ягона (3) диаграмма тузди ва шу асосда тупроқларни баҳолади.

1-диаграмма.




2-диаграмма.



3-диаграмма.

Кимёвий, физиковий, геологик диаграмма.



Ана шу табиии-тарихий усул билан 100 балли шкала асосида Докучаев Нижний Новгород тупроқтарни баҳолади. Шу боис баозан бу усулга Нижний Новгород усули ҳам дейилади. Табиий, албатта ҳозирги кунда Докучаев-Сибирцев томонидан ишланган тупроқ бонитировкаси усули бизни қониқтирумайды, лекин асос ролини ўйнай олади.

### **ЕРНИ БАҲОЛАШНИ СТАТИСТИК УСУЛИ.**

Бу усулда тупроқтарни баҳолашни мазмуни қуйидагилардан иборат.

1. Ерни сифат жиҳатдан баҳолашни сўров саволлари орқали тўпландиган маолумотлар асосида ўтказиш.

2. Сўров саволларга жавоб бериш, тўлдириш ер эгалари ва ер бошқармалари зиммасига юклатилган.

3. Сўров саволларини тарқатиш, уларни тўплаш, текшириш уезд полиция бошқармаси зиммасига юклатилган.

Кўриниб турибдики, кўрсатилган саволларни тушунадиган ва уларга тўғри жавоб берадиган ходимлар етарли бўлмаган. Чунки статистика ходимлари ичидаги ҳатто маҳсус маолумот эмас, балки тўлиқ ўрта маолумотли бўлмаганлари ҳам кўп учраб турадиган ҳолат бўлган.

Полиция маҳкамаси эса маолумотлар сони тўғрими, ҳаммаси тўлдирилганми йўқми, шу саволларга жавоб берган. Сўровнома ичида саволларни моҳиятини тушинадиган одам бу занжирда деярли бўлмаган.

Кўрсатилган камчиликларга қарамасдан ерларни баҳолаш шу тарзда бажарилган.

Бу усулни ўзини оқламаслиги тезда маолум бўлди, шу боис бошқа усуллар изланди.

### **ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШНИ МОРФОЛОГИК УСУЛИ.**

Р.В.Рисположенский, Г.Ф. Нефедов усули.

Бу олимлар ўзларини морфологик усулларини ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилдилар.

Рисположенский тупроқтарни баҳолашда уларнинг табиий хоссалари ҳисобланган механик таркиби, кимёвий таркибини аҳамиятини йўққа чиқарди, яони тупроқ баҳоси билан уларни хоссалари ўртасида боғланиш йўқ деди ва шу тарзда баҳолаш ишларини ўтказди. Бу усул кўриниш ва бажариш жиҳатдан содда ҳамда арzon, шу боис қишлоқ хўжалиги ҳодимларида қизиқиш уйгота олди.

Лекин бу усулда баҳолаш нотүгри натижаларга олиб келиши аниқланган эди ва шундай ҳам бўлди.

Г.Ф.Нефедов эса тупроқни бир бутун тушунмади, унинг кимёвий, физикавий хоссалари ўртасидаги боғланишларни кўрмади, шунинг учун тупроқни баҳолашда у баҳоланадиган ерларни битта, яони гумусни тарқалишини ёки бошқа бир хусусиятини хариталанишини афзal кўрди.

Рисположенский ва Нефедов усуллари, асосида ишланган хариталари мутахасислар томонидан кескин салбий тақризлар олди.

Шундай қилиб бу даврга келиб 3 гурухдаги усуллар тупроқни баҳолашда қўлланила бошлади.

1. Докучаев-Сибирцевларни табиий-тарихий усули бўлиб, бу усул Россиянинг 177 уезди ва 17 губерниясида қўлланилди. Бу майдон 996 минг  $\text{км}^2$  ёки Россиянинг Европа қисмини 25 % демакдир.
2. Сўров-статистика усули. Бу усул иқтисодчилар, статистика ходимлари томонидан тавсия этилган бўлиб, 59 уезд, 7 губернияда қўлланилди, 350 минг  $\text{км}^2$  майдонда синалди.
3. Рисположенский усули, яони морфологик усул бўлиб, 47 уезд, 5 губернияда қўлланилди, 618 минг  $\text{км}^2$  майдонда синалди.

Бу усуллардан ташқари Нефедов усули билан Тула, Тредесевич усули билан Любинский губерниясида, Томас усули билан Болтиқ бўйида ерни баҳолаш ишлари ўтказилди.

Юқорида қайд қилинганидек Рисположенский усули нисбатан қулай ва арzonлиги туфайли усулни иқтисодчилар, статистлар каттиқ туриб ҳимоя қилдилар, аммо тарих, ҳаёт, амалиёт ҳамма нарсаларни жой-жойига кўйди. Докучаев усули энг тўғри ва обоектив эканлиги вакътиши билан исботлана бораверди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Докучаев иқтисодий статистик усулни бутунлай бекор қилишни рад этди, аксинча, иқтисодий кўрсаткичлар, кўп йиллик ҳосил микдори тупроқни табиий хоссалари билан уйғунлашган ҳолдагина энг тўғри ва энг сифатли натижа олиниши таокидланади.

## **ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ.**

Тупроқларга баҳо бериш дунё мамлакатларида ягона усул ва услубиятга таянган деб бўлмайди. Бундай бўлиши ҳам қийин. Шу боис тупроқларни бонитировкалаш турли мамлакатларда алоҳида-алоҳида ишланди.

Масалан; Германияда тупроқларни баҳолашда агрогеологик тамойилга асосланган, Тэер таснифи асосида бошланган. Бу усулга кўра асосий таксономик бирлик тариқасида тупроқ айрмаси қабул қилинган бўлиб, айрмани ажратиш механик таркибга кўра амалга оширилган.

Кейинчалик А.Тэер бу ишини бироз такомиллаштириди, яни анча сермазмун таснифни ишлаб чиқди. Бу таснифга кўра асосий шкалада тупроқлар 6 турга, яни гилли, қумоқли, қумли, гумусли, оҳакли ўз навбатида булар 3 тадан ва 4 тадан синфларга ажратилди.

Кейинчалик нисбатан қулай бўлган маҳсус бонитировка жадвали Крафт томонидан ишланган бўлиб, унда тупроқни тури, қалинлиги, ундаги гумус миқдори, ернинг қиялиги, намлиги, экин тури ва бошқалар эотиборга олинган.

Бу усулнинг қулайлиги шундан иборатки, бунда тупроқнинг ҳар бир хосса ва хусусиятлари учун аниқ баллар берилиган. Аниқ бир турдаги тупроқни бонитет баллини аниқлаш учун шу тупроқнинг хоссаларига берилиган балларни жамлаш кифоя қиласди.

Масалан; мергелр-қумоқли тупроқ - 25 балл, шу тупроқни қалинлиги 24 дюм - 10 балл, гумус миқдори 12 % - 5 балл, қиялиги учун 10 балл, тупроқни устки ҳолати учун 10 балл. Демак майдоннинг бонитет балли  $25+10+5+5+10=60$  балл.

Хозирги вақтда Крафт усули ўрнига Докучаев-Сибирцев усулларига таянган услубиятлардан фойдаланилади.

Англияда тупроқни баҳолашда икки типдаги усуллардан фойдаланилади. Бу усуллар тупроқни потенциал унумдорлиги ва далилий маҳсулдорлигига таянган ҳолда ишланган.

Рассел фикрига кўра ҳосил тақдирни 3 гурухдаги сабабларга боғлиқ.

1. Дехқонга боғлиқ бўлмаган омиллар, сабаблар.
2. Қимматбаҳо тадбирларни қўллаш билан боғлиқ омиллар.
3. Оддий омиллар, қайсики дехқон ҳар йили қўллай олади.

Биринчи гуруҳ омилларига иқлим, жойнинг географик ўрни, релреф , тупроқ қатлами қалинлиги ва бошқалар киради.

Иккинчи гуруҳ омилларига эса ерларни зовурлаш, суғориш каби катта миқдордаги капитал сарфланиши лозим бўлган ишлар киради.

Учинчи гурухга тупроқка ишлов бериш, ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалиш ва бошқалар киради.

Яна гурухларни эотиборга олувчи 2 типдаги услубият ишлаб чиқилган бўлиб, тупроқлар баҳоланади.

Биринчи типдаги бонитировкалаш усулида тупроқни потенциал унумдорлиги эотиборга олинади.

Рассел фикрига кўра бунда иқлим, релреф каби табиий катталикларга таянган ҳолда тупроқ 3 категорияга 10 та синфга бўлинниши керак.

Иккинчи типдаги услубиятда тупроқни баҳолаш олинган ҳосил асосида олиб борилади, бу усул албатта жуда дағал бўлиб, буни Расселни ўзи ҳам таокидлаган.

Америка Қўшма Штатларида тупроқни баҳолаш ишлари 1899 йилдан тики 1952 йилга қадар қишлоқ хўжалиги вазирлигини тупроқ хизмати гурухи томонидан олиб борилган. Хозирги кунда тупроқ муҳофазаси хизмати ташкил этилган ва улар тупроқни бонитировкалаш билан шуғулланади.

АҚШ да 2 усул кенг қўлланилади: а) мажмуавий усул бўлиб, кўп йиллик ҳосил асосида ерлар баҳоланади, б) омиллий усул бўлиб, табиий омиллар эотиборга олинади, бунда тупроқ хоссалари ва уларни яхшилаш назарда тутилади.

Тупроқлар уларнинг механик таркиби, қалинлиги, сув ўтказувчанлиги, тошлилиги ва бошқаларга қораб синфларга ажратилади ва баллар берилади.

Бу усул ўзининг маоно ва мазмунига кўра табиий тарихий ҳисобланади. Усулда 100 балли шкаладан фойдаланилади.

Кейинги вақтларда АҚШ да ердан фойдаланишни қулайлаштирувчи маҳсус агрогурухли, таснифли жадвал ишланди.

1-жадвал.

#### **Тупроқларни синфига қараб фойдаланиш имкониятлари.**

Ердан фойдаланиш Шакли	Фойдаланиш учун қулай синфлар							
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII
Тўқай	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Ўрмончилик	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ
Яйлов	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Баозан	Йўқ
Пичанзор	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Донли экинлар	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Хайдов дехқончилиги	Ҳа	Ҳа	Ҳа	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ

Жадвал маолумотларидан кўриниб турибдики, Ерларни таснифлаш учун 8 та синф ажратилган. Энг яхши ва энг юқори баҳоли синфларга I-II синфлар киради. Қолганлари озми-кўп чекланишларга, яни қайсиdir ўсимликларни хосилдорлигига салбий таосир қилишига асосланган.

Канадада тупроқларни баҳолаш ишлари Стори усули билан олиб борилади. Бу усул ҳам табиий тарихий усулга яқин бўлиб, унда Ўзбекистон усулига ўхшаш жойлари кўп. Масалан, Ўзбекистонда тупроқлар 10 синфга ажратилса Канадада 7 тага ажратилади. Фарқи Ўзбекистон усулида 1 синфдан 10 синфгача тупроқлар яхшилана боради. Стори усулида 1 синфдан 7 синфгача ёмонлаша боради. Синфларга бўлиш усули агрогурухларга бўлишни эслатади.

Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги аозоларида тупроқ бонитировкаси Докучаев ва Сибирцев усули асосида маҳаллий шароитларга мослашган ҳолда олиб борилади.

Шундай қилиб Россияда ўз замонасида Докучаев томонидан яратилган тупроқни бонитировкалаш усули тўла-тўқис талабга жавоб беради десак бўлади, чунки бу усул ҳозирги кунда ҳам, нафақат Россияда балки қатор бошқа мамлакатларда ҳам асосий бўлиб хизмат қилмоқда.

#### **Таянч иборалар.**

Ер, тупроқ, кадастр, бонитировка, нисбий баҳо, унумдорлик, потенциал, сunoий, табиий унумдорлик, эркин иқтисодий уюшма, кадастр комиссияси, тамойиллар, геологик, кимёвий, физиковий, мажмуавий, «Авесто», харита, масштаб, лойиҳа, солик, подзол, оқ ер, ҳайдаладиган, сугориладиган, супа рельеф, қайнзор, органик модда, губерния, пичанзор, яйлов, ўрмон, сўров-статистика, дехқончилик.

#### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. «Авесто» ва бошқа мутаффакирлар асарларида Ерга берилган баҳолар?
2. Қадимги рус давлатида дехқонлар томонидан ерга берилган баҳо?
3. Ерни ҳисобга олиш ва баҳолашдан мақсад?
4. М.В.Ломоносов, М.И.Афонинларни Ерга берган баҳолари?
5. Тупроқларни Россияда биринчи маротаба синфларга, пичанзорларни синфга ва пичан навларига бўлиниши?
6. Унумдорликни баҳоловчи тамойиллар?
7. Унумдорликни баҳолашни В.В.Докучаев усули?

8. Геологик, кимёвий ва бошқа диаграммалар орқали тупроқни баҳолаш?
9. Ерни баҳолашнинг морфологик ва статистик усуслари?
10. Ўзбекистонда, чет мамлакатларда тупроқ ва ер қандай баҳоланади?

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЕРЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ.**

Буюк мутафаккир, олим Абу Али Ибн Сино ўз замонасида "Тупроқ тирик мавжудот - ҳаёт мамот негизидир" деб айтган эди. Бу мутафаккирона сўзлар ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Қобусномада "Шўристонга тухум сочмагилким ҳосил бермагай, меҳнатинг беҳуда бўлғай, яни яхшиликни билмаган кишига яхшилик қилмоқ шўристонга тухум сочмоқдир" деб бежиз айтилмаган.

Ер-тупроқ, ўт ва сувнинг орасида воситачи бўлиб, уларнинг орасини улуғбанд қилиб боғлагайдир. Шу тариқа ердаги қурғоқчиликнинг олов била, совуқликнинг, сув била боғланиши орасида пайдо бўлди, лекин қувват моддаси билан мазкур банд узулди деб ёзилган.

Она замин ҳақида бу каби табаррук сўзларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин афсуски уларнинг кўпчилиги турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган.

Этибор берайлик шўр тупроққа тухум, яни уруғ сепма, бари бир шўристон ҳосил бермайди, натижада меҳнатинг зое кетади деган гап нақадар доно фикр.

Ўз ўзидан шўристонни ажратиш кераклиги, яни ҳисобга олиш кераклиги, шўр ер унумсиз эканлиги ва сифати паст эканлигидан далолат. Қадим даврлардан бошлаб Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш халқ томонидан йўлга қўйилган. Бунга мисол тариқасида маолум ер майдонида одамлар яшашни бироз вактдан кейин бошқа жойларга, яни тупроқлари нисбатан унумдор ерларга алмаштириши ва у ерда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишини, чириқлар ёрдамида суғориш кабиларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларни илмий асосда рўйхатга олиш, баҳолаш ишлари Докучаев усули кашф этилганидан кейинроқ ривожланди. Лекин тезда Ўзбекистонни ўз йўли борлиги кўринди. Мамлакатимизда суғориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тўғрисидаги услубий қўлланмана биринчи марта рус тилида 1969 йили "Ўздаверлойиҳа" ва тупроқшунослик институтлари олимлари А.З.Генусов, Б.В.Горбунов ва бошқалар томонидан чоп этилади.

Мамлакатда ўтказилган тадбирлар бу қўлланмада айрим камчиликлар мавжуд эканлигини исботлади. Жумладан бу усулда майда заррали тупроқ қатлам қалинлиги, тупроқни гипслашганлик даражалари учун коэффициентлар ишланмаган эди.

Ушбу қўлланмани такомиллаштириш, дала ва вегетацион тажрибаларини натижаларини умумлаштириш, айрим пасайтирувчи коэффициентларни тузатиш натижасида республикамиз шароитига, хусусан пахтачилик ва дончиликка мослашган янги услубий қўлланмалар вужудга келди.

"Ўзбекистонда пахта етишириладиган ерларнинг унумдорлигини баҳолаш бўйича услубий қўлланмана". Т. 1994.

"Бўз тупроқлар камаридағи суғориладиган, эрозияга мойил ерларни баҳолаш ва хариталашга доир услубий кўрсатма". Т. 1994.

"Ўзбекистон Республикаси баҳорикор ерларни бонитировкалаш". Т. 2000 йил ва ҳоказолар.

Ушбу қўлланмалар, услублар негизида мустақиллик даврида Ер фондидан самарали фойдаланишда, тупроқни унумдорлиги бўйича баҳолашда, суғориладиган минтақаларда тупроқ ҳосил бўлиш шароити ва сифатини бир-бирига таққослаб таҳлил қилиш, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари экишни тўғри ва режали ташкил этиш ҳамда улардан юқори даражада ҳосил олиш учун мураккаб ҳисбланган агротехник ва мелиоратив чораларни илмий асослашда маолумот берувчи ягона илмий умумлашган услубий қўлланмана яратилди.

Хозирги кунда янги-янги услугиятлар, илмий ғояларни яратилишида Кўзиев Р.Қ., Сатторов Ж.С., Толипов Г.А., Ли В.Н., Мақсадов Ж.М., Ақрамов И.А., Фофурова Л.А. ва бошқаларни хизматлари бенихоя катта.

Эрозияга мойил, чалинувчан ерлар ва лалмикор ерлар учун эса алоҳида-алоҳида услубий ишлар яратилди. Бу ишларни амалга оширилишида Махсудов Х.М., Мирзажонов Қ.М., Елюбаев С.Е. ва бошқаларни ишларига таянилади.

Эрозияга учраган ерларни ҳисобини олишни, баҳо беришни такомиллатириш ҳали поёнига етган эмас. Шунга қарамасдан тупроқ унумдорлигини баҳолайдиган ўзбек модели яратилди деса ҳам бўлади.

Лекин энг янги моделларимиз ҳам камчиликлардан ҳоли эмас, масалан; сугориладиган ерларни бир баллининг кадастрили ҳисоби донли экин экилганда 0,6 ц/га ни ташкил қиласди, демак энг юқори даражада баҳоланадиган 100 балли 10 синфли ерлардан 60 ц/га дон олиш мумкин, аслида ҳозирги кунда илғор хўжаликлар, туманлар гектаридан 85-86 ц/га дон олмоқдалар. Бундайларга Андижон вилояти 72 ц/га, Асака тумани 85 ц/га, Асака тумани Фалаба жамоа хўжалиги 86 ц/га ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Ҳудди шу каби мисолларни пахтачилик тармоғидан ҳам келтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ресурс бу мамлакат тупроқлари ҳисобланади ва ҳар доим рўйхатга олишга ва баҳолашга муҳтож бўлади.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИ.**

Ўзбекистоннинг умумий Ер майдони 45 млн. гектардан камроқ. Бу майдонни 33,2 млн. гектаридан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилади. Бунинг ҳам асосий қисми чўлдаги яйлов деб аталувчи майдонларга тўғри келади ва 23 млн. гектарни ташкил қиласди. Асосий қисми Устюрт, Кизилқум ва бошқа ҳудудларга тўғри келади.

Деҳқончилик мақсадида 5 млн. гектарга яқин майдондан фойдаланилади. Бундан 4,35 млн. гектар майдон сугориладиган ерлар бўлиб, деҳқончиликни самараси сугориш суви билан боғлиқ, яни қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талаби сугориш ҳисобига қондирилади. Бу ҳудудларда сугориш тартиботи, сугориш меёри катта ролр ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган лалмикор ерлар миқдори 790,4 минг гектарни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ер қонунига" биноан ер фонди фойдаланиш бўйича етти турга бўлинади.

2-жадвал.

#### **Ўзбекистон Ер фондининг турлари бўйича тақсимланиши, минг/га. (1.01.1993 й.)**

№	Эгалик қилиш ва фойдаланиш турлари	Умумий майдони	Шу жумла-дан сугориладиган ерлар	Қишлоқ хўжа-лик ерлари-нинг турлари	Қишлоқ хўжали-гига фойдаланилмайдиган ерлар	Умумий майдонига нисба-тан, %.
1.	Қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ер-ларнинг ҳаммаси.	32239,6	4162,6	25593,2	6646,4	72,0
2.	Давлат ер заҳираси.	4632,0	-	616,0	4016,0	10,3
3.	Ўрмон хўжаликлари ерлари.	5243,2	17,8	1223,0	4020,2	11,7
4.	Саноат, йўл, дам олиш, кўриқхоналар ва қишлоқ хўжалиги-да фойдаланилмайди-ган бошқа ерлар.	1816,3	15,5	61,7	1754,6	4,0
5.	Сув иншоотлари ва бошқа	635,0	3,4	10,8	624,2	1,4

гидротехник қурилмалар.					
6. Қишлоқ ерлари (ша-хар ва шаҳар типи-даги қишлоқлар).	215,4	38,9	9,9	205,5	0,5
7. Табиатни муҳофаза қилиш, рекреацион ва тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган корхоналар, ташкилотларнинг ерлари.					
Жами:	44797,7	4238,6	27521,6	17276,1	100

Суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотини 95 % ни етиширишда хизмат қиласди. Қишлоқ хўжалиги эса волюта келтирувчи асосий тармоқ, яони манба ҳисобланади. Булардан ташқари юқорида қайд қилганимиздек 790,4 минг гектар еримиз лалмикор дехқончиликда фойдаланилади.

Бу ерлар қаторига нисбатан юқори даражада гумус билан таоминланган тўқ тусли бўз тупроқлар типчаси мансуб бўлиб, машҳур, қаттиқ, яони қайроқи буғдой ва бошқа донтурларини етиширишда хизмат қиласди.

Афсуски бундай ерлар, яони лалмикор тупроқлар кўп эмас: Жаззах вилоятида 227.8, Қашқадарёда 252.0, Самарқандда 183.5, Сурхондарёда 42.1, Тошкентда 39.5, Навоийда 20.8 минг гектарни ташкил қиласди. Бу майдонлар турли даражада эрозияга учраган ва дехқончиликни олиб бориш жараёнида катта эҳтиётлик талаб қиласди, акс ҳолда эрозия тезда ерларни деградацияга учратади.

Бу гурух тупроқлар, яони тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган майдонлар намлиқ билан таоминланган ерлар ҳисобланади. Катта меҳнат сарф қилмасдан, намгарчилик яхши бўлган йиллари нисбатан юқори ҳосил олиш мумкин.

Демак асосий диққат ва эзтибор ана шу, яони суғориладиган ерлар ва лалмикор ерларнинг унумдорлигини ошириш, сақлаш ва қайта тикишга қаратилмоғи даркор.

Расмий хужжатлар маолумотига кўра суғориладиган майдонларнинг 53 % ёки 2 млн. 286 минг гектари турли даражада шўрланган. Кучсиз шўрланган ерлар майдони 1 млн. 125 минг га ёки 58 % ни ташкил қиласди. Ўртacha даражада шўрланган ерлар 650 минг га ёки 33 %, кучли шўрланган ерлар майдони 250 минг га атрофида бўлиб, шўрланган ерларга нисбатан 14 % ни ташкил қиласди.

Кейинги илмий изланишлар натижаларига кўра кучсиз даражада шўрланган ерларда 20-25 % миқдорда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги камаяди, демак шўрланмаган ерларга нисбан 1/4 хисса кам ҳосил олинади.

Ўртacha даражада шўрланган ерларда эса 30-40 % айрим ҳолларда 50 % гача ҳосил камаяди. Кучли даражада шўрланган ерларда эса ҳосил 80 % гача камаяди ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин. Кучли даражада шўрланган ерларнинг 70 минг гектари Қорақалпоғистон республикаси ҳудудига, 65 минг гектари эса Сирдарё вилоятига тўғри келади. Демак, 135 минг гектар ер икки вилоятга тўғри келади.

Шуни алоҳида таокидлаш керакки, одатдаги шўр ювиш усусларида кучсиз ва ўрта даражада шўрланган ерлардагина шўр ювиш ишларини тўла тамомлаш, яони ерларни шўрсиз ёки шўрланмаган ҳолатигача сувда эрувчи тузлардан тозалаш мумкин. Аммо ҳозиргача қўлланилиб келинаётган усуслар билан кучли даражада шўрланган ерларни даволаш, яхши ва жуда яхши натижаларга олиб келгани йўқ.

Ўзлаштирилиши нисбатан осон ерлар, айниқса шўрини ювиш осон бўлган майдонлар ўзлаштирилиб бўлган. Ҳозирги кунда ўзлаштириш мақсадида қолган, яони ажратиладиган ерларни мелиоратив ҳолати жуда ноқулай ва нобоб. Шўрлик даражаси юқори, сув ўтказувчанлиги ёмон, гипсли, шоҳ-арзикли ерлар ўзлаштирилиши мумкин бўлган ер заҳираларини катта қисмини ташкил қиласди. Бундай ерлардан фойдаланиш жараёнида агротехнологик, агромелиоратив жараёнлар бузилиши тезда ерларни бир турдан

иккинчисига ўтишига сабаб бўлади. Натижада Ер фонди фойдаланиши ва турлари бўйича ўзгариб туради. Ерларни ўзлаштирилиши натижасида лалми, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлар суғорилиб, сугорма дехқончилик ерлари қаторига ўтади.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларида турли қурилишларга суғориладиган ерларни ажратилиши, бинолар, корхоналар қурилиши ва бошқалар ҳам Ер фонди турларини ўзгаририб юборади. Бундай ўзгаришларни аниқ хисобга олиб бориш иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 1992 йил 14 августда тасдиқланган 11/48-273 шакл асосида олиб борилади. Бу ер ҳисоби ҳар йили биринчи январгача Ерга эгалик қилувчи ва фойдаланувчи хўжаликлар, ташкилотлар, туманлар ва вилоятлар бўйича бажарилади. Бу хужжатлардан қишлоқ хўжалик экинлари турларини жойлаштириш, олинадиган ҳосилнинг таксимоти ва бошқа соҳаларда фойдаланилади. У қуйидаги кўринишида бўлади.

Ер турларидан бири кучли даражада шўрланган ер заҳиралари бўлиб, уларнинг катта қисми қийин мелиорацияланувчи гурухга киради.

Шўр тупроқларнинг генезисига ва ўзлаштириш, сугориш, шўр ювиш қоидаларига эотиборни сусайтириш албатта бундай ерларнинг унумдорлигига салбий таосир кўрсатади.

Ерларга индивидуал эотибор берилмаслик авваллари шўр бўлмаган ерларни шўр ерлар қаторига ҳам ўтишига сабаб бўлади. Суғориладиган ерлар бўз тупроқлар, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи саз, тақир-ўтлоқи, бўз-қўнғир, қумли чўл тупроқларидан иборат бўлиб, бу тупроқлар классик тупроқшунослик нуқтаи назардан қора, каштан ва бошқа юқори даражада гумусга эга бўлган тупроқларга нисбатан потенциал унумдорлик даражасига кўра паст туради.

Гумус миқдори буларнинг, яни воҳа тупроқларининг ҳайдов қатламларида 0,8-1,2 %, (2 %).

Модомики, бу тупроқлар суғориладиган майдоннинг асосий қисмини ташкил қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 95 % ни берар экан булар алоҳида эотиборга молик. Шу боис буларни генезиси, унумдорлиги ва бошқа хосса ва хусусиятлари ҳамма вақт олимлар дикқат марказида турган.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларидаги тупроқлар Б.В.Горбунов ва Н.В.Кимберг (1975) лар томонидан қуйидагича таснифланган.

1. Сахро минтақасининг ўтлоқи - воҳа тупроқлари.
2. Сахро минтақасининг ботқоқ - воҳа тупроқлари.
3. Тақир - воҳа тупроқлари.
4. Бўз тупроқлар камарининг ўтлоқи - воҳа тупроқлари.
5. Бўз тупроқлар камарининг ботқоқ - воҳа тупроқлари.
6. Бўз - воҳа тупроқлари.

Шундай қилиб кейинчалик бу тасниф тўлдирилди ва унда 6 та тупроқ типи ажратилган бўлиб, 28 та типчани қамраб олади.

-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ер фонди, минг га. (1.01.1993 й.)**

Қорақалпоғистон ва вилоятлар	Умумий майдони	Шу жумладан									
		Хайда-лади-ган ерлар	Шундан суғори-ладиган	Күп йиллик дараҳт-лар	Бўз ерлар	Яйлов ва пичанзорлар	К/х фойда-лани-ладиган ерлар	Томор-қа ерлар	Ўрмон ва ча-калак-зорлар	Мел. ҳолати яхши-ланадиган ерлар	К/х да фойда-ланмайдиган ерлар
Қорақалпоғистон Р.	16099,2	428,5	425,5	12,3	4,1	4900,3	5345,6	37,9	481,6	27,8	10206
Андижон	425,0	204,9	204,9	30,7	2,6	22,6	260,8	48,1	2,5	2,1	111,5
Бухоро	4193,7	198,1	198,1	26,1	5,1	2858,6	3087,9	43,2	185,3	5,7	871,6
Жиззах	2044,1	452,0	246,8	21,3	5,4	811,3	1290,0	24,7	162,1	8,2	559,1
Қашқадарё	2857,5	664,9	411,4	36,2	24,4	1532,3	2257,8	55,7	114,5	22,3	407,2
Навоий	10937,4	111,1	90,7	9,9	6,8	10007,2	10135,0	16,0	0,5	2,8	783,1
Наманган	695,0	197,7	197,7	38,8	-	143,1	379,6	39,2	23,3	3,1	249,8
Самарқанд	1677,4	447,2	265,4	57,0	4,2	812,3	1320,7	65,1	9,7	1,4	280,5
Сурхондарё	2059,9	290,8	259,3	34,3	1,9	917,7	1244,7	46,3	196,8	0,6	571,5
Сирдарё	515,7	287,6	262,3	12,8	5,4	74,9	380,7	18,1	3,3	5,1	108,5
Тошкент	1610,6	336,7	296,3	48,5	11,4	479,9	876,5	54,7	78,4	1,5	599,5
Фарғона	799,2	258,6	258,6	36,9	-	75,2	370,7	57,1	15,6	4,2	351,6
Хоразм	883,0	212,1	212,1	14,8	1,2	343,5	571,6	35,1	60,1	1,6	214,6
Жами:	44797,7	4090,2	3329,1	380,0	72,5	22978,9	27521,6	541,2	1333,7	86,4	15314,8

## **Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроқлари таснифи схемаси**

### **С у в т а р т и б о т и т и п л а р и**

Иригацияли-автоморф    Ўтма    Ирригацияли - гидроморф

#### **Бўз тупроқлар камари**

##### **I. тип. Бўз-воҳа тупроқ.**

*Типчалар:* 1.1.Хусусан, бўз-воҳа  
1.2.Суғориладиган оч тусли бўз  
1.3.Суғориладиган типик бўз  
1.4.Суғориладиган тўқ тусли бўз

##### **II. тип. Ўтлоқи-воҳа тупроқ.**

*Типчалар:* 2.1.Хусусан, ўтлоқи-воҳа  
2.2.Суғориладиган ўтлоқи аллювиал  
2.3.Суғориладиган ўтлоқи саз  
2.4.Суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи

- 1.5. Ўтлоқи – бўз – воҳа
- 1.6. Суғориладиган ўтлоқи – воҳа
- 2.5. Бўз – ўтлоқи – воҳа
- 2.6. Суғориладиган бўз – ўтлоқи

#### **III. тип. Суғориладиган ботқоқ тупроқ.**

*Типчалар:* 3.1.Суғориладиган илли-ботқоқ  
3.2.Суғориладиган торфли-ботқоқ

#### **Сахро минтақаси**

##### **IV. тип. Сахро-воҳа тупроқ**

*Типчалар:* 4.1.Хусусан, сахро-воҳа  
4.2.Суғориладиган тақири  
4.3.Суғориладиган сур тусли қўнгир  
4.4.Суғориладиган қумли сахро  
4.5.Сахро ўтлоқи-воҳа  
4.6.Суғориладиган ўтлоқи-тақири

##### **V. тип. Ўтлоқи-воҳа тупроқ.**

*Типчалар:* 5.1.Хусусан, ўтлоқи-воҳа  
5.2.Суғориладиган ўтлоқи-воҳа аллювиал  
5.3.Суғориладиган ўтлоқи соз  
5.4.Суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи  
5.6.Суғориладигансахро-ўтлоқи  
5.5.Ўтлоқи-тақири-воҳа

#### **VI. тип. Суғориладиган ботқоқ тупроқ.**

*Типчалар:* 6.1.Суғориладиган гилли-ботқоқ  
6.2.Суғориладиган торфли ботқоқ

Чўл ва бўз тупроқлар минтақасида тарқалган воҳа тупроқларининг таснифи Р.Қ.Кўзиев (1991 й.) иши асосида келтирилган бўлиб, бу майдонларнинг каттагина қисмida тупроқ эрозияси ҳам ўз ўрнини топган.

Бўз тупроқларда 1990 йил маолумотларига кўра ирригацион эрозия 2 млн. 904 минг га ерда содир бўлган бўлиб, натижада 40 % дан кўпроқ майдонда гумус микдори меёридан камайган. Ўзбекистонда 581 минг га суғориладиган ерлар ўртача, 17,6 минг га ер эса кучли даражада шамол эрозиясига чалинган. Кўп йиллик текширишлар натижасига кўра шамол эрозиясига учраган тупроқларни ҳайдов қатламида (0-30 см) ўртача 0,33-0,40 %, бу жараёндан сакланган тупроқларда эса 0,67-0,70 % чиринди мавжуд. Эрозиянинг тупроқ унумдорлигига қанча зарар келтирганлиги тўғрисида 4-жадвал маолумотларидан кўриш мумкин.

4-жадвал.

**Суғориладиган типик бўз тупроқлар майдонидан ювилган тупроқ, азот, фосфор ва  
калий микдори, тонна**  
**(Мирзажонов Қ.М., Нурматов Ш. 2000).**

Вилоятлар	Майдони, га.	Бир йилда ювилган				
		Тупроқ	Чиринди	Азот	Фосфор	Калий
Андижон	26000	2080000	20800	2080	2080	2600
		2600000	26000	2600	2600	3120
Қашқадарё	37000	2960000	29600	2960	2960	3700
		3700000	37000	3700	3700	4400
Наманган	28000	2240000	22400	2240	2240	2800
		2800000	28000	2800	2800	3360
Самарқанд	142000	11360000	113600	11360	11360	14200
		14200000	142000	14200	14200	17040
Сирдарё	22000	1760000	17600	1760	1760	2200
		2200000	22000	2200	2200	2640
Сурхондарё	22000	1760000	17600	1760	1760	2200
		2200000	22000	2200	2200	2640
Тошкент	101000	8080000	80800	8080	8080	10100
		10100000	101000	10100	10100	12120
Фарғона	17000	1360000	13600	1360	1360	1700
		1700000	17000	1700	1700	2040
Жами:	395000	31000000	316000	31600	31600	39500
	39500000	395000	39500	39500	39500	47400

Эрозия жараёнида катта миқдорда тупроқ ва у билан биргаликда озиқа элементлари ювилиб кетади, натижада тупроқ унумдорлиги пасаяди.

Ирригация эрозиясига ўртача чалинган ерларда ғўза ҳосили гектарига 5-6, кучли даражада эрозияга учраган ерларда 8-10 ц/га миқдорда, яони пахта камаяди, сифати ҳам пасаяди.

Ривожланган мамлакатларда эрозияга қарши кураш устувор йўналиш хисобланади. Германия, Чехия, Руминия, Болгария, Югославия, Италия, Япония давлатларида ювилиб кетган тупроқни тўплаб ўз ўрнига қайтариш йўлга кўйилган.

Бизнинг мамлакатимизда бу каби ишларга гарчанд эрозия кучли бўлсада деярли эотибор берилмайди.

Шамол эрозияси Қўқон гурухи туманларидаги ерларда кучли ва ўртача - 7 %, кучсиз 15 % ни ташкил қиласди. Қурук бўз тупроқда гумус 63-70 т/га. Воҳа бўз тупроқда 80-160 т/га.

Кейинги 15-20 йилда шўрланган ерлар майдони 0,8 млн/га га ошди. Бу албатта унумдорликни камайишига олиб келди. Унумдорликни эса ошириш йўллари кўп бўлиб, улардан бири минерал ўғитлар ёрдамидадир.

Жаҳон амалиёти кейинги йилларда нисбатан паст меоёрга ўтиш. Масалан; АҚШ да пахта етиширишда 150 кг/га N ишлатилса, бизда суғориладиган типик бўз тупроқда 30-35 ц/га ҳосил олиш учун 200-250 кг/га гача N сарфланади. Фосфор 150 кг/га, калий 100-120 кг/га солинади. Энди бу миқдорларни тўқга айлантириб кўрсак каттагина рақамни ташкил қиласди. Бундан ташқари минерал ўғитлар ва бошқа йўллар билан Mo, Mn, Ti, Ca, S, F,... ерга тушади. Буларни ҳаммаси оқибатда ернинг унумдорлигига, яони сифат баҳосига таосир қиласди.

I - кадастр зонага (0-20 балл) суғориладиган ерларимизни 0,2 % киради, улар кучсиз гипсли, гумуси жуда кам, адабиётларда "без гумуснеке" дейилган бу нотўғри, гумуссиз тупроқ бўлмайди. Хуллас энг паст сифатли ерлар бўлаб I-II классга киради.

II - кадастр зонага III-IV класс ерлар киради, улар суғориладиган ерларга нисбатан 23,1 % (21-40 балл), меоёрий унумдорлиги 12 ц/га гача пахта.

III - кадастр зона 41-50 балл, 18-24 ц/га - 43 %.

IV - кадастр зона 61-80 балл, бундай ерлар суғориладиган ерларга нисбатан 26, %.

V - кадастр зона IX-X класс, 81-100 балл, ўртача меоёрий ҳосилдорлик 32 ц/га, пахтанинг майдони 2,9 % ни ташкил қиласи.

1990-1999 йилларда 260 минг гектар майдонда балл бонитети 10 баллгача пасайиб кетган.

Ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосил қишлоқ хўжалик экин тури ва ернинг бонитет балли дехқоннинг қалб қўрига боғлиқ. Айни бир вақтда маолум меоёрий қоидаларга ҳам тўғри келади, жумладан:

пахта - 0,4 ц/га;

биринчи йил беда - 1 ц/га;

дон учун маккажўхори - 0,75;

иккинчи - учинчи ўрим беда - 2,0;

бошокли дон - 0,6;

ҳосил учун макка - 6,50;

озиқабоп қанд лавлаги - 9,5;

картошка - 6,0, яони бир балл бонитетга мос ҳосил беради.

Кейинги йилларда (1993 й.) 114 минг гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан тушиб қолган. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, улардан бири қуида келтирилган маолумотларга кўра Арнасой сув ҳавзаси 1969 йилда Чордарё сув омборидан 21 км<sup>3</sup> сувни ташлаб юборилиши ҳисобига туз кон Кўли ўрнида ҳосил бўлган, кейинги 10 йил ичидаги 7-8 м га сатхи кўтарилиди. Сув ҳавзасининг юзи 200 км<sup>2</sup> га етди. Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятларини ер майдонлари қисман сув остида қолди ва шунга мувофиқ сизот суви сатхи кўтарилимоқда. Кейинги 10 йилда сизот суви сатхи 2-3 м гача кўтарилиди. Бу яхшими, ёмонми? Вегетация даврида катта майдонда 1-2 м га етади, минерализация 3 г/л дан 5-10 г/л ни ташкил қиласи.

Иқлим минтақасида тупроқларни шўрланишига ва оқибатда сифатини пасайишига, шўр ерлар майдонини ортишига сабаб бўлади.

### **Таянч иборалар.**

Шўристон, уруғлик, уруғ, тухум, эрозия, ўзбек модели, Ер фонди, Ер қонуни, суғориладиган тупроқ, тўқ тусли бўз, тупроқлар таснифи, бўз-воҳа, ўтлоқи - воҳа, ботқоқ тупроқ, сахро минтақаси, генезис, гумус, гумус миқдори, меоёрий ҳосилдорлик.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Қобусномада ерга берилган баҳоларни тушинтиринг?
2. Марказий Осиёда қадимдаги қўчманчи дехқончиликнинг сабаблари?
3. Ўзбекистонда суғориладиган ерларни рўйхатга олиш ва баҳолаш ишларининг бошланиши?
4. Ўзбекистон ерларини, тупроқларини баҳолашда қўлланиладиган услубий ишлар ва уларнинг муаммолари?
5. Ўзбекистонда ер қонунига мувофиқ ерлардан фойдаланиш бўйича турларга бўлиниши?
6. Ўзбекистонда ва Фарғона водийсида суғориладиган ерлар муаммоси?
7. Лалмикор ерлар ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари?
8. Суғориладиган тупроқлар таснифи, унинг асосий тип ва типчалари?
9. Суғориладиган ерлардан гумус ва озиқа элементларининг ювилиши ва бу жараённи тупроқ унумдорлигига таосири?
10. Кадастр зоналари ва синфлар, ҳамда уларга берилган бонитет баллари, ҳосил миқдорларини чамалаш?
11. Тупроқ унумдорлигини баҳолашда қўлланиладиган асосий мезонларни айтинг?
12. Балл бонитетли тупроқ харитасининг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

### **III БОБ: СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ БОНИТИРОВКАЛАШ УСУЛИ.**

Ер ислохотини мукаммал ва сифатли амалга ошириш учун "Ер кодекси", Ўзбекистон Республикаси Давлат Ер кадастри тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунларда Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, фойдаланувчиларни рағбатлантириш, ер эгаларини тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган хатти-харакатларини эотиборга олиш қоидалари кўрсатилган.

Ер нархи, тупроқ бонитировкаси маолумотлари энг аввало Ер кадастрининг таркибий қисмлари ҳисобланади ва қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

- ерга солинадиган солиқ ҳажмини аниқлаш
- ҳосилни режалаштириш
- ноқишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун ерни ажратишни асослаш
- ерга тўланадиган тўлов (компенсация) миқдори
- арендага ва фермер ҳўжаликларига берилганда, пай шаклида фойдаланганда ер майдонларини нархини аниқлашда.
- қишлоқ ҳўжалик корхоналарини ҳўжалик фаолиятини баҳолашда
- ердан рационал ва самарали фойдаланишни рағбатлантириша
- ердан нотўғри фойдаланишда жарималарни миқдорини белгилашда
- тупроқни деградацияланишдан, ифлосланишдан сақлаш, унумдорлигини ошириш ва қайта тиклаш ва бошқалар.

Тупроқ бонитировкаси - тупроқнинг унумдорлик даражасини миқдор жиҳатдан баҳолаш демакдир. Бу баҳолаш нисбий бўлиб, солишириш асосида олиб борилади.

Тупроқни бонитировкалаш уни ҳосса ва ҳусусиятларини ҳисобга олиш асосида бажарилади. Бунда экин турининг ҳосили билан тупроқ ҳоссалари ўртасидаги энг зич боғланиш аниқланиб, шу асосда тупроқ баҳоланади. Бонитировка ишларини натижалари балларда ифодаланади.

Тупроқ баҳоси билан ўсимлик тури ва ҳосили ўртасида маҳсус боғланишлар бўлади.

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар бонитировкаси етакчи ўсимлик ҳисобланган ғўза асосида олиб борилади. Ғўза мажмуаси ўсимликлари учун ишланган.

Ҳозиргача Ўзбекистонда суғориладиган ерларни бонитировкалашда хар хил усуллардан фойдаланилган.

Бу усулларга 1969 йилда нашр этилган Генусов А. З., Горбунов Б. В. ва бошқалар томонидан ишланган, ҳамда 1989 йилда нашр этилган Ли В. Н., Елубаев С. М. ва бошқаларни ишларини келтириш мумкин. Булардан ташқари 1977 йилдаги Шредер В. Р., Решетов Г.Г. ишларини келтириш мумкин.

Суғориладиган ерларни табиий ҳоссаларига қараб баҳолаш услубларини ичидаги нисбатан мукаммал услуб тариқасида Ж. Сатторов, Ж. Кунгиров ва бошқаларни 1994 йилдаги ишлари ҳисобланади.

Ва ниҳоят 1998 йилда "Ўздаверлойиха" Ер кадастри филиали ходимлари Ли В. Н., Мақсудов Ж. М., Акрамов И. А. ҳамда тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти олимлари Кўзиев Р.К., Турапов И. Т. лар томонидан юқоридаги услубиятларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган энг янги усул ишлаб чиқилди.

Янги усуlda негизли жадвал (шкала) тупроқларни генетик гурухлари ва механик таркибиغا таянган ҳолда тузилган.

Олдинги негизли жадваллар эса ерларни суғорилганлик даражаси ва маданийлашганлиги асосида тузилган. Бу кўрсаткичларни аниқлашда мавҳумликка кўп марта дуч келинар эди.

Янги услубиятда юқорида қайд қилинганидек тупроқларни табиий ҳоссаларига кўра баҳолашда уларни генетик гурухларига ва механик таркибиغا таянилади. Булардан ташқари тупроқни сифат жиҳатдан баҳолайдиган муҳим агрономик ҳоссаларига асосан маҳсус бонитировкаловчи коэффициентлар ҳисоблаб чиқилган. Бу коэффициентлардан тупроқни бонитировкалаш жараёнида фойдаланилади.

Услубиятга кўра ғўза экинлари асосида ишланган бонитет баллари шоли ва каноп экинлардан бошқа барча қишлоқ ҳўжалик экинлари экилган майдонларни баҳолашга лойик.

Тупроқларни баҳолаш ёпиқ 100 балли шкала асосида олиб борилади.

Энг юқори маҳсулдорликка эга бўлган, яхши физик, кимёвий, биологик хусусиятларга эга бўлган ерлар 100 балл билан баҳоланади. Бошқа ерлар буларга нисбатан баҳоланади. Шунинг учун ҳам бу усул нисбий саналади.

## ТУПРОҚЛАРНИ БОНИТИРОВКАЛАШ ШКАЛАСИ.

Суғориладиган дехқончиликда тупроқда кечадиган барча кимёвий, физиковий, физик-кимёвий, биологик ва бошқа жараёнлар тез-тез ўзгарувчан бўлади. Бундай шароитда тупроқни қатор хусусиятлари ўзининг турғунлигини йўқотади, қисқа вақт ичидаги ўзгарадиган бўлиб қолади. Шунинг учун тупроқни баҳолашда ҳосил билан корреляцияланувчи мезонларни танлашда эҳтиёт бўлиш зарур.

Мезонлар нисбатан турғун, яни тез-тез ўзгармайдиган ва қишлоқ хўжалиги экин турининг ҳосили билан яхши корреляцияланувчи бўлмоғи даркор.

Суғориладиган дехқончилик шароитида бундай мезонлар қаторидан тупроқни механик таркиби жой олади. Механик таркибни нисбатан консерватив эканлигини ўз вақтида Митчерлих, Рассел, Вилрямс, Качинский ва бошқалар аниқлаганлар.

Тупроқни механик таркиби унинг унумдорлигини бошқа хоссаларидан кўра ҳам кўпроқ ифодалайди.

Механик таркиб тупроқнинг ўзак, яни энг асосий хусусияти бўлиб, унинг оналик жинсига боғлиқ равишда келиб чиқади. Тупроқни механик таркиби кўпчилик ҳолларда оналик жинсидан наслдан-наслга ўтган каби ўтади.

Иzlанишлар натижасига кўра оғир механик таркибга эга тупроқларни нисбатан кўп озиқа элементлари ва сув сақлаши исбот қилинган. Айни бир вақтда сув ва ҳаво ўтказувчанилиги юқори бўлади.

Енгил механик таркибга эга бўлган тупроқлар оғир механик таркибли тупроқларга нисбатан кам микдорда озиқа элементлари ва сув ушлаб туради, аксинча сув ва ҳаво ўтказувчанилиги юқори бўлади.

Тупроқларни хусусиятларини эотиборга олган ҳолда нисбатан янги ҳисобланган бонитировкалаш шкаласи қўйидагича тузилган. Бу шкалада генетикавий групҳа ва механик таркиб асос учун қабул қилинган.

**Бонитировкалаш шкаласи.**

Тупроқларни генетик гурухлари (тупроқ типи, типчалари, номланиш катори)	Механик таркиби					
	Құмли	Құмлөк	Енгил құмоқ	Үрта құмоқ	Оғир құмоқ	Глейли
<b>Бұз тупроқлар мінтақаси</b>						
I.1.Иrrигацион автоморф: Суғориладиган түк тусли бұз тупроқ;	-	-	90	100	90	80
Суғориладиган типик бұз тупроқ;	-	-	90	100	90	80
Суғориладиган оч тусли бұз тупроқ;	-	70	85	100	90	75
I.2.Үтувчи:						
Суғориладиган ўтлоқи-бұз ва бұз-үтлоқи тупроқлар.	-	70	90	100	80	70
I.3.Иrrигацион гидроморф:						
Суғориладиган ўтлоқи;	-	80	95	100	80	70
Ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи;	-	90	100	95	75	65
Суғориладиган ботқоқ;	-	75	80	75	65	60
<b>Чүл мінтақаси.</b>						
II.1.Иrrигацион автоморф: Суғориладиган бұз-күнгир;	-	70	95	100	90	75
Суғориладиган тақырли;	-	75	95	100	90	70
Суғориладиган тақир;	-	80	100	90	80	65
Суғориладиган құмли-чүл;	60	-	-	-	-	-
II.2.Үтувчи:						
Суғориладиган ўтлоқи-бұз қүнгир;	60	70	85	100	90	70
Суғориладиган ўтлоқи-такир;	-	-	80	100	85	65
Суғориладиган ўтлоқи-чүл ва чүл-үтлоқи;	60	60	80	100	85	75
II.3.Иrrигацион гидроморф:						
Суғориладиган ўтлоқи;	70	85	100	90	80	60
Суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ-ўтлоқи;	70	85	100	85	70	55
Суғориладиган ботқоқ;	60	75	80	75	60	50

## **БОНИТИРОВКА КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ.**

Бизнинг шароитимизда тупроқ хоссаларини ёмонлаштирадиган ва унумдорлигига салбий таосир кўрсатадиган омилларга тошли қатламнинг жойлашган чукурлиги, қумли, гипсли, глейли, шох ва арзикли қатламларнинг кесмадаги ўрни ва бошқалар киради.

Суғориладиган минтақаларда тошли ва шағалли тупроқлар асосан тоғолди проловиал текисликларда ва аллювиал водийларда учрайди. Тошли ва шағалли тупроқлар ўзининг кам гумуслиги, структурасизлиги, озиқа элементларига камбағаллиги, кам сув сақлаш кобилияти, нам сифимининг кичиклиги ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Тошли ва шағалли, яони скелетли тупроқларни унумдорлиги паст, шу сабабли ишлаб чиқариш қобилияти кичик бўлади.

Гидроморф тупроқларни унумдорлик даражаси уларнинг бошқа хоссалари билан бир қаторда глейли қатламининг жойлашган ўрнига ҳам боғлиқ бўлади. Бу ўринда уларни баҳолашда глейлашганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лекин ҳозиргача бу хусусиятларга етарли эотибор берилмайди.

Ўзбекистонда гидроморф тупроқлар майдони суғориладиган ерлар миқдорини 50 % ни ташкил қиласди.

Глейли ва глейлашган қатламлар одатда структурасиз, зичлашган бўлиши билан бирга механик таркибиغا кўра оғир бўлади.

Бу ходиса гидроморф тупроқларни сув-физик ва кимёвий хоссаларини ёмонлаштиради. Чўл ва чалачўл минтақаларининг суғориладиган майдонларида глейли қатламлар темир, алюминий, фосфор, марганец ва бошқаларнинг оқсиidlарини ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлади. Бу бирикмалар, яони глейли қатлам илдиз тарқалган майдонларга яқин жойлашган тақдирда ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига салбий, яони заҳарли таосир қиласди.

Глейли қатламларда ҳар хил шароитларда, мұхитга боғлиқ равишда водород сулрфиди, метан, карбонат ангидриди ва бошқа газлар ҳам ҳосил бўлиб туради. Бу газлар маолум шароитларда ўсимликлар ва тупроқ биотаси учун ижобий ва салбий таосир кўрсатади. Айрим ҳолларда қатламдаги бошқа минерал бирикмалардан ҳам бу газларни салбий таосири кучли бўлади.

Мисол учун тупроқ ҳавоси таркибида водород сулрфиднинг миқдори 10 % дан ошса, кўпчилик ўсимликлар ҳалок бўлади. Бунинг аксича карбонат ангидридининг тупроқ ҳавоси таркибидаги миқдори ошса, маданий ўсимликларга маолум даражада ижобий таосир қиласди.

Эқинларнинг ўсиши ва ривожланишига, ҳосилига тупроқ таркибидаги, унинг ҳар хил қатламларидаги гипсларни унинг миқдорлари ҳам салбий таосир кўрсатади.

Гипсли, гипслашган тупроқлар Фарғона водийсида, Жиззах ва Мирзачўлда, Шерободда, Маликчўлда, Устюрт платосида кенг тарқалган. Гипсли тупроқларда дехқончилик қилинади. Уларда озиқа элементлари, гумус кам бўлади. Гипсли тупроқлар ёмон сув-физик хоссаларга эга, аксарият ҳолларда шўрлашган.

Гипсли тупроқларни унумдорлик даражасига гипсларни миқдори ва унинг жойлашган ўрни, шакли катта таосир кўрсатади.

Тупроқ таркибидаги гипсга ҳамма вақт ҳам салбий оқибат деб қарааш тўғри эмас. Гипсларни миқдорларда тупроқни сув ва ҳаво ўтказувчанлигини яхшилайди, айни вақтда калрцийни асосий манбай ролини ўйнайди.

Албатта карбонатли тупроқларда калрций манбай ролини гипсларни миқдори билан бир қаторда калрций карбонат ҳам бажаради.

Гипсларни шўртбланишдан ҳимоя қиласди, шўртоб тупроқларни даволашда асосий химмелиорантлар қаторида туради. Кучли гипслашган қатламлар ёмон сув-физик хоссаларга, капиллярикка эга бўлади. Бундай қатламларда капилляр кўтарилиш баландлиги 20-80 см дан ошмайди.

Кўпчилик тупроқ-иқлимий туманлардаги сизот сувлари мураккаб кимёвий таркиби гипсларни миқдорларни сизот сувларини сатҳи, минерализацияси, кимёвий таркиби бевосита тупроқ

унумдорлигига таосир этибина қолмасдан, ҳар хил чуқурликда хилма-хил тузли қатламларни ҳам ҳосил қиласди. Ана шундай қатламлардан бири арзик-шохли қатlam бўлиб, гидрокарбонатли, сулфатли, магний ва калцийли сизот сувлари билан боғлик. Арзик-шохли қатламлар кўпинча 0,5-1,5 м чуқурликда учрайди.

Бу қатламлар сув ва ҳаво ҳатто илдизлар ўтмайдиган қаттиқ, зич бўлиб, тупроқ унумдорлигини кескин камайтириб юборади.

Гипс ва тош-шагалли, қумли, глейли, шох-арзикли қатламларни жойлашган чуқурлиги, гумус қатлами қалинлиги каби катталикларни тупроқни бонитировкалашда фойдаланадиган маҳсус коэффициентлари ишлаб чиқилган.

6-жадвал.

#### **Бонитировкалаш коэффициентлари.**

Қатlam чуқурлиги, см.	Тош- шагалли қатlam	Қумли қатlam	Глейли қатlam	Гипсли қатlam	Шох- арзикли	Гумус қатлами
0-30	0,60	0,65	0,45	0,50	0,50	0,65
31-50	0,70	0,75	0,50	0,70	0,60	0,75
51-70	0,80	0,85	0,65	0,80	0,75	0,85
71-100	0,90	0,95	0,85	0,90	0,90	0,95
>100	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00

#### **ШЎР ТУПРОҚЛАРНИ БОНИТИРОВКАЛАШ УСУЛИ.**

Ўзбекистонда шўр ерлар Хоразм, Бухоро, Сирдарё, Навоий, Фарғона, Жиззах вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган.

Ерларимизнинг турли даражада шўрлигидан йилига 20-25 % миқдорда ғўза ҳосили, яни пахта кам териб олинади. М.А.Панков маолумотларига кўра кучсиз шўрланган ерларда шўрланмаган ерларга нисбатан 20-30 %, ўртacha шўрланган ерларда 40-60 %, кучли даражада шўрланган ерларда эса 80 % ва ҳатто ундан ҳам кўп ғўза ҳосили камаяди.

Тупроқда сувда эрувчи тузларнинг таркиби ва миқдори, уларнинг ҳаракати ва ўсимлик турлари билан алоқадорлиги мураккаб илмий муаммолар қаторидан жой олади ва ҳозир ҳам шундай.

Масалани бундай мураккаб бўлишига сабаб ўсимлик турларининг кўплиги ва уларни ҳар хил ионлар таосирига ва тузларнинг умумий концентрациясига чидамлилигини турлича эканлигидадир.

Ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши даврида уларни тузлар, ионлар таосирига бўлган реакциялари ўзгаради.

Суғориладиган ерларда ғўза ўсимлигининг тузлар таосирига чидамсизлиги энг аввало чигитни униб чиқишидаёк намоён бўлади, 3-4 чин барг чиқарганида бу таосирга кучли берилади. Ғўза ўзининг ҳаёти, яни вегетация даврининг охирида тузларнинг бир мунча юқори концентрацияларига чидамли бўлади.

Ўзбекистонда районлаштирилган кўпчилик ғўза навлари учун тупроқдаги тузлар тўпламининг рухсат этилган, яни энг юқори концентрациялари 2,5-3 % ни ташкил қиласди. Бу кўрсаткичдан ошган тақдирда ғўза ўсимлиги ўлади.

Сувда эрувчи тузларнинг заҳарлилиги уларнинг эрувчанлик даражасига, айниқса ионлар таркибига боғлик бўлади.

Ўсимликларга нисбатан кўпроқ, кучлироқ салбий таосир этувчи ионлар ичida анионлардан умумий ишқорийлик, хлор ва сулфат ионлари ажралиб туради.

7-жадвал.

#### **Кишлоқ хўжалик экинларини хлор ионининг таосирига чидамлилиги.**

Чидамлилик даражаси	Экин турлари	Тупроқдаги хлор- иони миқдори, %.	Тупроқ эримасидаги хлор ионининг концентрацияси, г/л.
Жуда кам	Беда, мош, ловия,	0,008-0,01	0,42-0,53

	нўхат		
Кам	Буғдой, арпа, маккажўхори	0,01-0,015	0,53-0,79
Ўртача	Ғўза, шабдар	0,015-0,02	0,79-1,09
Юкори	Лавлаги, оқ жўхори	0,03-0,04	1,58-2,10
Баланд	Кунгабоқар	0,04-0,06	2,10-3,16

Марказий Осиё мамлакатларининг шўр ерларида хлор ва сулфат анионлари қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларнинг ҳосилдорлигига кўп таосир қиласди. Тупроқдаги хлор ионининг микдори 0,01 % дан ошса ўсимликка салбий таосири сезила боради.

Сулфатли анионларининг микдори эса 0,2-0,3 % дан ошган тақдирда ўсимликлар зарарлана бошлади.

Шу боис тупроқни шўрланганлик даражаси, ион таркиби уни, яони тупроқни табиий баҳолашда эотибордан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларини 53 % ёки 2 млн. 286 минг гектари турли даражада шўрланган. Шўр ерларни табиий унумдорлигини сифат ва микдор жиҳатидан баҳолаш шўр эмас ерлардан кескин фарқ қиласди.

Бу каби тупроқларни баҳолаш энг аввало шўрлик даражасини, сифатини аниқлаш ва хаританомасини тузиш билан боғлиқ бўлади.

Тупроқларни шўрланганлик даражаси ва сифатини аниқлаш учун 1:10000 масштабда ишланган ер тузишни контурли режаси, август-сентабр ойларида олинган, шунингдек аэропландан туриб оқ-қора тасвирда суратга туширилган хужжатлар асос қилиниб олинади. Қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражасини аниқлашнинг энг яхши дешифровка белгилари 0,70 дан 0,86 мкм тўлқинида килинган инфрақизил спектрдаги аэрофото-суратларда кўринади.

Шўрланган ерларнинг шўрини аниқлаш учун чуқурлиги бир метр бўлган ўралар (скважиналар) ковланади ва 5 % гача чуқурлиги икки метрли ёки ер ости суви сатҳигача бўлган ўралар ковланади. Бунда услубиятга кўра 15-20 гектар ерга битта ўра тўғри келади.

Бу ўралардан таҳлил қилиш учун намуналар олинади. Бир метрли ўраларнинг 0-30, 30-70 ва 70-100, 100-150, 150-200 см ларидан намуналар олинади. Ўралар эгатлар тепасидан ковланади.

Сулфат-хлоридли ва хлорид типда шўрланган тупроқлардан олинган намуналарда сувли сўрим қисқартирилган ҳолда таҳлил қилинади.  $\text{CO}_3^{2-}$ ,  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{Cl}^-$  ва хлорид-сулфатли типда шўрланган тупроқларда эса  $\text{HCO}_3^-$ ,  $\text{Cl}^-$ ,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{Ca}^{+2}$ ,  $\text{Mg}^{+2}$ ,  $\text{Na}^+$  ва  $\text{K}^+$  лар кимёвий таҳлил этилади.

Тупроқларнинг шўрланганлик даражаси  $\text{Cl}^-$  ва  $\text{Na}^+$  - ионлари микдорига қараб аниқланади. Шўрланганлик даражаси кўрсаткичлари қўйида (8) жадвалда келтирилган.

Шўрланишни аниқлаш ишлари учта даврдан иборат: тайёргарлик ишлари, дала ва тугаллаш (камерал) ишлари.

## 1. ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ.

Бу даврда шўрланганлик даражасини аниқлаш керак бўлган жойни дала, камерал, лаборатория ва хариталаш ишлари ҳажми аниқланади, календарғ иш режаси ва дастлабки лаборатория таҳлили дастури тузилади, адабиётлар ва харитографик маолумот берадиган хужжатлар йиғилади.

Ишни бажарувчи мутахассисларга дешифровка қилинадиган аэропландан олинган сурат асосида тайёрланган 1:10000 нисбатдаги қишлоқ хўжалик харитаси, шу харита контурлари майдони жамланган йигма жилд ва тупроқ хариталари берилади. Шўрланган харитограммасини тузишда юкорида кўрсатиб ўтилган хужжатлардан фойдаланиш зарур, чунки булар бир-бирини тўлдиради.

Шўрланиш даражаси бўйича контурларга ажратиш аэропландан олинган суратларда бажарилади. Ўзгаририш ва тузатиш киритилган ердан фойдаланиш режаси хўжалик ерларининг аниқ майдонини ва ишлаб чиқариш чегараларини аниқлашда хизмат қиласи (бўлимлар, бригадалар, алмашлаб экиш далалари ва бошқалар).

Аэропландан олинган суратлар ўрганилиб, рангларининг фарқига қараб дастлабки текширувдан ўтади. Ҳар хил рангдаги контурлар оддий қора қалам билан чизиб чиқилади.

Агар аэросуратлар йўқ бўлса, шўрланиши аниқлаш ишлари хўжаликнинг суғориладиган ерларида юриб кузатиш ишини бажарив, экилган ўсимликларни ҳолатига қораб контурларга ажратилади (1-илова). Жойлардаги ўзгаришлар хўжаликнинг агрономи, гидротехник ёки бригадири иштирокида текширилади. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолатини аниқлаб чиқиш ишлари август-сентабр ойларида бажарилади. Ҳар қайси суғориладиган контурни кўриб, аниқлаб чиқилади.

Текширилган хужжатлар бўйича хўжаликдаги ўсимликлар ҳолатининг 1:10000 нисбатдаги харитаси тузилади ва унда кучсиз шўрланган, ўртача шўрланган, кучли шўрланган майдонларнинг контурлари ажратилади.

Далага чиқишдан олдин, бажарувчилар керакли хужжатларини ва далада ишлаш учун керак бўлган анжомларни олишади (2-илова).

## 2. ДАЛАДА ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР.

Далада шўрланган тупроқлар шўрини аниқлаш учун қўйидаги ишлар бажарилади:

- тупроқ юзасидаги шўрланганлик белгиларига қараб ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолати дешифровка қилинганлиги билан умумий маршрут бўйича танишиб чиқиш;
- ўра ковлаш ва намуналар олиш йўли билан шўрланганлик даражасини далада ўрганиш;
- ҳар хил даражада шўрланган контурларни дала контурлари билан таккослаб кўриш ва ажратиш;
- хлорид-сулфат ва сулфатли шўрланишга учраган тупроқларда намуналарнинг  $\text{Cl}^-$  ва  $\text{SO}_4^{2-}$ -га сифатини  $\text{AgNO}_3$ ,  $\text{BaCl}_2$  эритмалари ёрдамида текшириб кўриш дала тупроқ хариталарини расмийлаштириш.

Асосий усул билан шўрланганлик картограммаси тузиш зарурати тўғилса, дала айланиб аниқлаш пайтида асосий усул билан аниқланадиган жойлар белгиланади ва миқдори аниқланади.

Харитада ажратилиши зарур бўлган ҳар хил даражадаги шўрланган контурларнинг камайтирилган аниқ сонини белгилашда қўйидагиларга амал қилиш зарур:

- чегаралари аниқ ва ранги ажралиб турганда - харитада  $50 \text{ mm}^2$  ёки жойларда 0,5 га бўлади;
- чегараси аниқ бўлмаганда, харитада  $400 \text{ mm}^2$  ёки жойларда 4,0 га бўлади.

Олинган намуналар кўритилади, таҳлил қилиш учун буюртмалар тузилиб, лабораторияга жўнатилади.

Дала ишлари куз ойларида (август-ноябр) ўтказилади. Ер ости сувлари яқин жойлашган бўлса, унинг чуқурлиги белгиланиб. 0,5 л ҳажмдаги шишаларга намуна олиниб, лабораторияга таҳлил қилиш учун юборилади.

Махсус механизмлар орқали ковлаб олинган тупроқ намунаси маолум бир қаватдан олинганлиги ёзилади ва яхшилаб аралаштирилиб, халталарга ўртача 100-150 граммдан солинади ва қоғозга ёзилади (3-илова).

Ҳар қайси ковланган ўра рақамлар билан, бир метрлилари «х» ҳарфи билан, икки метрлилари эса доирага олинган «х» ҳарфи билан харитада белгиланади.

Ер ости суви олинган рақам остига тўғри чизикли белги қўйилади.

## 3. ТУГАЛЛАШ (КАМЕРАЛ) ИШЛАРИ.

Лаборатория таҳлилларининг натижалари олингандан сўнг улар текширилади ва тўғри келмайдиганлари, нотўғрилари ташлаб юборилади. 0-100 см қаватдаги тузларнинг ўртача миқдори ҳисоблаб чиқарилади. Икки метрли ўралар учун эса, 0-100, 100-200 см қаватлар учун туз миқдори ҳисоблаб чиқазилади.

Айрим ўралардаги туз ва ионлар миқдорининг ўртача ҳисоб-китоби ва бир хил шўрланишга эга бўлган ўра ва контурлар умумлаштирилади.

Таҳлиллар ва умумлаштиришлар натижасига кўра тупроқларнинг шўрланиши бўйича далада қилинган хариталарга тузатишлар киритилади ва уларга тупроқ харитасидан, тупроқларнинг ҳар хил генезиси, механик таркиби бўйича контурлар ўтказилади.

Тугалланган охирги хариталар шўрланиш даражасининг экспликациясидан ташқари шўрларни ювиш меоёри ва неча марта ювиш кераклиги ҳақида тавсия ҳам берилади.

Бир хил даражада шўрланган ва тузлар таркиби бир хил, лекин механик таркиби ҳар хил шўрланган тупроқлар алоҳида контур қилиб ажратилиши керак, чунки бундай тупроқлардан шўрнинг чиқиб кетиш коэффициенти ҳар хил бўлади.

Харитада шўрланишнинг ажратилиши қуйидаги ранглар орқали кўрсатилади:

- шўрланмаган, шўри ювилган айирмалар яшил рангда;
- кучсиз шўрланган - сариқ рангда;
- ўртача шўрланган - тўқ сариқ рангда;
- кучли шўрланган - қизил рангда;
- шўрхоклар - сиёҳ рангда.

Тупроқларнинг механик таркиби штрихлар билан тасвирланади, шўрланиш типи эса (хлоридли - X, сулрафат-хлоридли - CX, хлорид-сулрафатли - XC, сулрафатли - C, карбонат-магнийли - KM) белги билан белгиланади.

Тупроқнинг шўрланиш харитасига қуйидагилар қайд этилади:

- ташкилотнинг номи, тушунтириш хати ёзилган йил, ишни бажарган ходим ва раҳбар имзоси ва штамп қутилади:

- дала ишлари ва лаборатория ишлари бажарилган вақт дренаж тармоқларининг узунлиги ва ҳолати ҳақида қисқача маолумот, ер ости сувларининг шўрланганлик даражаси, кимёвий таҳлиллар усули, шўрланган тупроқларнинг тўгалланган харитасини тузишда ҳисоб-китоблар ва қайта ишлашлар.

Ер фондининг шўрланиш бўйича миқдорлари, хўжаликнинг ер турлари бўйича ер фондлари, шўрланиш даражаси, шўрланиш типи ва қишлоқ хўжалик ерларидан шўрнинг ювилиб чиқиб кетиш коэффициенти. Хўжалик майдонида шўрланишнинг тарқалиш хусусиятлари.

**Тавсиялар.** Ҳар хил даражада шўрланган ва кимёвий таркибга эга бўлган, туз ювилиб кетиш коэффициентлари ҳисобга олинган ҳолда шўр ювиш меоёrlари ва неча марта ювиш зарурлиги ҳақида тавсиялар (11-жадвал). Хўжалик ернинг мелиоратив ҳолати бўйича умумий фикрлар.

Тупроқнинг шўрланганлик харитаси ва унга ёзилган тушунтириш хати 3 нусхада тайёрланиб, 2 нусхаси хўжаликка топширилади, бир нусхаси ҳужжатларни тайёрлаган ташкилотда қолади. Хаританома асосида шўрланган ер майдонининг нисбати палетка ёки ҳар хил даражада шўрланган ерлар майдони планиметрлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

Шўр ювиш меоёrlари Нерозин формуласи бўйича аникланади:

$$M = (\Pi - m) + \frac{S}{K} - A + n$$

бу ерда: M – шўр ювиш учун сарфланган сув меоёри, м<sup>3</sup>/га.

Π – тузлардан тозаланиши керак бўлган тупроқ қавати учун дала нам сифими, (тузларни эритиш учун кетадиган сув миқдори), м<sup>3</sup>/га;

m – тупроқнинг шу қаватидаги намлик миқдори, м<sup>3</sup>/га. Шўр ювишдан олдин чигит экиладиган далаларда 50 % дала нам сифимидан, беда экилган ерларда 30 % дала нам сифимидан.

S/K – тузларни сиқиб чиқариш учун сарфланадиган сув миқдори, м<sup>3</sup>/га;

S – аниқ тупроқ катламидан ювиб чиқарилиши зарур бўлган, ҳисобланган хлор миқдори, кг/га;

K - сувнинг шўр ювишдаги (хлорид бўйича) таосири коэффициенти, кг/га ( $1 \text{ m}^3$  сув учун);

A - тупроқнинг шўрини ювиш бошланишидан экин экишгача бўлган даврда тушган ёғингарчилик миқдори,  $\text{m}^3/\text{га}$ ;

п - шу даврда буғланишга сарв бўлган сув миқдори,  $\text{m}^3/\text{га}$ .

Тупроқдаги ювиб чиқариладиган туз (хлор) миқдори қуийдагича ҳисобланади:

$$S = 100 \cdot h \alpha (Z - Z_1) \cdot 100$$

бу ерда: S - ювиб чиқарилиши зарур бўлган тузнинг (хлор) миқдори, кг/га;

h – хлор иони ювиб чиқарилиши зарур бўлган қатлам;

$\alpha$  - тупроқнинг ҳажмий массаси,  $\text{g/cm}^3, \text{t/m}^3$ ;

$Z - Z_1$  - дастлабки (ювишга қадар) ва ювилгандан сўнг қоладиган тузнинг миқдори, массага нисбатан, % ҳисобида;

100 – кг -ни тоннага айлантириш кўпайтмаси.

Кўп йиллик текширишлар натижасига асосланиб, шўр ювишнинг муддатлари ва шўр ювиш учун бериладиган сувларнинг миқдорлари, шўрланиш даражасига қараб тупроқнинг механик таркибига ва тупроқ аэрацияси қаватининг грунтларига боғлиқ ҳолда қуийдаги тавсиялар белгиланади (11-жадвал).

Шунингдек, шўр ювиш учун бериладиган сув миқдорини В.Р. Волобуев формуласи ёрдамида ҳам ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$N = 10000 \alpha \lg \frac{S_n}{S_0}$$

бу ерда: N - шўр ювиш меоёри,  $\text{m}^3/\text{га}$ ;

$S_n$  – шўрланишни аниқлаш маолумотлари бўйича шўри ювиладиган қатламдаги дастлабки туз миқдори;

$S_0$  – тупроқда қолдирилиш мумкин бўлган тузлар миқдори;

$\alpha$  - тупроқнинг туз бериш қобилияти коэффициенти.

Тузларнинг ювилиб чиқиб кетиши кўпчилик ҳолларда уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлади.

8-жадвал.

#### Тупроқларни ион таркиби ва қуруқ қолдиқ миқдорига қўра шўрланиш даражаси таснифи.

Инд.	Шўрланиш даражаси	Сулфат-ли қуруқ қолдиқ	Хлорид-сулфатли		Сулфат-хлоридли		Хлорид-ли C1
			Қуруқ қолдиқ	C1	қуруқ қолдиқ	C1	
1.	Шўрланма-ган	<0,3	<0,1	<0,01	<0,1	<0,01	<0,01
2.	Кучсиз шўрланган	0,3-1,0	0,1-0,3	0,01-0,05	0,1-0,3	0,01-0,04	0,01-0,03
3.	Ўртacha шўрланган	1,0-2,0	0,3-1,0	0,05-0,2	0,3-0,6	0,04-0,2	0,03-0,1
4.	Кучли шўрланган	2,0-3,0	1,0-2,0	0,2-0,3	0,6-1,0	0,2-0,3	0,1-0,2
5.	Жуда кули шўрланган (шўрхок)	>3,0	>2,0	>3,0	>1,0	>0,3	>0,2

Изоҳ: Сулрфатли типидаги шўрланишлар фақат қуруқ қолдиқ бўйича, хлорид-сулрфатли ва сулрфат-хлоридли шўрланиш қуруқ қолдиқ ва хлор бўйича, шунингдек тупроқнинг хлорли типидаги шўрланиши хлорни миқдори бўйича аниқланади.

9-жадвал.

**Анионлар таркиби бўйича тупроқнинг шўрланиш типи (анионлар нисбати, мг/экв.  
Лебедев бўйича).**

Тартиб рақами	Шўрланиш типии	Cl:SO <sub>4</sub>	SO <sub>4</sub> :Cl	HCO <sub>3</sub> :SO <sub>4</sub>
1.	Хлоридли	>2,0	<0,5	-
2.	Сулфат-хлоридли	1-2	0,5-10	-
3.	Хлорид-сулфатли	0,2-1	1-5	-
4.	Сулфатли	<0,2	>5	-
5.	Гидрокарбанат-сулфатли	<0,2	>5	>1
6.	Сулфат-содали	<1	>1	>1

1-илова.

**Ўсимлик ҳолати ва тупроқ юзасидаги рангига кўра  
шўрланишни баҳолаш шкаласи.**

Ўсимлик ҳолати, тупроқ юзаси	Шўрланиш даражаси
Кам жабрланган, тузлар ранги кучсиз.	Кучсиз шўрланган
Жабрланган (баози жойларда қуриб қолган) тузлар ранги сезиларли	Ўртача шўрланган
Кучли жабрланган (жуда қўп қуриб қолган) оппок туз билан қопланган	Кучли шўрланган-шўрхоклар

2-илова.

**Дала ишларини бажариш учун зарур бўлган анжомларнинг рўйхати:**

1. Диаметри 60 ёки 89 мм бўлган бурғи, сопини узунлиги 2-м гача.
2. Буюмлар қопи (рюкзак).
3. Кундалик дафтар.
4. Ўлчов циркули.
5. Дала халтаси (чармли ёки дермантин).
6. Попка-планшет.
7. Компас.
8. Курвиметр.
9. Транспортёр.
10. Масштабли чизғич.
11. Клёнкали метр ёки рулетка.
12. 2-5 марта катталаштирувчи йиғма лупа.
13. Пичоқ ёки кенг стаместка.
14. Ўраш учун когоз.
15. Рангли ва оддий қаламлар.
16. Клей.
17. Кнопка, скрепка.
18. Белкураклар.
19. Ер ости суви олиш уч ишлатиладиган металли стакан.
20. Каноп.
21. Намуналар учун этикеткалар (қоғозчалар).
22. Ер ости сувлари намунаси учун шишалар (қопқоғи билан).
23. Пробиркалар учун штатив.
24. AgNO<sub>3</sub> ва BaCl<sub>2</sub> эритмалари.
25. Шиша идишлар солиш учун кути.
26. Пробкали шиша идишлар.
27. Тупроқ намуналарини келтириш учун яшиклар.

3-илова.

**Ер ости ва тупроқ намуналари учун тикетка**

вилояти \_\_\_\_\_ тумани  
 хўжалиги \_\_\_\_\_ текширувчи  
 кудук \_\_\_\_\_ см. қавати  
 " \_\_\_\_ " 200 й.

10-жадвал.

**Сувнинг шўр ювиш (хлор бўйича) таосири  
коэффициенти "К".**

0-100 см да шўр ювишгача бўлган хлор иони миқдори, %.	Хлорнинг ўртacha миқдори, %.	Ер ости сувларининг чуқурлиги ювишга кадар м. да бўлганда хлорнинг ювилиб кетиш коэффициенти (м <sup>3</sup> /кг сувда)		
		1.5	2.5	3.5
<b>Ўртacha механик таркибли тупроқларда</b>				
0,04-0,1	0,07	1,3	2,1	3,5
0,1-0,2	0,15	2,2	3,3	5,0
<b>Оғир механик таркибли тупроқларда</b>				
0,04-0,1	0,07	1,0	1,5	2,9
0,1-0,2	0,15	1,8	2,6	4,0

11-жадвал.

**Сугориладиган ерларда шўр ювишнинг тахминий  
муддатлари ва меоёrlари**

Аэрация зонасида тупроқ грунтларининг тузилиши ва жойланиш характеристи, механик таркиби	0-100 см қатламда хлорнинг дастлабки миқдори, %.	Умумий шўр ювиш меоёри, м <sup>3</sup> /га.	Нече марта ювиш зарур- лиги	Ювиш муддати (ойлар)
<b>МИРЗАЧЎЛДА</b>				
Тупроқ-грунтлари бир хил- даги ўрта ва енгил қумоқли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	1 2	X-XII X-XII
Тупроқ-грунтлар ҳар хил механик таркибли қатламли	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	X-II-I X-II-I
<b>ФАРГОНА ВОДИЙСИДА</b>				
Механик таркиби енгил бўлган, қаватли	0,01-0,04 0,04-0,10	2000-2500 2500-4000	1 2	II-III II-III
Тупроқ-грунтлари ўрта қу- моқли, қаватли, ҳар хил ме- ханик таркибли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	1 2	I-III I-III
Тўпроқ-грунтлари лойли ва оғир қумоқли, бир жинсли ва қаватли	0,01-0,04 0,04-0,10	4000-5000 5000-6500	2 3	XII-II XII-II
<b>БУХОРО ВИЛОЯТИДА</b>				
Тупроқ-грунтлари енгил механик таркибли, қаватли	0.01-0.04 0.04-0.10	2000-2500 2500-4000	1 2	III III
Тупроқ-грунтлари ўрта қу-моқли қаватли, ҳар хил ме- ханик таркибли	0.01-0.04 0.04-0.10	4000-5000 5000-6500	1 2	XII-II XII-II
Тупроқ-грунтлари лойли, оғир қумоқли, бир жинсли ва қаватли	0.01-0.04 0.04-0.10	3000-3500 3500-5000	2 3	III III

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА				
Тупроқларнинг грунтлари ен-гил механик таркибли, қаватли	0.01-0.04 0.04-0.10	3000-3500 3500-5000	2 3	III III
Тупроқ-грунтлари ўрта қу-моқли, қаватли, ҳар хил механик таркибли	0.04-0.04 0.04-0.10	4000-5000 6000-7500	3 5	X-XIII Сувнинг 2/3 кузда, 1/3 бериб ювилади
ҚАРШИ ВА ШЕРОБОД ЧҮЛЛАРИДА				
Тупроқ-грунтлари енгил механик таркибли, қаватли	0,01-0,04 0,04-0,10	3000-3500 3500-5000	2 2-3	III II-III
Тупроқ-грунтлари ўрта қумоқли, қаватли, ҳар хил механик таркибли	0.01-0.04 0.04-0.10	4000-5000 5000-6500	3 4	X-XII Сувнинг 2/3 куз-да 1/3 баҳорда март ойи- да бериб ювилади
Тупроқ-грунтлари лойли ва оғир қумоқли, бир жинсли ва қаватли	0,01-0,04 0,04-0,10	5000-6000 6000-7000	3	

12-жадвал.

**Тупроқ-грунтлардан тузнинг ювилиб кетиши  
кўрсаткичи белгиси ( $\alpha$ ).**

Тупроқ грунтлари	Шўрланиш типии	
	Сулфат-хлоридли ва хлоридли	Хлорид-сулфатли ва сулфатли
Кумли	0,6-0,8	0,7-0,9
Кумоқли	0,8-1,0	0,9-1,1
Енгил ва ўрта қумоқли (кам зичлашган)	1,0-1,2	1,1-1,3
Лойли қатлами бўлмаган, ўрта ва оғир қумоқли	1,2-1,5	1,3-1,8
Лойли қатламлари мавжуд бўлган лойлар	1,5-2,0	1,8-2,4

13-жадвал.

**Тузнинг ювилиб кетиши коэффициенти ва тупроқнинг  
шўрланиш типини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган  
шўр ювиш меёри ( $\text{м}^3/\text{га}$ ).**

Муайян қатламдаги тузлар миқдори оғирлигига нисбатан % хисобида)	Тузлар таркиби бўйича тупроқ гурухлари			
	Хлоридли (Cl-40-60%)	Сулфат- хлоридли (Cl- 25-35%)	Сулфат- натрийли (Cl- 10-20%)	Сулфат- натрийли- калғицили
<b>Эркин туз чиқарувчи ювилувчи енгил механик таркибли тупроқлар</b>				
	$\alpha=0,62$	$\alpha=0,72$	$\alpha=0,82$	$\alpha=1,18$
0,2-0,5	2500	1500	1000	$\alpha=1,18$
0,5-1,0	4500	4000	3500	$\alpha=1,18$
1,0-2,0	6500	6000	3500	4000
2,0-3,0	7500	7000	6500	5500
3,0-4,0	8500	8000	7500	7000
<b>Ўрта қумоқли ва шунга ўхшаш бўлган туз чиқарувчи ҳар хил механик таркибли, қаватли тупроқлар</b>				
	$\alpha=0,92$	$\alpha=1,02$	$\alpha=1,12$	$\alpha=1,43$
0.2-0.5	5000	3000	1000	$\alpha=1,43$
0.5-1.0	85000	3500	4000	$\alpha=1,43$
1.0-2.0	9500	8500	7500	4500
2.0-3.0	11000	10000	9500	7000
3.0-4.0	12000	11500	11000	9000
<b>Камроқ туз чиқарувчи лойли ёки қумоқли тупроқлар</b>				
	$\alpha=1.92$	$\alpha=1.32$	$\alpha=1.42$	$\alpha=1.78$
0.2-0.5	5000	3500	1500	$\alpha=1.78$
0.5-1.0	85000	7000	5000	$\alpha=1.78$
1.0-2.0	12000	11000	10000	5500
2.0-3.0	14500	13000	12000	8500
3.0-4.0	15500	15000	14000	11000
<b>Кам туз чиқарувчи лойли ва оғир қумоқли тупроқлар</b>				
	$\alpha=1.80$	$\alpha=1.90$	$\alpha=2.10$	$\alpha=2.40$
0.2-0.5	7000	400	2500	$\alpha=2.40$
0.5-1.0	12500	10000	7000	$\alpha=2.40$
1.0-2.0	18000	15500	15000	7000

2.0-3.0	21500	19000	19000	12000
3.0-4.0	23000	21500	21000	14500
Жуда кам туз чиқарувчи қаватли лойли тупроқлар				
	$\alpha=2.70$	$\alpha=2.80$	$\alpha=3.0$	$\alpha=3.30$
0.2-0.5	11000	6000	3000	$\alpha=3.30$
0.5-1.0	19000	14500	12000	$\alpha=3.30$
1.0-2.0	27000	22000	21000	10000
2.0-3.0	32000	28000	25000	15000
3.0-4.0	35000	31500	30000	20000

### Тупроқ шўрини ювиш бўйича тавсиялар.

№	Тупроқ-нинг шўрланиш даржаси	Тупроқ-нинг меҳник тузилиши	Тавсия этиладиган технология ва сув миқдорлари	Килиниши лозим бўлган ишлар	Ишларни ўтказиш вақти
1	Шўрланмаган	Енгил  Ўрта Оғир	Яхоб бериш шарт эмас  Юқоридагидек Юқоридагидек	Кузги шудгор. Тупроқни баҳор-ги экишга тайёрлаш. Юқоридагидек. Юқоридагидек.	Куз-баҳор  Куз-баҳор Куз-баҳор
2	Кучсиз шўрланган	Енгил  Ўрта Оғир	Гектарига 1500-2000 м <sup>3</sup> яхоб эгатлар орқали берилади. Эгатлар орқали шўр ювиш, сув миқдори 2000-2500 м <sup>3</sup> /га га. Юқоридагидек	Кузги шудгор, текислаш эгат олиб, улар орқа-ли шўрни ювиш. Юқоридагидек. Юқоридагидек.	Куз-баҳор  Куз-баҳор Куз-баҳор
3	Ўртача шўрланган	Енгил  Ўрта Оғир	Берилган эгатлар орқали шўр ювиш, сув миқдори гекта-рига 2000-2500 м <sup>3</sup> . Кичик поллар орқа-ли шўр ювиш, сув миқдори 3000-4000 м <sup>3</sup> /га га. Кичик поллар орқа-ли шўр ювиш, сув миқдори 3500-4500 м <sup>3</sup> /га га.	Кузги шудгор ер-ни текислаш эгат олиб, улар орқа-ли шўрни ювиш. Юқоридагидек. Юқоридагидек.	Куз-баҳор  Куз-баҳор Куз-баҳор
4	Кучли шўрланган	Енгил  Ўрта	Гўнг бошка органик ўғитлар солинган ерда кичик поллар орқали шўр ювиш, сув миқдори гекта-рига 4000-5000 м <sup>3</sup> . Тупроққа агромелиоратив ишлов бериш юмшатиш, гўнг со-лиш ва хоказо, ки-чик поллар орқали шўр ювиш, сув миқдори гектарига 5000-6000 м <sup>3</sup> .	Гўнг солиш, куз-ги шудгор полларни тайёрлаш, шўрни ювиш.  Гўнг солиш, юмшатиш, кузги шудгор полларни тайёрлаш, шўр ювиш	Куз-баҳор  Куз-баҳор

	Oғир	Бу категорияга ер-лар фойдаланиш режасидан чиқариб ташланади ва улар-нинг тупроқнинг ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари белгилана-ди.	Юқоридагидек	Куз-баҳор
--	------	---	--------------	-----------

Тупроқларни шўрланишини тасвирлайдиган хаританома экспликацияси қўйидаги кўринишда бўлиши мумкин. Бу кўриниш нисбатан қисқартирилган холат учун бўлиб, асосий талабларга жавоб беради.

**Тупроқларни шўрланиш хаританомаси экспликацияси қўриниши.**

Шўрлантган айрмалар	Ранги	Шўрланиш даражаси	Шўрланиш типи	0-100 см қаватда ўртача хисобланган		0-100 см қаватда тупроқнинг механик таркиби.	Ер ости сувлари	Тавсиялар			Хайдалма ер . га				
				Cl	Na			Чукурлиги, м.	Минерализация, г/л.	Шўр ювиш сунининг умумий миқдори, м <sup>3</sup> /га.	Шўр ювиш сони	Шўр ювиш муддати	Суториладиган хайдалма ерлар, га.	Кўп йиллик дарахтлар	Жами сугориладиган ерлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
5c		20 % гача ювилган, кучсиз шўрлантган	Хлорид- сулрфатли	0.004- 0.028	0.005- 0.045	Қатламли қумоқлар	2-3	3-10	2000	1	X- XII	2	100	102	
7c		20 % гача ўртача шўрлантган, кучсиз шўрлантган	Асосан сулрфатли	0.015-0.06	0.027- 0.087	-//-	1.52	-//-	3500	1	-//-	85	477	562	
7д		20 % гача ўртача шўрлантган, кучсиз шўрлантган	Асосан сулрфатли	0.015-0.06	0.027- 0.087	Енгил қумоқлар	-//-	-//-	2500	1	-//-	11	65	76	
8c		40 % гача ўртача шўрлантган, кучсиз шўрлантган	Хлорид- сулрфатли, сулрфатли	0.021- 0.065	0.028- 0.074	Қатламли қумоқлар	-//-	-//-	4500	2	X- XII-I	23	51	74	
8п		-//-	-//-	-//-	-//-	Енгил қумоқлар	-//-	-//-	3000	1	X- XII	28		28	

Жами: кучсиз шўрланган:													842	
9c	40 % гача ўртacha шўрланган, кучсиз шўрланган	Хлорид-сулфатли, Сулфатли	-//-	-//-	Қатламли	-//-	-//-	5500	2	X-XII-I	56	44	100	
10c	20 % гача кучсиз шўрланган, ўртacha шўрланган	-//-	0.017-0.08	0.026-0.056	-//-	2-3	-//-	6500	2	-//-	12	12	12	
12c	20 % гача кучсиз шўрланган, ўртacha шўрланган	Хлорид-сулфатли,баозан хлоридли	0.064-0.125	0.052-0.165	Қатламли қумоқлар	2-3	Кўп ҳолларда	8500	3	-//-	45		45	
Жами: ўртacha шўрланган													157	82 754 139 1974
22 Посёлкалар 23 Ишловга яроксиз ерлар (кабристонлар, йуллар, жарликлар ....) 24 Сув юзаси (ирик коллекторлар, кўллар ва ботқоқликлар)														
хўжаликнинг умумий майдони														

## **ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИДА УНИНГ ЭРОЗИЯЛАНГАНЛИГИ, СКЕЛЕТЛИЛИГИНИ ЭОТИБОРГА ОЛИШ.**

Суғориладиган ерлар тўлқинсимон релрефга эга бўлган майдонларда, тоғ-адирларда жойлашган бўлса, ирригацион эрозия ривожланади.

Эрозия жараёнини ривожланишига айни вақтда тупроқнинг эрозияга қарши тураларни қобилияти катта ва кичиклиги ҳам таосир қилади.

Эрозияга қарши тураларни қобилияти эса тупроқнинг механик таркиби, гумус миқдори, сувга чидамли структура агрегатларини миқдори ва бошқаларга боғлиқ.

Шуни алоҳида таокидлаш керакки, тупроқ эрозияси фақат сув таосиридагина эмас балки шамоллар таосирида ҳам содир бўлади. Шамоллар таосиридаги эрозия Ўзбекистонни чўл минтақасига хос.

Ўзбекистонда Х.М.Максадов маолумотларига кўра ирригацион эрозия 600 минг гектар майдонда тарқалган, яони содир бўлади.

Тупроқлар хоҳ у шамол эрозияси, хоҳ сув эрозияси таосирида бўлмасин баридан ўзларининг маолум миқдордаги гумус ва озиқа элементларини йўқотади, натижада унумдорлиги кескин камаяди.

Эрозия таосири натижасида тупроқни унумдор қатлами йўқолади, яони ювилади ёки шамол ёрдамида олиб кетилади.

Кўп йиллик тажрибалар маолумотларига кўра ювилмаган, яони эрозияланмаган тупроқларда 32,4, кучсиз даражада ювилган тупроқларда 22,5, ўртачада эса 24,7, кучли даражада ювилган ерларда 16,1 ц/га пахта олинган.

Маолумотлардан кўриниб турибиди, кучли даражада ювилган, яони эрозияга учраган ерларда ғўза хосили 50 % атрофида камаяди. Худди шундай ҳодисаларни шамол эрозиясига чалинган ерларда ҳам кўриш мумкин.

Келтирилган маолумотлардан кўриниб турибиди, тупроқни бонитировкалашда албатта эрозия омили эотиборга олиниши керак.

Ўзбекистоннинг суғориладиган минтақаларида тарқалган тупроқлар ичидаги тошли, шағалли, тош-шағалли гурухлари ҳам кенг тарқалган. Бундай тупроқлар Маликчўлда, Жиззахда, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё ва Чирчик водийларида кенг тарқалган.

Тошли, шағалли, тош-шағалли тупроқлар кўпинча скелетли тупроқлар дейилади. Бундай тупроқларнинг табииятини унумдорлиги паст бўлади. Скелетли тупроқларнинг устки қатламлари нисбатан тез ва кўпроқ исиши ҳисобига бу тупроқларда айrim қишлоқ хўжалик экинларини пишиши тезлашади. Айни вақтда буларда сув ўтказувчанлик юқори бўлганлиги туфайли деярли шўрланмайди. Албатта шўрланмаганлигига бошқа омилларни ҳам таосири сезилади.

Умумий оладиган бўлсак, эрозияга учраган ва скелетли, шўр тупроқларни ишлаб чиқариш қобилияти анча паст.

15-жадвал.

### **Бонитировкалаш мақсадида қўлланиладиган коэффициентлар.**

Намоён бўлиши	Шўрланган-лик	Эрозияланган-лик	Ҳайдов қатламини скелетлилиги		
			Тошли	Шағаллар	Чағир тошли
Сезилмайди	1.0	1.0	1.0	1.0	1.0
Кучсиз	0.85	0.95	0.90	0.90	0.95
Ўртacha	0.60	0.80	0.75	0.80	0.85
Кучли	0.40	0.70	0.60	0.65	0.70
Жуда кучли	0.30	0.50	0.40	0.45	0.50
Ювилма	-	0,90	-	-	-

## **ҲАЙДОВ ҚАТЛАМИДАГИ ГУМУС МИҚДОРИ, ҲАЙДОВ ОСТИ ҚАТЛАМИ ЗИЧЛИГИ УЧУН ИШЛАНГАН КОЭФИЦИЕНТЛАР ТҮҒРИСИДА.**

Сүгориладиган тупроқлар ва лалмикор ерларда гумус миқдори оз бўлишига қарамасдан гумусни тупроқ ҳосил бўлиши жараёнига ва унинг унумдорлигига бўладиган таосири катта.

Тупроқда содир бўладиган жараёнларнинг бориши ва шаклланишида гумус роли бениҳоят катта саналади. Тупроқ органик моддалари нисбатан юқори сингдириш сифимига эга ҳамда кўп миқдорда озиқа элементларни сақлаб туради.

Ўзбекистондаги кам гумусли тупроқларда органик ва минерал ўғитлар ёрдамида юқори даражада ҳосил олиш йўллари ишлаб чиқилган. Кези келганда шуну алоҳида қайд қилиш керакки, кўпчилик адабиётларда тупроқ гумуси ва органик моддаси бир хилда талқин қилинади. Бундай ўйлаш, айниқса талқин этиш нотўғри.

Д.С.Орлов таорифига кўра ўзининг тўқима ҳолини йўқотган органик моддаларга гумус дейилади.

Гумус "органик модда" тушунчасини ичига киради, яони органик модда десак гумусни ҳам қамраб олади, лекин гумус деганимиз бу ҳали тупроқдаги органик модда эмас. Тупроқ органик моддаси гумусга нисбатан кенг тушунча бўлиб, гумуссимон моддалар ва бевосита гумусни қамраб олинади.

Гумус деганда эса, мураккаб таркибли гумин ва фулрвокислоталари, қора гумин, гиматомелан кислоталари кўз ўнгимизда гавдаланмоғи керак.

Юқорида қайд қилинганидек дехқончилик илми таосирида гумуси кам бўлган тупроқларда ҳам нисбатан юқори ҳосил этиштириш технологияси яратилган. Бу ҳодиса айрим мутахассисларни гумусга бўлган эотиборини асоссиз равишда камайтириб юборди. Шу боис тупроқни органик моддага бойитишга қаратилган чора тадбирга эотибор сусайиб кетмоқда.

Охирги йилларда ғўза мажмуасидаги қишлоқ хўжалик ўсимликларидан олинаётган ҳосил миқдори ўсиш ўрнига деярли тўхтаб қолди. Бунинг сабаблари аста секинлик билан гумусни якка ҳокимлик натижасида камайиб кетиши билан боғланмоқда.

Маолумотларга кўра бир гектар ғўза майдонидан йилига 300-400 кг миқдорда гумус олиб чиқиб кетилади. Бу хulosани маоқуллаш қийин, сабаб ўсимликлар бевосита гумус билан озиқланмайди. Демак ғўза майдонларида гумус йилига 300-400 кг миқдорда парчаланади, яони тупроқ дегумификация жараёнига юз тутади. Гумусни минерализацияниши натижасида ҳосил бўлган моддалар ва элементлар билан ўсимликлар озиқланиши мумкин.

Гумус миқдорини монокултурда ва минерал ўғитлар таосирида ўзгаришини ўЗПИТИ маолумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Гумусни тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролига, "тупроқшунослик" фанининг асосчиси В.В.Докучаев алоҳида эотибор берган. В.В.Докучаев дашт миңтақаси тупроқлари учун гумус захирасига маҳсус шкала тузган.

Гумусни тупроқ унумдорлигини оширишдаги бениҳоя катта аҳамият касб этиши Г.М.Тумин, Ф.Я.Гаврилюк, Н.Ф. Тюменцев ва бошқалар эотироф этганлар.

Бу фикрлар тупроқни бонитировкалашда гумус ва гумус қатлами қалинлигига алоҳида эотибор берилишига олиб келади.

## **ТУПРОҚ ЗИЧЛИГИ ВА БОНИТИРОВКА.**

Тупроқ зичлиги унинг энг муҳим агрофизик хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу боис дехқончиликда бутун вегетация даврида ва ундан олдин асосий агротехник чора

тадбирлар тупроқни оптимал зичлика сақлаб туришга қаратилған бўлади. Тупроқ зичлиги кези келганда ҳосил тақдирини белгилайди.

Суғориладиган майдонларда ҳар бир суғоришдан сўнг тупроқ юмшатилади, бу тадбир бизнинг минтақада энг зарурий ҳисобланади, акс ҳолда ўсимлик кўп томонлама зарарланади, яни тупроқни устки қатламлари тезда қуриб қолади, демак кўришга мувофиқ физик-кимёвий ўзгаришлар содир бўлади. Юмшатилганда сув ва ҳаво ҳаракати меоёрийлашади.

Пахтачиликда ҳар бир гектар суғориладиган ер ўсимлик вегетацияси даври давомида 3-5 ва ундан ҳам кўп ишланади. Бу ишловларга агар ҳайдов, текислаш, бороналаш, машиналар ёрдамида ҳосилни йиғиши, дефолияция қилиш, заҳар химикатлар солишини қўшсак бир мавсум давомида ҳар хил агрегатлар осилган тракторлар ҳар бир гектар майдонга 8-10 мартараб киради. Сабзавотчиликда бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

А.Қашқаров, А. Жўраев маолумотларига кўра нам даладан трактор бир маротаба ўтганда тупроқ зичлиги кескин ошади.

Типик бўз тупроқларда бундай вазиятда зичлик  $1,34 \text{ г/см}^3$  дан  $1,52-1,60 \text{ г/см}^3$  га ошади. Бундан ташқари суғориш сувлари ҳам суғориш жараённида тупроқни зичлаштиради.

Шўр ювиш жараёнларида ҳам тупроқ зичлиги кескин ошади.

Вегетация даврида, шўр ювиш вақтида тупроқдаги турли жониворлар йўллари бекилади, тупроқ агрегатлари бузилади, натижада зичлашади. Қолаверса тупроқ чўкиш ва бўкиш, яни кўпчиш хусусиятларига эга. Одатдаги шароитларда асосан ҳайдов ости қатлами кучли даражада зичлашади. Бунга сабаб, ҳозирги кунларда ишлов бериш ва кўзги шудгор вақтларида 30 см гача қалинлик қамраб олинади.

Ҳар йили бир хил чуқурлиқда ерларни шудгорлаш, "омоч пошнаси" ни вужудга келтиради.

Оғир механик таркибли тупроқларда бу ҳодиса яққол сезилади. Ҳажм масса бу оғир тупроқларнинг ҳайдов ости қатламида  $1,62 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қиласди, яни катталашади.

Бундай зичликка эга бўлган омоч пошнаси кўпинча сув ва ҳаво, ҳатто илдизчалар учун ҳам ўтказмас қатлам бўлиб қолади. Бунинг натижасида бу қатлам устида суғорма сувлар тўпланади, қайтарувчи жараён ҳосил бўлади.

Бу жараёнлар салбий оқибатларга олиб келмай кўймайди. Бу таосир энг аввало ўсимликларда ва унинг ҳосили ҳажмида номоён бўлади.

Н.А.Качинский маолумотларига кўра ўсимликларнинг илдиз тукчалари  $0,01 \text{ мм}$  дан кичик диаметрли ғовакларга кира олмайди.

Микроорганизмлар эса  $0,03 \text{ мм}$  дан кичик ғовакларга кира олмас экан.

Ўсимлик илдизини тарқалиш майдони камайса ўз-ўзидан озиқланиш майдони камаяди, демак ўсиш ва ривожланиши сусайди, ҳосил камаяди. Шу боис суғориладиган дехқончилик ривожланадиган минтақаларда тупроқнинг оптимал зичлигини билиш ва бу миқдорни сақлаб туриш, яратиш катта амалий аҳамият касб этади.

Тупроқни нисбатан чуқурроқ қатламларигача юмшатиш ва у жойларда оптимал зичликни яратиш юқори ҳосил гарови. Нисбатан чуқур  $45-60 \text{ см}$  га ҳайдаш,  $60-100 \text{ см}$  гача юмшатиш тупроқни сув-ҳаво тартиботини яхшилайди. Биологик фаоллиги ва озиқа элементларини ҳаракатчанлигини оширади.

Албатта тупроқнинг зичлиги, зичланиши ундаги гумус миқдори билан боғлиқ бўлади.

Гумус, фосфор ва калийни ялпи шаклидаги миқдорларини тупроқдаги заҳирасини қўйидаги формула орқали ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\Gamma = H \cdot 1000 \cdot V \cdot A$$

Г - гумус заҳираси, т/га;

Н - генетик қатлам қалинлиги, м;

V - тупроқнинг ҳажм массаси,  $\text{г/см}^3$ ;

А - гумус миқдори, %.

Хисоблаш ишларини қуйидаги тарзда олиб бориш тавсия этилади.

16-жадвал.

**Сүғориладиган ўтлоқи саз тупроқларидағи гумус захираси, т/га.**

Чукурлиги, см.	Гумус миқдори, %.	Хажм масса, г/см <sup>3</sup> .	Гумус захираси, т/га.
0-30	1,6	1,31	62,88
30-50	1,0	1,40	28,28
50-100	0,75	1,44	32,40

Жадвалдан күрениб турибдикі, 100 см қалинликта бир гектар майдондаги гумус миқдори 123,6 тоннан ташкил қылади. Шу таріка озиқа элементларини ҳам хисоблаш мүмкін.

Гумусни ҳайдов қатламидағи миқдорини тупроқ бонитировкасига таосири бошқа күрсаткышлар каби маңсус коэффициентлар орқали ўрганилади.

17-жадвал.

**Гумуснинг ҳайдов қатламидағи миқдори ва бонитировкалаш коэффициентлари.**

Гумус миқдори %.	Коэффициентлар
<1,00	0,70
1,1-2,0	0,80
2,1-3,0	0,90
>3,0	1,00

18-жадвал.

**Ҳайдов ости қатлами зичлиги ва бонитировкалаш коэффициентлари.**

Зичлик даражаси	Коэффициентлар	
	Автоморф тупроқлар	Гидроморф ва ярим гидроморф тупроқлар
Зичланмаган	1,0	1,0
Кучсиз	0,90	0,85
Үрта	0,80	0,70
Кучли	0,70	0,50
Жуда зич	0,60	0,40

**ХАРАКАТЧАН ФОСФОР, КАЛИЙ ВА ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ.**

Фосфор "хаёт калити" номи билан аталади, бунга сабаб у қўпчилик жараёнларда бевосита қатнашади.

Фосфор тупроқда органик, минерал ва органо-минерал шаклларда учрайди. Табиатда барча фосфатларнинг 95 % калрций фосфатидан иборат. Органик бирикмалар таркибидаги фосфор миқдори унинг бутун захирасини 10-20 % дан тортиб 70-80 % гачасини ташкил қылади. Тупроқда гумус миқдори қанча кўп бўлса, органик фосфор шунча кўп бўлади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда ҳаракатчан фосфорнинг роли катта эканлиги этироф этилади. Тупроқни ҳаракатчан фосфор билан таоминланганлиги агрокимёвий хаританомаларда қуйидаги тарзда берилади.

19-жадвал.

### **Фосфор билан таоминланганлик даражаси.**

Таоминланганлик даражаси	Харакатчан $P_2O_5$ , мг/кг.
Жуда паст	0-15
Паст	16-30
Ўртча	31-45
Юқори	46-60
Жуда юқори	>60

Калий ҳам ўсимлик ҳаётида энг зарурдай биоэлементлар қаторидан жой олади. Тупроқдаги ҳаракатчан микдори ўзгарувчан бўлиб, тупроқ унумдорлигини белгилашда катта ролр ўйнайди.

Агрокимёвий хаританомаларда бу элемент билан таоминланганлик қўйидагича тасвирланади.

20-жадвал.

### **Калий билан таоминланганлик даражаси.**

Таоминланганлик даражаси	Харакатчан $K_2O$ , мг/кг.
Жуда паст	>100
Паст	101-200
Ўртча	201-300
Юқори	301-400
Жуда юқори	>401

Ҳозирги тупроқларни бонитировкалаш услубиятларида тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва калий микдорларидан фойдаланиш коэффициентлари мукаммал тарзда ишланмаган. Лекин тупроқ экологик индексини ҳисоблашда бевосита бу катталиклардан, яни озиқа элементларининг микдорларидан фойдаланилади.

### **ТУПРОҚНИ БОНИТИРОВКАЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.**

Ер эгаларининг тупроқларини баҳолашда тупроқ хариталари асос бўлиб хизмат қиласди. Тупроқ хариталарида ажратилган айрмалар баҳолаш обеокти ҳисобланади. Тупроқни табиий ҳусусиятларига кўра баҳолаш қўйидагича бажарилади.

Энг аввало тупроқ харитаси экспликациясидан шу хўжаликка тегишли ҳамма тупроқ айрмалари тартиб билан ёзил олинади.

Негизли шкаладан тупроқни генетик гуруҳи ва механик таркибига кўра бирламчи, яни энг юқори балли аниқланади. Бу иш барча тупроқ айрмалари учун бажарилади.

Тупроқни бошқа хоссалари эса бонитировкалаш коэффициентлари тариқасида жадвалларда келтирилган. Демак жадваллар бонитировкаланаётган мутахасис қўлида бўлади. Тупроқни охирги балли эса ҳар бир айрма учун асосий шкаладан аниқланган, яни олинган балл бонитетига кетма-кетлик билан бонитировкалаш коэффициентларини кўпайтириш йўли билан аниқланади ва маҳсус жадвалга ёзилади.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Пахтаобод тумани Якубов номли жамоа хўжалигини тупроқларини баҳоланишини кўрайлил.

Хўжалик ерлари оч тусли бўз тупроқлар, яни бўз тупроқлар камарида жойлашган.

Хўжаликнинг дехқончилик билан банд ерлари сугориладиган ўтлоқи тупроқлардан иборат.

Мутахассислар томонидан 7 та тупроқ айрмаси ажратилган ва нокулай ерлар ҳамда сув юзаси келтирилган.

Тупроқ айрмалари услубиятда кўрсатилганидек тартиб билан рўйнома жадвалига ёзилади, яни рўйхатга олинади.

**Тупроқни бонитировкалаш рүйномаси.**

Тупроқ айирмаси-нинг тартиб рақами	Тупроқнинг номланиши	Негизли шкала бўйича балли	Бонитировкалаш коэффициенти			Майдо-ни, га.	Якуний бонитет балли	Сифат Баҳоси
			Гумус катлами қалинлиги	Гумус микдори	Скелет-лилиги			
Бўз тупроқлар камари. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар								
1	Суғориладиган ўтлоқи, оғир	80	0,85	0,80	-	366	54,4	Ўртacha
2	Суғориладиган ўтлоқи, ўрта қумоқ	100	0,85	0,70	-	710	59,5	Ўртacha

Ерларни баҳолаш тўғрисидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир аниқ шароитда тупроқни бонитировкалаш учун 2 - 3 та коэффициентлардан фойдаланиш етарли.

Кўп микдордаги пасайтирувчи коэффициентлардан, айниқса ўзаро боғлиқ коэффициентлар ва билвоситаларидан фойдаланиш асоссиз равишда тупроқни бонитет баллини пасайтириб юборади.

Коэффициентлар танлаш энг нозик, муҳим иш ҳисобланади. Бу ишда энг аввало экилган қишлоқ хўжалик ўсимлиги ҳосили билан тупроқни аниқ хусусиятини танлаш керак. Токи бу хусусият билан ҳосил ўртасида ўзаро яхши корреляция бўлсин.

Кўп йиллик тажрибалар ва корреляцион ҳисоб-китоблар натижаларига кўра суғориладиган минтақада тупроқни бонитировкалаш мақсадида ўтказилган ишларда унинг, яни тупроқни қўйидаги хоссалари танланмоғи мақсадга мувофиқ деб топилган.

1. Бўз тупроқлар минтақасида, яни тоғолди ва адирларда тарқалган тупроқларда эрозияланганлик даражаси, яни ювилганлик даражаси ва ювилма учун белгиланган коэффициентлар танланади.

Оч тусли бўз тупроқларда буларга яна шўрланганликни ифодалайдиган коэффициентлар қўшилади.

2. Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқи тупроқлар учун эса гумус микдори, гумус қатлами қалинлиги, тошли қатламни жойлашган ўрнини эотиборга оловчи коэффициентлар танланади.

Агар тошли қатлами 70 см дан юзада жойлашган бўлса, фақат шу кўрсаткич учун ишланган коэффициентлардан фойдаланилади.

Агар майда заррачали қатлам қалинлиги 70 см дан ошса, у ҳолда гумус қатлами қалинлиги эотиборга олинади.

3. Чўл минтақасининг автоморф тупроқларини бонитировкалашда гумус микдори ва гумус қатлами қалинлиги эотиборга олинади.

4. Чўл минтақасининг гидроморф тупроқларини баҳолашда гумус микдори, шўрланганлик даражаси, глейли қатлам ўрни ва гумус қатлами қалинликлари учун коэффициентлар қабул қилинади.

Келтирилган коэффициентлар ва уларни танлаш энг зарурий шарт бўлиб, бизнинг регионларни характерлайдиган гурӯхлар ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда аниқ тупроқ-иқлимий шароитда ҳар бир тупроқ минтақасида, провинциясида, округида тупроқнинг хосса ва хусусиятларига қараб қўшимча тариқасида скелетлик, гипслик, зичлик даражалари ва бошқалар ҳам эотиборга олинади.

Тупроқ бонитировкасины асосий тамойили қўйилган бонитет баллари шу тупроқни асосий агрономик хоссаларини қамраб олиб, ҳосилни 80 % дан қўп миқдорини ифодалай олиши эотиборга олинади.

Суғориладиган тупроқларни бонитировкалашда юқорида қайд этилганидек, Ер билан тупроқ бир маоноси тез-тез алмаштирилиб турилади, яни фарқ қилинмайди.

Россиянинг Европа қисми учун Докучаев биринчи бўлиб қора тупроқларни махсус гурухларга: тоғли, ён-бағир, дарё соҳиллари, текислик ва бошқа қора тупроқларга ажратди.

Кейинчалик Ер тушунчасига иқлимий шароит қўшилди. Тими裡язев фикрига кўра аниқ бир ерни унумдорлик даражасини, чегараларини биз бераётган ўғит ёки сув эмас балки қўёшдан келаётган энергия белгилайди.

Шу фикрларнинг таосири бўлса керак Москва вилоятини қишлоқ хўжалик ерларини таснифлашда Зворикин чимли-подзол тупроқларини қия текисликни қайси томонида ётганини эотиборга олади. Жанубий, яни кўпроқ қуёш нури оладиган ерларни, "қуёшда пишадиган" ва шимолий гурухларга ажратди. Албатта жанубий ён-бағирлар нисбатан кўпроқ қизийди, демак иссиклик энергиясини кўпроқ олади, етарли сув ва озиқа шароитида кўпроқ ҳосил беради.

Ўзбекистонда нисбатан иссиқ Сурхондарёда шимолда жойлашган Қорақалпоғистонга нисбатан 40 % атрофида пахта ҳосили кўп олинади, бу исбот қилинган. Шунинг учун унумдор тупроқ деганда энг аввало текис майдонда жойлашган, гумус ва озиқа элементларига бой, етарли сув, ҳаво ва ҳароратга эга бўлган тупроқни тушунмоқ даркор.

Тупроқ билан Ер тушунчасини фарқлаш учун Докучаев Ерга нисбатан ишлаб чиқариш қобиляти тушунчасини, тупроққа эса унумдорликни ишлатди.

Жойнинг релрефи, самарали ҳарорат йифиндиси ҳамма вақт ҳам бонитировка йилларида эотиборга олинавермайди. Лекин зарур бўлса ундан қуйидаги тартибда фойдаланиш мумкин.

## **ТУПРОҚНИ БОНИТИРОВКА БАЛЛИГА ҚАРАБ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЧАМАЛАШ**

Аниқ бир қишлоқ хўжалиги экин турини маолум ердаги ҳосилдорлигини аниқлаш учун энг аввало экин экилган майдонни балл бонитети аниқланган бўлиши керак.

Бевосита ҳосилни чамалаш учун бир баллни ҳосилга мувофиқ қийматини, яни бир балл неча ц/га ни ифодалашини аниқлаб шу кўрсаткичга мос келадиган ракамга, яни жойнинг балл бонитетига кўпайтирилади. Бир баллнинг ҳосилга тўғри келадиган қийматини аниқлаш учун Республика бўйича олинган ўртача мақсимал ҳосил миқдорини энг унумдор, яни 100 балли тупроқ кўрсаткичига бўлинади. Бу иш жадвалда келтирилгани каби амалга оширилади.

22-жадвал.

### **Ҳосилни режалаштириш.**

Экин тури	Республика бўйича ўртача мақсимал ҳосил, ц/га.	Бир баллга тўғри келадиган ҳосил миқдори, ц/га.
Ғўза	40	0,40
Буғдой	60	0,60
Сули	75	0,75
2-3 йилги беда (пичан)	200	2,00
Дон учун маккажўхори	80	0,80

Бевосита ҳосил миқдорини режалаштириш эса қуйидагича бажарилади.

Мисол учун 75 балли тупроқлар учун ғўза ҳосилини ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

$$75 * 0.40 = 30 \text{ ц/га}$$

Буғдой ҳосилдорлигини бундай тупроқларда  $75*0.60=45$  ц/га ни ташкил қиласы. Шу тариқа бошқа қишлоқ хұжалиги экинлари учун ҳам ҳисобланади.

Хұжалик, фермер ёки бошқа бир ер әгаси хилма-хил тупроқ айрмаларида жойлашған бўлса-ю уларга ҳосил миқдорини режалаштириш лозим бўлса, у ҳолда энг аввало тупроқлар учун ўртача балл бонитети аниқланади. Бу иш қуйидагича бажарилади:

$$B = \frac{B_1 \cdot \Pi_1 + B_2 \cdot \Pi_2 + B_3 \cdot \Pi_3 + \dots + B_n \cdot \Pi_n}{\Pi_1 + \Pi_2 + \Pi_3 + \dots + \Pi_n}$$

бунда:  $B$  – тупроқни ўртача балл бонитети, яни фермер ёки бошқа ер әгалари далалари учун ҳисобланган ўртача балл.

$B_1, B_2, B_3, B_n$  - тупроқ айрмаларининг бонитет баллари, яни ҳар хил баллга эга бўлган ер майдончаларининг баллари.

$\Pi_1, \Pi_2, \Pi_3, \Pi_n$  - тупроқ айрмалари майдонлари.

Бу ҳисоб-китоблар бажарилгандан сўнг олинган натижага экилган қишлоқ хұжалик экин турини бир баллга тўғри келадиган ц/га миқдори кўпайтирилади. Шу тариқа олинадиган ҳосил миқдорини режалаштириш, аниқлаш мумкин. Бунда албатта маолум ҳатоликларга йўл қўйилади, лекин бу ҳатоликлар, рухсат этилган чегаралар ичида ётади.

### **ТУПРОҚНИ САҲИЙЛИК ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ХАРИТАНИНГ МАЗМУНИ**

Ушбу харитада тупроқ айрмалари "Ўздаверлойиха" институти томонидан тавсия этилган рангларда бўялади ва чегаралари аниқ кўрсатилади. Тупроқ айрмалари оддий 1, 2...n тарзда рақамланади.

Шартли белгилар қоидага мувофиқ берилади. Булардан ташқари ҳар бир тупроқ айрмасининг ичига унинг балл бонитети 40-50 ва хоказолар кўринишида ёзилади.

Тавсияларга кўра балл бонитети қизил сиёҳ билан ёзилади ва қизил билан ўраб қўйилади.

Харитада унумдорликни кўрсатувчи синфлар ёзилади ва қуйидагича бўялади.

X - синф - тўқ яшил.

IX - синф - яшил.

VIII - синф - тўқ сариқ.

VII - синф - сариқ.

VI - синф - сарғиш.

V - синф - оч сариқ.

IV - синф - тўқ бинафша.

III - синф - бинафша.

II - синф - тўқ бўз.

I - синф - бўз.

Бошқача ранглар ҳам танланиши мумкин.

Экспликацияда унумдорлик даражасини кўрсатувчи тасниф натижалари яхши, ўрта, жуда яхши ва бошқа кўринишларда ёзилади. Бу ёзувлар қуйидаги жадвалдаги таснифдан фойдаланиш асосида ёзилади.

23-жадвал.

#### **Тупроқларни унумдорлиги бўйича таснифлаш.**

Синфлар		Бонитет баллари	Тупроқ айрмалари рақамлари	Майдони, га.
Инд	Номланиш			
X	Юқори	91-100		
IX	Жуда яхши	81-90		
VIII	Яхши	71-80		
VII	Ўртачадан юқори	61-70		

VI	Ўртача	51-60		
V	Ўртачадан паст	41-50		
IV	Ёмонроқ	31-40		
III	Ёмон	21-30		
II	Жуда ёмон	11-20		
I	Қишлоқ хўжалиги и/ч учун нолойик	>10		

Ушбу экспликацияда ҳар бир айирма учун ёзилган бонитет баллidan ташқари ўртача, яни хўжалик учун келтирилиб ҳисоблаб чиқилган ўртача балл берилади.

Бу кўрсаткичлардан бевосита ер эгаси ёки солиқ ходимлари фойдаланиши мумкин.

### **Таянч иборалар.**

Ер кодекси, ер кадастри, ер солиги, рационал, негизли шкала, гумус, механик таркиб, балл, коэффициент, зичлик, сахийлик, она жинс, ҳосилдорлик, ўтувчи, ирригацион, автоморф, озиқа элемент, қумли, гипсли, арзиқли, корреляция.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ер кадастри ҳақидаги қонунлар ва мақсад?
2. Тупроқларни бонитировкалашнинг асосий мезонлари?
3. Шўр тупроқларни бонитировкалаш?
4. Пасайтирувчи коэффицентларга умумий тушунча беринг?
5. Тупроқ таркибидаги гумус ва бонитировкалаш коэффицентлари?
6. Тупроқ зичлиги ва бонитировка?
7. Фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари учун коэффициентлар?
8. Бонитет балларини ҳисоблаш усули?
9. Тупроқни бонитировка баллига қараб қишлоқ хўжалик ҳосилдорлигини чамалаш?
10. Ишланган баллар асосида харита тузиш усули?

#### **IV БОБ. ЛАЛМИКОР ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШ**

Баҳорикор-лалмикор ерларни баҳолаш сугориладиган тупроқларни баҳолашдан бироз фарқ қиласи.

Табиий нам, яони йиллик ёғин-сочин ҳисобига олиб бориладиган дәхқончилик лалмикор ҳисобланади. Лалмикорчилик бизнинг мамлакатимизда адир, тоғолди кенгликларида, асосан бўз тупроқларда йўлга қўйилган ва ривожланмоқда. Халқни дон маҳсулотлари билан таоминлашда баҳорикор дәхқончиликни алоҳида ўрни бор.

Республика қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган лалмикор ерлар 790.4 минг гектарни ташкил қиласи. Бу майдон вилоятлар ичидаги текис тақсимланмайди.

Баҳорикор дәхқончиликни ўзига хос характерлари ва қийинчиликлари мавжуд.

Биринчидан тақдири қисман релрефга, яони ер усти ва тупроқни текис, нотекислигига боғлиқ бўлса, иккинчидан тупроқни сифат баҳосига, учинчидан шу тупроқни намлик шароитига, яони ёғадиган ёғинни жадаллигига, миқдорига, вақтига, турига боғлиқ бўлади. Шу боис лалмикор дәхқончилик олиб бориладиган ерларни баҳолашда Тупроқ, релреф, иқлим каби табиий категориялар назарда тутилмоғи даркор.

Докучаев ўз замонасида Нижній-Новгород Губерниясининг тупроқларини баҳолашда тупроқ, релреф, иқлимини асос қилиб олган эди.

Халқ тилида, ҳатто айрим ишларда Ер билан тупроқ тушунчалари аралаш ишлатилади. Бу унча тўғри эмас, албатта ҳар бирини ўз ўрни, жойи бор.

Тупроқ - тупроқни вужудга келтирувчи омиллар таосирида ҳосил бўлган табиий тарихий тирик тана ёки Вернадский иборасига билан айтадиган бўлсак биокос тана эканлиги эндиликда ҳаммага маолум.

Дехқончиликда тупроқ деб ернинг энг устки унумдор қатлами эканлиги ҳам янгилик эмас.

Худди тупроққа бўлган қарашлар каби Ерга ҳам икки хил қараш мумкин. Бу қарашларни биринчиси, асосийси албатта геологлар, географлар нуқтai назаридан ерга берилган таориф деб тушунмоқ керак. Географик, геологик тадқиқотларда Ер юзаси сферик (шарсимон) деб қабул қилинади. Шунинг учун ҳам географияда ва Ер ҳакидаги бошқа бир қатор фанларда "Ер шари" деган ибора ишлатилади. Бу нуқтai назардан Ер - Ер пўсти, мантия, ядро қобиқларини ўз ичига олган геоид шаклдаги қуёш тизимидағи планета деб қаралади.


Дехқончилик нуқтai назаридан эса, Ер деганда унинг литосфера, яони Ер пўстининг энг устки юпқа қисми киши кўз ўнгига келади. Бу соҳада ҳали ягона таориф йўқ. Лекин баози тадқиқотларда Ерга таориф беришга уринишлар бор.

Ер - деб, тупроқ ва унинг оналик жинсини бир қисмини ўз ичига олган ишлаб чиқариш қобилятига эга бўлган Ер пўстининг юпқа энг устки қатламига айтилади.

Докучаев Ер билан тупроқ тушунчаларига тўхталиб уларни фарқлаш учун тупроқ тўғрисида сўз боргандан унумдорлик, Ер тўғрисида сўз боргандан ишлаб чиқариш қобиляти каби атамалардан фойдаланишни тавсия этган ва фойдаланган.

Лалмикор дехқончилик қилинадиган ерларда тупроқ қатлами ҳар хил қалинликда, шу боисдан бўлса керак бу майдонларда Ерлар тариқасида баҳо бериш йўлга қўйилган. Қолаверса ерларнинг маҳсулдорлигига қатор омиллар таосир қиласи. Уни қўйидагича тасвиrlаш мумкин.

##### **Лалмикор ерларнинг маҳсулдорлигига табиий омилларнинг таосири.**





## **БАҲОРИКОР ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НЕГИЗЛИ ШКАЛАСИ.**

Ўзбекистонда баҳорикор ерлар минтақаси-майдони денгиз сатҳидан 300-1300 м нисбий баландликда тоғолди текисликлари, адирликларда, паст тоғларда тарқалган.

Жанубий вилоятларда Сурхондарёда ва Қашқадарёда лалмикор дехқончиликни юқори қисми тоғларнинг жанубий ён бағирларига тўғри келади ва 1700-1800 м нисбий баландликка кўтарилган.

Баҳорикор ерларнинг бундай кенг тарқалишига сабаб энг аввало ёғин-сочин микдори ва ҳаво ҳароратининг микдорлари, релреф характеристири ҳисобланади.

Бу майдонда йиллик ёғин микдори 250-700 мм ни ташкил қилади. Бу микдорларни кўп қисми (70-80 %) қишиш ва баҳор ойларининг январ-апрелига тўғри келади. Май ойига келиб бу майдонда ёғин микдори кескин камаяди. Ёз ойларида, яони июн-августда ёғингарчилик бўлмайди, яони нолга тушиб қолади. Айрим йилларда оз микдорда ёғиши кузатилади.

Лалмикор дехқончилик тарқалган майдонларда ҳосил тақдирини асосий қисми тупроқни сув тартиботи билан боғлиқ. Бунда ёғинни йил давомидаги, ҳатто фасл давомидаги тақсимоти катта амалий аҳамийт касб этади.

А.А.Роде, Н.Атахонов томонидан лалмикор ерларнинг сув тартиботи терлайдиган гуруҳга кириши, яони капилляр началалар орқали сизот суви сатҳидан кўтарилилган нам билан атмосфера ёғинларидан ҳосил бўлган ва тупроқнинг ички қатламларига кириб борган намниклар учрашмайди, демак бир - биригача етиб келмайди деган холосалар олинган. Бу хусусият адир ўлкалардаги кўпчилик автоморф тупроқлар учун ҳосдир.

Баҳорикор ерларда тупроқ қатлами 70-120 см ни ташкил қилади. Тоғолди қия текисликларида 70 см гача бўлса, паст тоғларда 120 см гача етади.

Тупроқларни нам заҳирасининг энг кўп микдори март ойига тўғри келади. Апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб тупроқ қопламидаги ўсимлик олиши мумкин бўлган намлик микдори кескин камаяди, май ойига бориб 20-40 см ли қатламда намликнинг бу тури батамом йўқолади.

Июл ойида тупроқнинг асосий қатламида ўсимлик учун фойдали нам батамом тугайди, яони сарфланиб бўлади. Шу боис донли экинларни ҳосил тақдирини апрел-май ойидаги ёғинлар ҳал қилади. Бу вақтда донли экинлар сутли-пишиш даврига кирган бўлиб, намга талабчан бўлади. Лалмикор

дехқончилик майдонлари уларга тушаётган йиллик ёғинлар микдорига кўра А.Розанов ва А.Роде томонидан қуйидагича таснифланган.

1. Таоминланган ерлар - >500 мм.
2. Ярим таоминланган - 300-500 мм.
3. Таоминланмаган ерлар - <300 мм.

Демак, Ўзбекистонда ва Марказий Осиёning бошқа худудларида ёғин микдори билан таоминланган тупроқларга оч жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар киради.

Ярим таоминланган гуруҳдаги ерларга типик бўз тупроқлар тарқалган майдонлар киради. Таоминланмаган гуруҳдаги майдонларда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган.

Тупроқлардаги нам захиралари ва тупроқ типларига асосланган лалмикор ерлар учун негизли шкала қўйидагича тавсия этилади.

24-жадвал.

#### Лалмикор ерлар учун негизли шкала.

№	Тупроқларнинг генетик гурухлари	Бонитет баллари
1	Оч-жигарранг	100
2	Тўқ тусли бўз	85
3	Типик бўз	70
4	Оч тусли бўз	50

Минтақавийлик қонунига асосан тупроқларнинг тип ва типчаларини географик тарқалиши аниқ биоиқлим шароитига мувофиқ келади.

Демак, типик бўз тупроқлар тарқалган майдонларда хоҳ у Сурхондарё, хоҳ Фарғонада бўлсин, деярли бир хилдаги иқлимий кўрсаткичлар, ўсимлик турлари ва бошқалар мавжуд бўлади.

Генетик гурухлар ичидағи айрим хоссаларнинг фарқи оналик жинслар ўртасидаги ва геокимёвий оқимлар орасидаги фарқлардан келиб чиқади. Шу муносабат билан лалмикор ерларни ишлаб чиқариш қобилиятини баҳолаш тупроқни асосий хусусиятлари ва агрономик мухим хоссаларига таянган ҳолда ўтказилади.

### ЛАЛМИКОР ЕРЛАР УЧУН БОНИТИРОВКА КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ.

Лалмикор ерлар учун ҳам бонитировка коэффициентлари суғориладиган ерлар каби ҳосил билан тупроқ хоссаси ўртасида корреляцияланувчи катталиклар асосида ишланади. Маолумотларга кўра лалмикор ерларнинг механик таркиби, эрозияланганлик ва скелетлилиқ даражаси, скелетли қатлам чуқурлиги, қия текисликнинг қиялик даражаси ва экспозицияси ҳосил билан корреляцияланади.

Маданий ўсимликларни баҳорикор ерларда ва суғориладиган майдонларда ўсиши ва ривожланишида тупроқнинг механик таркиби ҳар хил таосир кўрсатади. Суғорма дехқончилиқда тупроқнинг нам сифими, сув ушлаш қобилияти каби катталикларни аҳамияти лалмикор ерлардагича бўлмайди. Маолумки нам сифими, тупроқни сув ушлаш қобилияти ўсимликларнинг вегетация даври давомида сув билан узлуксиз таоминлашда катта ролр ўйнайди.

Суғорма дехқончилиқда тупроқнинг бу хусусиятини аҳамияти лалмикор дехқончилиқдагига нисбатан кам бўлади, сабаб суғориладиган дехқончилиқда етишмаган нам сунойи усулда суғориш ёрдамида даврий равишда тўлдирилади.

Баҳорикор ерларда эса ўсимликни нам билан доимий равишида таоминлаб туриш бошқа омиллар билан бирга тупроқ хоссаларига, айниқса механик таркибига кўпроқ боғлиқ.

Оғир механик таркибли тупроқларнинг нам сифими нисбатан юқори бўлади, ўсимликларни енгил тупроқларга нисбатан кўпроқ вакт давомида сув билан таоминлаб туради. Шу боис бундай тупроқларни унумдорлиги лалмикорчилик шароитда нисбатан юқори ҳисобланади.

Тупроқларнинг бу хусусиятлари бошқа минтақаларда, жумладан Молдова, Россия ва бошқаларда ҳам таокидланган бўлиб, нисбатан юқори даражада баҳоланади.

Лалмикор ерларни баҳолашда тупроқларнинг оналик жинслари ҳам эотиборга олинади. Оналик жинси ва тупроқ механик таркибини баҳолашда эотиборга олиш қўйидаги жадвал асосида олиб борилади.



25-жадвал.

#### Тупроқ механик таркиби ва она жинсига кўра пасайтирувчи коэффициентлар.

№	Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар	Тупроқни механик таркиби				
		Гили	Оғир	Ўрта қумоқ	Енгил қумоқ	Кумоқ
1	Лёсслар ва лёссимон жинслар	1,0	1,0	0,9	0,8	-
2	Чақиқ тошли, қумоқли, пролювиал ва элювиал жинслар	0,8	0,8	0,85	0,7	0,60

Келтирилган маолумотлардан кўриниб турибдики, лёсс ва лёссимон жинслар устида ҳосил бўлган тупроқлар нисбатан юқори баҳоланади, яни уларни баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар бу кўрсаткичга кўра 0,8-1,0 атрофига бўлади.

Маолумки, лалмикор ерлар тоғолди текисликлари, адирларда жойлашган. Демак, тупроқлар ҳар хил қия текисликларда, баландликларда ҳосил бўлган. Шу боис бу майдонда эрозия жараёни яхши намоён бўлади.

Панков М., Гуссак Б. ларнинг фикрига кўра лалмикор ерларда эрозиянинг ривожланиш сабабларидан бири бу тупроқни сув томонидан ювилишга бўлган қаршилигининг пастлигидир. Бу фикрни тўла тўқис, яни бутунлай тўғри деб қабул қилиш қийин, сабаб тупроқни сув томонидан ювишга бўлган қаршилиги мантиқ жиҳатдан ўзгармас катталик бўлиб, у тупроқ хоссаларидан келиб чиқади.

Ювилиш ва ювилмаслик масалаларига келсақ, бунда сув миқдори, тезлиги, ернинг қиялик даражаси, тупроқнинг ўсимлик билан қопланганлиги ва бошқалар тупроқдан ташқаридаги омиллар ҳисобланади. Бу омиллар ва шу кабилар таосирида тупроқлар турли даражада ювилади. Бу жараёнда юзадан оқадиган оқим таосирида ҳайдаладиган ер майдонидан ташқарига энг аввало ил зарралари, гумус, озиқа элементлари ва бошқалар катта миқдорда олиб чиқиб кетилади, натижада тупроқ унумдорлиги пасаяди. Шунинг учун лалмикор ерларни баҳолашда албатта тупроқларни эрозияга учраганлик даражаси эотиборга олиниши керак.

Тупроқларни эрозияланганлик даражаси гумус қатлами қалинлиги ( $A+B$ ) ёки максимал миқдордаги қатlam чуқурлигига қараб дала шароитида аниқланади. Уни диагностик белгиларини қуйидагича тавсифлаш мумкин.

26-жадвал.

#### Эрозияланган ерларни ташхис белгилари.

№	Ювилганлик даражаси	Диагностик белгилари	
		$A+B$ қатлам қалинлиги, см.	$B_2$ қатлам чуқурлиги, см.
1	Ювилмаган	>70	>21
2	Кучсиз ювилган	50-70	21-31
3	Ўртча ювилган	30-50	31-51
4	Кучли ювилган	<30	<31
5	Ювилма жинслар тўплами	>75	>75

Келтирилган ташхис белгиларига асосланган ҳолда бонитировка коэффициентлари ишланган бўлиб, М. Якутилов бўйича қуйидагича тасвирланади.

27-жадвал.

#### Ювилганлик даражасига кўра бонитировкалаш коэффициентлари.

№	Ювилганлик даражаси	Бонитировкалаш коэффициентлари	
		Лёсслар, лёссли жинслар	Пролювиал ва делювиал жинслар
1	Ювилмаган	1,00	1,00
2	Кучсиз ювилган	0,95	0,95
3	Ўртча ювилган	0,90	0,95
4	Кучли ювилган	0,70	0,75
5	Ювилма жинслар тўплами	1,00	0,65

Пролювиал ва делювиал ётқизиқлар устида ҳосил бўлган тупроқлар ҳар хил миқдор ва ўлчамлардаги тошлар, шағаллар, кум, қумтош бўлак ва бўлакчаларига бой бўлади.

Хозирги вақтда пасайтирувчи коэффициентлар тариқасида қуидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия этилади.

28-жадвал.

#### **Тупроқ ювилганлик даражасига кўра пасайтирувчи коэффициентлар.**

№	Ювилганлик даражаси	Коэффициентлар.
1	Ювилмаган	1,0
2	Кучсиз ювилган	0,9
3	Ўртача ювилган	0,8
4	Кучли ювилган	0,7
5	Ювилма жинслар тўплами	1,0

Тупроқ таркибидаги тош ва шағалларни бирлаштириб скелет, яони тупроқ скелети дейилади. Скелет миқдори тупроқни устки қатламларида кўп бўлса, уруғни униб чиқишига салбий таосир кўрсатади. Скелет қўшилмалар тупроқни тез исишига ва шу боис тез қуришига сабаб бўлади. Бевосита тошга тегиб турган ўсимлик ёз вактларида куйиб қолиб, қуришгача боради.

Тупроқ қатламидаги скелет миқдори ўсимликни илдиз тизимини ривожига салбий таосир кўрсатади, озиқа элементларни миқдорини камайишига сабаб бўлади.

Скелетли тупроқларда сув ўтказувчанлик нисбатан юқори бўлиб, сув ушлаш қобилияти паст бўлади.

И. Алиева маолумотларига кўра тўла дала нам сифими кучли даражада скелетли тупроқларда 16-20 %, ўрта ва кучсизларида эса 22-28 % бўлади. Қояли жинслар устида ҳосил бўлган тупроқларда 36-38 % ни ташкил қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб тупроқнинг скелетлилик даражасига кўра коэффициентларини кўрадиган бўлсак, улар қуидаги чегараларда жойлашади.

29-жадвал.

#### **Тупроқнинг скелетлилик даражасига кўра бонитировка коэффициентининг ўзгарши.**

№	Скелетлилик даражаси	Коэффициенти
1	Скелетсиз тупроқлар	1,00
2	Кучсиз скелетли	0,95
3	Ўртача скелетли	0,80
4	Кучли скелетли	0,70

Фақат скелет миқдоригина ўсимликни ҳаёти ва фаолиятига таосир қилмайди, балки скелетли қатламни қалинлиги, жойлашган чуқурлиги ҳам тупроқ унумдорлигига салбий таосир қиласди, яони ҳосил билан салбий корреляцияланади.

Скелетли қатлам 30, 30-50 см чуқурликда, яони шу чегарадан юқорида жойлашганда ғўза, беда, маккажӯхори, полиз ва бошқа илдиз тизими юзада жойлашадиган ўсимликлар учун катта зарар етказади. Агар бу қатлам чуқурда жойлашган бўлса, дарахт ўсимликларига ҳам зарар етказади. Шу боис скелетли қатлам чуқурлигига кўра ҳам бонитировкалаш коэффициентлари ўзгаради.

30-жадвал.

#### **Скелетли қатлам чуқурлигига кўра бонитировка коэффициентининг ўзариши.**

№	Биринчи скелетли қатлам чуқурлиги, см.	Коэффициенти

1	100 см дан чукурда	1,00
2	71-100	0,95
3	51-70	0,85
4	31-50	0,70
5	>30	0,60

Тупроқ унумдорлигига таосир этувчи омиллардан скелетлилик ва гипслилик даражаси ҳозирги кунда қуйидаги тартибда эотиборга олинади.

31-жадвал.

### **Тупроқни скелетлилик ва гипслилик даражасига мувоғиқ коэффициентлар.**

№	Тупроқни скелетлилик даражаси	Ётиш чукурлиги, см.		
		30-50	50-100	100-150
1	Скелетсиз	0,8	0,9	1,0
2	Скелетли	0,7	0,8	0,9
3	Гипсли	0,6	0,7	0,9

Юқорида күрсатилган ҳосилни чекловчи омиллардан ташқари лалмикор ерларни ишлаб чиқарып қобилиятига жойнинг релрефи ҳам таосир күрсатади. Бу ўринда релреф агроэкологик омил тариқасида энг аввало қуёш ва ердан келадиган энергиялар тақсимотига, ёғин тақсимотига таосирли кўринади. Бу омиллар тақсимоти ўз навбатида бошқа қатор катталикларга жумладан геокимёвий оқимга, нам тақсимотига ва бошқаларга таосир кўрсатади. Хилма-хил релреф шароитидаги ўсимликлар ҳар хил даражада қуёш энергияси ва ёруғлик билан таоминланади.

Шарқий қия текисликларга қуёш нури нисбатан тик тушади, демак, кўпроқ иситади, яни иссиқлик режими бошқаларга нисбатан фарқли бўлади.

Нисбатан соя шимолий, ғарбий қия текисликлар кучсизроқ даражада исийди, шу боис бу майдонларнинг тупроқларида намлик бироз кўпроқ, атмосфера ҳавоси ҳарорати пастроқ бўлади.

Намликнинг тақсимотига релреф элементларининг морфометрик катталиклари таосир қиласи. Релрефнинг намликка таосири қия текисликларда, жарликларда, қиррали қояларда, узун ва тик қияликларда, чукур чўқмаларда яққол кўринади.

Тупроққа ва унинг ички қатламларига сингиб кириб борган сувлар қия текислик бўйлаб геокимёвий оқимни ташкил қиласи ва қиялик бўйлаб пастқамликлар томон оқиб боради.

Геокимёвий оқим ўз йўлида ҳар хил геокимёвий баррерларда хилма-хил моддаларни концентрацияларини ўзгартиради. Масалан; органик моддаларни, озиқа элементларни, микро ва макроэлементларни концентрацияларига геокимёвий оқим турли даражада таосир кўрсатади.

Ёғинларнинг бир қисми релреф турига қараб тупроқ устида турли тезликда пастқамликлар томон, вақтинчалик ёки доимий эрозия базиси томон ҳаракат қиласи ва қаттиқ оқим тариқасида моддаларни ҳаракатга келтиради. Бу оқим таосирида ерлар эрозияланади. Тупроқ устки ва ички омилларининг нисбатлари жойнинг релрефига, ўсимлик тури ва қопланганлик даражасига, тупроқнинг зичлигига, ётиш ҳолати ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Салбий релреф ҳолатида, яни чуқурликларда жойлашган тупроқлар ҳамма вақт ҳам нисбатан юқори намликка эга бўладилар. Бунга сабаб юкоридаги майдонларда ички ва ташки оқим тариқасида у ёки бу микдорда сувлар ҳар хил концентрацияда келиб қўшилиб

туради. Шу боис баозан бундай ерлар сув ўтказмас қатlam устида жойлашган бўлса шўрланиши ёки ботқоқланиши мумкин.

Шу муносабат билан бир хил иқлимий шароитда жойлашган майдонларда ҳар хил хусусиятларга эга бўлган тупроқ айрмалари ҳам ҳосил бўлади.

Е.Волни, С.Ташчанов, Н.Алтинбаев ва АҚШ давлат департаменти маолумотларига кўра релреф элементларидан энг катта агроэкологик аҳамиятга эга хусусиятлари қия текслик экспозицияси, қиялик даражаси, релреф шакли ҳисобланади.

Айниқса қия текслик экспозицияси дончилик ҳосили билан корреляцияланади, шу боис лалмикор ерларни баҳолашда экспозиция учун ишланган коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тўғри баҳолашга олиб келади.

32-жадвал.

### **Қиялик даражаси ва экспозиция учун бонитировка коэффициентлари.**

№	Кия текслик экспозицияси	Қиялик, даражада				
		<3	3-5	5-7	7-10	>10
1	Соя томон (ш, ш-ғ, ғ, ш-ш)	1,00	0,95	0,90	0,85	0,80
2	Қуёшли томон (ж, ж-ш, ш, ж-ғ)	0,90	0,85	0,80	0,75	0,70

Лалмикор ерларнинг балл бонитетини аниқлаш суғориладиган ерларнинг унумдорлик даражасини аниқлаш каби бўлади, яни негизли шкаладан тупроқни генетик гурухи ва унга мувофиқ максимал балл аниқланади, тупроқни ҳосил билан корреляцияланувчи хусусиятлари учун ишланган коэффициентларга кўпайтириш асосида якуний балл бонитет чиқарилади.

Масалан; типик бўз тупроқни баҳолаш лозим бўлса унга мувофиқ максимал балл 70, яни негизли шкалада кўрсатилган. Бу тупроқ оғир механик таркибли, демак коэффициент 0.95, скелетсиз, бу кўрсаткичга кўра коэффициент 1.00 ва ҳоказолар.

$$\text{Бтб} = 70 \cdot 0,95 \cdot 1,00 = 66,5 \text{ балл.}$$

Тупроқни балл бонитети ҳосилни режалашда, солиқ миқдорини аниқлашда ва бошқаларда муҳим катталиқ ҳисобланади. Солиқни табақалаш ҳам, рағбатлантирувчи солиқ миқдорини белгилаш ҳам тупроқни сифат кўрсаткичи, яни уни унумдорлигига боғлиқ бўлади. Айниқса олинадиган ҳосил миқдорини чамалаш, режалашда ҳал қилувчи асосий катталиқ ҳисобланади.

Республикада кузги лалми буғдойни ўртача максимал ҳосилдорлиги гектарига 25 ц., арпанини - 20 ц., демак, бир бонитет баллини ҳосил қиймати  $25/100=0,25$ ,  $20/100=0,20$  ц/га.

Баҳорикор ерларда ҳосилни тўғри режалашда тупроқ учун ҳисобланган бонитет балли 0,25 ёки 0,20 га кўпайтирилади. Масалан;  $80 \cdot 0,25 = 20$  ц/га ёки  $80 \cdot 0,20 = 16$  ц/га ни ташкил қиласди. Шу тариқа бошқа ҳисоб китобларни амалга ошириш мумкин.

### **Таянч иборалар**

Лалмикор, баҳорикор, тупроқни сифат баҳоси, коэффициент, рерлеф, Ер, табиий омиллар, унумдорлик, негизли шкала, механик таркиб, сифат, нам сифими, эрозия, лёсс, проловиал, делювиал, скелет, гумус, қиялик, қия текслик, экспозиция, қуёшли томон, соя, гипсли, ювилма.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Ўзбекистон худудида баҳорикор ерлар ва уларнинг майдони ҳақида?
2. Ер ва тупроқ тўғрисидаги муносабатлар, мулоҳазалар
3. Лалмикор ерлар учун негизли шкала ва унинг хусусиятлари?
4. Лалмикор ерларни ёғин миқдорига кўра таснифи?
5. Лалмикор ерлар учун қандай коэффициентлар ишланган?

6. Оналик жинсига кўра кўпайтирувчи коэффицентлар?
7. Лалмикор ерларда эрозияга қарши кураш чоралари?
8. Ювилганлик даражасига кўра коэффицентлар?
9. Скелетлилигига кўра ишланган коэффицентлар?
10. Қиялик даражаси ва экспозицияси учун ишланган коэффицентлар?
11. Бонитировка балларини хисоблаш?

## **V. БОБ: ТУПРОҚЛАРНИ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН БАҲОЛАШ ВА ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ**

Ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан тупроқни экологик жиҳатдан баҳолаш ишлари нисбатан мураккаб бўлиб, бу борадаги ишлардан дикқатга сазовори Л.Л. Шишов, Н.И. Карманов ва бошқаларни ишларини айтиш мумкин.

Булар томонидан ишлаб чиқилган усул тупроқ-экологик кўрсаткичларига таянган бўлиб, ерларни балл бонитетлари шу асосда хисоблаб чиқарилади. Бунда ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, яйлов ва бошқаларни кичик ер майдончасидан бошлаб вилоят, республика миқёсигача балл бонитетларини аниқлаш мумкин. Бу усулда тупроқларни баҳолаш қатор вазифаларни ечимини топишга, тупроқларни баҳолашга ёрдам беради.

1. Суғориш мелиорацияси соҳасида - суғориш жараённида тупроқларни бонитет балларини ўзгариши, кўшимча ҳосилни хисоблаш, у ёки бу ўсимликни суғориш худудларини аниқлашда бу усулни аҳамияти катта.

2. Дехқончиликни кимёлаштиришда - жадал технологияни биринчи навбатда киритиш мумкин бўлган майдонларни аниқлашда, ўғитлардан яна ҳам самаралироқ фойдаланиш йўлларини аниқлашда қўл келади.

3. Иқтисод соҳасида - ишлаб чиқаришни яхшилашни потенциал манбаларини аниқлашда, пул билан баҳолашда, фойдани қайта тақсимлашда ҳам усулни аҳамияти катта бўлади.

Тупроқни бу усулда баҳолаш уни табиий хосса ва хусусиятларига таянганлиги сабабли унинг унумдорлик даражасини баҳолашда кескин фарқларга, яони ҳақиқий ҳолидан кескин фарқ қилувчи катталикларга олиб келмайди.

Тупроқларни бу усулда баҳолашни афзалликларидан бири доимо қўлланиладиган бонитировкага ўхшаганлиги бўлиб, уни, яони тупроқни табиий хосса ва хусусиятлари, иқтисодий кўрсаткичларини ҳаммасини яхшилаб ўрганиш ўрнига ҳосил этиштиришдаги барча технологик жараёнларни кузатиш ва назорат қилиш кифоя.

Бу усулда тупроқни баҳолаш ўз ичига 3 бўлимни қамраб олади.

- 1 Хўжаликлар бўйича тупроқ-агрокимёвий ва агроклимий кўрсаткичларни тайёрлаш.
- 2 Тупроқ-экологик баҳо.
- 3 Ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларига нисбатан тупроқ бонитировкаси.

Бу усулда маолумотларни тўплаш 5 та шаклни ўз ичига олади.

### **Хўжалик тўғрисида умумий маолумот: 1-шакл.**

- 1 Мамлакат, республика;
- 2 Вилоят, ўлка, муҳтор вилоят;
- 3 Туман;
- 4 Хўжалик ёки ширкатлар уюшмаси ,фермер хўжалиги номи;
- 5 Табиий минтақа;
- 6 Асосий тупроқ типлари, типчалари, айирмалари.

### **Қишлоқ хўжалик экинлари майдони (хисобга олинган йили, га).**

**2-шакл.**

№	Ер тури		Майдони
	I	II	
1	Ҳамма ҳайдаладиган ерлар		
1а	Лалмикор экинлар майдони		
1б	Суғориладиган		
1в	Қуритиладиган		
2	Ҳамма күп йиллик экинлар		
2а	Суғориладиган		
2б	Қуритиладиган		
3	Пичанзорлар		
3а	Оддий		
3б	Суғориладиган		
3в	Қуритиладиган		
4	Яйловлар		
4а	Оддий		
4б	Суғориладиган		
4в	Қуритиладиган		
	Ҳамма қишлоқ хўжалиги экинзорлари		

**Агрокимёвий тавсиф.  
3-шакл.**

№	Ернинг холати	Ўрганилган ер майдони, %.	Ҳаракатчан фосфор миқдори, майдонга нисбатан фоиз ҳисобида. <sup>x</sup>					
			Жуда паст	Паст	Ўрта-ча	Ба- ланд	Юқори	Жуда юқори

х - ҳаракатчан калийга ҳам шундай жадвал тузилади, зурурият бўлган ҳолларда тупроқ реакцияси ҳам эотиборга олинади.

**Хўжаликка агроиқлимий тавсиф.  
4-шакл.**

- 1 Йиллик ёғин миқдори, мм;
- 2 10° дан юқори бўлган ҳароратлар йиғиндиси;
- 3 Энг иссиқ ойнинг ўртача ҳарорати;
- 4 Энг совуқ ойнинг ўртача ҳарорати;
- 5 Худуднинг географик кенглиги (континенталлик коэффициентини ҳисоблаш учун).

**Хўжаликнинг тупроқ қоплами.  
5-шакл.**

№	Тупроқнинг номланиши	Механик таркиби	Ювилган- лик даражаси	Гумус муқдори, %.	Майдони, га.
	Мисол: Суғориладиган	Ўрта қумоқ	Кучсиз	2,28	1150,1

	типик бўз тупрок, шўрланмаган			
--	-------------------------------	--	--	--

Хўжаликдаги экин турлари, ернинг ҳолати энг охирги йилдаги ҳисоб учун бир гектар аниқликда берилади. Агрокимёвий изланишлар натижасига кўра тупроқдаги фосфор ва калий миқдори, тупроқ реакцияси маолумотлари ва ўрганилган майдонга нисбатан фоизлари берилади.

Агроиқлимий тавсиф махсус қўлланмалар, тўпламлар маолумоти ёки ўша майдондаги метеостанцияни кузатув натижалари асосида берилади. Миқдорий кўрсаткичлар катта аниқликда, яони ўндан бир даража аниқликда берилади.

Географик кенгликлар градусларда маомурӣ хариталар асосида 1:4 млн. масштабдаги харита ёрдамида аниқласа бўлади. Бу иш учун 1:5 млн. масштабдаги хариталар яроқсиз.

Тупроқларнинг номи таснифдаги рўйхат асосида берилади, лекин маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши ҳам мумкин.

Қолган маолумотлар тупроқларни хариталаш ва уларга тузатиш киритиш ишларида қандай бажарилса ўшандай амалга оширилади. Юқоридаги маолумотлар тўплангандан сўнг тупроқларни экологик жиҳатдан баҳолаш қўйидагича ўtkазилади.

Тупроқ экологик индекси (ТЭИ) қўйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$T\mathcal{E}I = 12,5(2 - V)V_{\phi} \cdot Q \frac{\sum t^0 > 10 - (N_K - N_T)}{KK + 100} A$$

V - бир метрли қатлам учун ўртача ҳажм масса, г/см<sup>3</sup>.

2 - бир метрли қатлам учун максимал ҳажм масса, г/см<sup>3</sup>.

V<sub>φ</sub> - тупроқни фойдали ҳажми.

Q - тупроқни ҳисобга олиниши зарур бўлган қўшимча хоссалари.

$\Sigma t^0 > 10^\circ + 10^\circ$  дан юқори бўлган ўртача йиллик ҳароратлар йиғиндиси.

N<sub>K</sub> - намланиш коэффициенти.

N<sub>T</sub> - намланиш коэффициентига тўғрилагич.

KK - континенталлик коэффициенти.

A - якуний агрокимёвий кўрсаткич.

12,5 - тупроқ-экологик индексини 100 бирлигига келтириш учун қўшилган коэффициент.

## СУГОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН ТУПРОҚ-ЭКОЛОГИК ИНДЕКСИНИ ҲИСОБЛАШ.

Маолумки ҳамма тупроқлар учун 12,5 қўпайтирувчи қабул қилинган. Афсуски деярли ҳамма кўрсаткичлар махсус ишланган жадваллардан олинади, шу боис тупроқ-экологик индексини ҳисоблаш қатор қийинчиликларга олиб келади.

Шунга қорамасдан битта мисол келтиришни маоқул кўрдик. Мисол учун суғориладиган тупроқнинг тупроқ экологик индекси Шишов Л.Л., Дурманов Д.И. ва бошқаларнинг ишларига кўра қўйидагича ҳисобланади. Демак 12,5 доимий кўрсаткич.

2-V - махсус жадвалга кўра 0,70.

n - эса 1,0.

Кучсиз ювилганлигига кўра коэффициент - 0,86.

Кучсиз шўртоблик учун коэффициент - 0,90.

Тупроқ қалинлиги учун регионал коэффициент - 1,05.

Тупроқни якуний кўрсаткичи:

$$12,5 \cdot 0,70 \cdot 1,0 \cdot 0,86 \cdot 0,90 \cdot 1,05 = 7,11$$

Агрокимёвий якуний кўрсаткич - 1,04.

Суғориш таосиридаги ўзгариш коэффициенти оғир механик таркибли тупроқлар учун - 0,93.

Якуний иқлимий күрсаткич, яони  $10^{\circ}$  дан юкори ҳароратлар йифиндиси  $3050^{\circ}$ .

Намланиш коэффициенти учун түғрилагич коэффициенти  $1,10$  бўлганда

$$\frac{3050 \cdot 1.10}{173 + 100} \text{ бўлади, демак,}$$

$$TЭИ = 7,11 \cdot 1,04 \cdot 0,93 \frac{3050 \cdot 1,10}{173+100} = 7,11 \cdot 1,04 \cdot 0,93 \cdot 12,29 = 84,5$$

Кўриниб турибдики, бу усулни қўллаш, айниқса ундан фойдаланиш қатор қийинчиликларга олиб келади. Шу боис бу усул ҳозирча ўз ўрнини ишлаб чиқаришда топгани йўқ бўлиб, такомиллаштиришга муҳтож.

### **Таянч иборалар.**

Тупрок экологик индекси, ҳайдалма ерлар, мелиорация, унумдорлик, ҳаракатчан фосфор, коэффициент, Nk, Nt, KK, түғрилагич коэффициенти, калий, якуний иқлимий күрсаткич, намланиш, шўртоблик, кучсиз ювилган, якуний агрокимёвий кўрсаткич.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Тупрок-экологик индексининг афзаллиги?
2. Тупрокни экологик жиҳатдан баҳолаш қандай муаммоларни ечишга ёрдам беради?
3. Тупроқни экологик жиҳатдан баҳолаш қандай бўлимларни қамраб олади?
4. Баҳолаш учун маолумотлар тўплаш қоидалари?
5. ТЭИ формуласини ёзинг ва изохланг?
6. Шишов Л.Л., Дурмонов Д.И. бўйича тупрок экологик индекси?
7. Тупрок-экологик индексини хисоблашда фойдаланиладиган коэффицентлар?
8. ТЭИ орқали баҳолашда А нинг ўрнини тушунтиринг?
9. ТЭИ орқали баҳолашни ўзига хослиги?

## **VI БОБ. ТУПРОҚ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ҲОСИЛ ЎРТАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛАНИШЛАР ВА УНИ ТАСВИРЛАШ ЙЎЛЛАРИ.**

Иқтисодий кўрсаткичлардан бири бу бир гектар ер майдонидан олинган ҳосил микдори бўлиб, бу кўрсаткичдан ҳамма вақт ҳам тўғридан – тўғри фойдаланиб бўлмайди.

Тупроқларни баҳолашда тупроқ хоссалари ва ундан олинадиган ҳосил микдорлари ҳам математик нуқтаи назардан қайта ишлашга муҳтож, яони у рақамлар қай даражада тўғри эканлигини математик статистика орқали ўз ифодасини топади.

Юқорида таокидланганидек тупроқ хоссалари тўғрисидаги ишончли маолумотлар билан шу тупроқдан олинган ҳосил ўртасидаги корреляцион боғланишгина тупроқни сахийлигини негизини ташкил қиласди.

Математик қайта ишлаш усуллари кўп бўлиб, уларнинг ичидаги синалган ва тупроқшуносликда, тупроқни баҳолашда, агрокимёда қўлланилаётган усул бу корреляция ва регрессия хисобланади.

Корреляцион таҳлил тупроқ хоссалари билан қишлоқ хўжалик экинларини ҳосили ўртасидаги алоқадорликни математик аниқликда кўрсатиб боради ва тупроқни табиий хоссаларини бонитировка негизи учун яроқли эканлигини аниқлаб, исботлаб боради.

Корреляция - лотинча сўз бўлиб, "correlatio" нисбат демакдир.

Бу атама кўпчилик фанларни турли тармоқларида кенг қўлланилади. Корреляциядан, айниқса бир кўрсаткич иккинчисини ҳосил бўлишида бевосита таосир қиласиган катталикларни алоқадорлигини аниқлашда фойдаланиш яхши натижага беради.

Бу соҳада қишлоқ хўжалиги фанларида тупроқдаги гумус миқдори билан ғўза ёки бошқа қишлоқ хўжалиги экин тури билан ҳосили ўртасидаги боғланишларни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Худди шу каби тупроқдаги харакатчан фосфор, калий, азот миқдори билан экинларни ўсиши ва ривожланиши ўртасидаги боғланишлар ёки уларни ҳосиллари ўртасидаги алоқадорликлар ҳам аслида корреляцион боғланишлар қаторидан жой олади.

Тўпламларни ўзаро корреляцияси функционал боғланишда бўлиши мумкин. Бир ёки бир канча аргументларни ўзгариши билан функцияни ўзгаришига "*регрессия*" дейилади.

Одатда иккита ўзгарувчан катталик ўртасидаги функционал боғланиш қўйидагича тасвирланади:  $y=f(x)$ .

Бунда: "Y" эса "X" белгини функцияси.

f - лотинча *functio*, яони функция сўзини бош ҳарфи.


f - бирорта қийматни кўрсатмайди, лекин ҳар қандай функционал боғлиқликни кўрсатади.

Эҳтимоллар назариясида регрессия бирор катталикни ўртача қийматини "Y" бошқа бир қиймати "X" билан алоқадорлиги тариқасида тушунилади.

Масалан; тупроқ таркибидаги сувда эрувчан тузларнинг умумий миқдори билан ғўза ҳосилдорлиги ўртасидаги ёки гумус қатлами қалинлиги билан ҳосил ўртасидаги, сингдирилган натрий миқдори билан тупроқни шўртоблиги ва ундан (тупроқдан) олинадиган ҳосил ўртасидаги боғланишларни функционал боғланишлар тариқасида келтиришимиз мумкин.


Ҳосил билан тупроқни табиий хоссалари ўртасидаги боғланишларни оддий регрессия чизиклари орқали тасвирлаш мумкин.

Ҳосил билан тупроқни бирор хусусияти, ёки хоссалари ўртасидаги боғланиш тўла ёки яхши, қисман ёки кучсиз, аксинча, ҳеч қандай алоқадорликда бўлмаса уларни қўйидагича оддий усулда  $y=f(x)$  дан фойдаланиб тасвирлаш мумкин.



Бу ҳодисани биз тупроқни шўрлик даражаси билан ғўза ҳосилдорлиги ўртасида яққол кўришимиз мумкин. Бунда абцисса ўқига тупроқни шўрлик даражаси (аргумент) ордината ўқига ҳосил миқдори (функция) жойлаштириллади.

Олинган эмперик регрессион чизик тупроқни шўрлик даражаси ортиши билан ҳосил миқдори камайишини кўрсатади.



Таокидланганидек, энг аввало тупроқ хусусияти билан ҳосил ўртасидаги бөгланиш график усулда аниқланган кейин маолумотларни математик усулда ҳар томонлама қайта ишлашга киришилади.

Тупроқни бонитаровкалаш мақсадларида қўлланиладиган маолумотларни математик қайта ишлаш усули тартибига кўра энг аввало ўрта арифметик қиймат ( $M$ ) топилади.

$$M = \frac{\sum x}{n}$$

$\sum x$  - кўрсаткичлар йигинди;  $n$  - кузатувлар сони.

Ўрта арифметик қийматни аниқлашни ҳам ўзига ҳос хусусияти бор, яни тупроқ типи, ўсимлик тури, нави, тупроқ типчаси, айрмаси ва бошқа ҳоллар учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Масалан; катта бир даҳа учун ҳисоблаш керак бўлса, унда тупроқ типлари бўз воҳа, ўтлоқи воҳалардан иборат бўлган тақдирда ҳисобланиши лозим бўлган кўрсаткич алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Маолумотларини математик усулда қайта ишлашда факат ўрта арифметик қийматга нисбатан катталикларни четланиши тўғрисида хулоса қилиш тўғри бўлмайди.

Буни аниқлаш учун эса ўртача квадратик четланиш топилади.

$$\sigma = \pm \sqrt{\frac{\sum x^2}{n-1}}$$

$\sum x^2$  - ўрта арифметик қийматга нисбатан ҳамма вариантларни четланишини квадрати.

Ўрта квадратик четланиш мухим статистик кўраткич ҳисобланади.

Эҳтимоллар назариясига кўра  $M = \pm \delta$  оралиғида кузатувларда ҳамма маолумотларни 68,3 % жойлашади.  $M = \pm 2\delta$  да 95,4 %,  $M = \pm 3\delta$  да 99,7 % катталиклар жойлашади.

Ўзгарувчанлик таҳлил қилишда ўрта квадратик четланиш ҳам камлик қиласи, шу боис ўзгарувчанлик коэффициенти, яни "вариация" коэффициенти ҳисобланади.

$$V = \pm \frac{100 \delta}{M} \%$$

$V$  - вариация коэффициенти.

Ўрта арифметик қийматни типик эканлигига ва тўғрилигига тўла ишониш учун ўрта арифметик қийматни ўртача ҳолатлиги ( $m$ ) аниқланади.

$$m = \pm \frac{\delta}{\sqrt{n}};$$

Эҳтимоллар назариясига кўра тўплам норма тақсимланган ҳолда, кузатив миқдори кўп бўлганда мингтадан 683 таси  $M \pm m$  оралиғида, 954 таси  $M \pm 2m$  ўртасида, 997 таси  $M \pm 3m$  да ўз ифодасини топади.

Үртача ҳато ўрта арифметик қийматга нисбатан фоизларда ифодаланади. Олинган катталика аниқлик катталиги (P) дейилади.

$$P = \pm \frac{100}{M} m;$$

Аниқлик катталиги қанча кичик бўлса, натижа шунча ишончли бўлади. Ишонч даражаси (t) эса қўйидагича аниқланади.

$$t = \frac{M}{m};$$

Олинган маолумотлар тўплам сони катта бўлганда бу кўрсаткич  $>3$  бўлиши керак, яни ҳатоликдан 3 карра кўп бўлади.

Мисол учун 1999 йилги Ёзёвон туманида ўтказилган кузатув натижаларини кўриб чиқайлик.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларида гумус миқдори 18 та кесманинг хайдов қатламида (0-30 см) қўйидаги тўплам (n) ни 1,2; 1,0; 0,9; 0,8; 1,1; 1,1; 1,3; 1,2; 1,4; 0,8; 1,1; 1,0; 0,9; 0,9; 0,8; 0,7; 1,0; 1,1 ташкил қилди.

Ўртача арифметик қиймати

$$M = \frac{\sum n}{n} = \frac{1,2 + 1,0 + 0,9 + 0,8 + 1,1 + 1,1 + 1,3 + 1,2 + 1,4 + 0,8 + 1,1 + 1,0 + 0,9 + 0,9 + 0,8 + 0,7 + 1,0 + 1,1}{18} = \frac{18,3}{18} = 1,02$$

Ўртача қийматдан ҳар бир катталикни фарқини топамиз ва квадратга оширамиз.

$$Y = -1,2; -1,0; -0,9; -0,8; -1,1; -1,1; -1,3; -1,2; -1,4; -0,8; -1,1; -1,0; -0,9; -0,9; -0,8; -0,7; -1,0; -1,1.$$

$$X = +0,2; 0,0; -0,1; -0,2; +0,1; +0,1; +0,3; +0,2; +0,4; -0,2; +0,1; 0,0; -0,1; -0,2; -0,3; -0,0; +0,1.$$

$$X^2 = 0,04; 0,0; 0,01; 0,04; 0,01; 0,01; 0,09; 0,04; 0,16; 0,04; 0,01; 0,0; 0,01; 0,01; 0,04; 0,09; 0,0; 0,01.$$

Ўртача квадратик чекланиши қўйидагича аниқлаймиз.

$$\delta = \pm \sqrt{\frac{\sum x^2}{n-1}} = \pm \sqrt{\frac{0,61}{18-1}} = \pm \sqrt{\frac{0,61}{17-1}} = \pm \sqrt{0,03} = \pm 0,19$$

Юқорида келтирилган қоидаларга кўра айтиш мумкини,  $M \pm \delta$ , яни  $1,0 \pm 0,19$  да 77,7 %,  $M \pm 2\delta$ , яни  $1 \pm 0,38$  - 94,4 % катталиклар жойлашади.

Демак бизнинг ҳолатимизда, олинган катталикларни деярли ҳаммаси  $M \pm 2\delta$  оралигига жойлашади. Бу қоидадан фақатгина битта рақам (1,4) ташқарида қолади ҳолос.

Вариация коэффициенти бу тупроқдаги гумус миқдори учун қўйидагича ҳисобланади.

$$V = + \frac{100 \delta}{M} = \pm \frac{100 \cdot 0,19}{1,0} = \pm 19 \%$$

Ўртачани ҳатолиги унча катта эмас.

$$m = \pm \frac{\delta}{\sqrt{n}} = \pm \frac{0,19}{\sqrt{18}} = \pm 0,04$$

Бу шароитдаги аниқлик кўрсаткичи

$$P = \pm \frac{100m}{M} = \frac{100 \cdot 0,04}{1,0} = 4,0 \%$$

Ишончлилик даражаси

$$t = \frac{M}{m} = \frac{1,0}{0,04} = 25;$$

Математик усулда маолумотларни қайта ишлашни охирги натижаларини жадвал тариқасида күрсатиш яхши натижалар беради, яони хусусиятлар яқындағы күрнәндіктердің мөндерін анықтауда.

33-жадвал.

#### **Маолумотларни математик усулда қайта ишлаш натижалари.**

Гумус миқдори, % Mx.	Пахта, ц/га My.	Үртаса ҳатодлик, т.	Үртаквадратик чекланыш, δ.	Аниқликтік қиймати, Р, %.	Вариация коэффициенти, V, %.	Үртадаражаси, t	Кузатишиң сони (түпнама), N	Корреляция коэффициенти, r
1,0		0,04	0,19	4	19	25	18	
-	21,9	-	-	-	-	19,7	18	0,63

Тупроқни табиий ва иқтисодий бағолашда юқорида қайд қилинганидек тупроқны айрим хоссаси ёки хоссалари билан қишлоқ хұжалик экинидан оланган ҳосил ўртасидаги боғланишларни топиш зарур бўлади.

Математик қоидага кўра икки катталик орасидаги тўғридан-тўғри боғланишга корреляцион боғланиш дейилади.

Бу катталик, яони корреляция коэффициенти +1 дан -1 гача оралиқда бўлади. Плюс белги боғланишни ижобийлигини, минус белги эса салбайлигини кўрсатади.

Корреляция коэффициенти +1 га қанча яқин бўлса, бу икки кўрсаткич ўртасидаги алоқадорлик шунча яқин эканлигидан далолат беради. Корреляция коэффициенти 0,51 - 0,70 бўлса алоқадорлик ўртаса, 0,71-0,90 оралиғида зич, яони яхши >0,9 бўлса, жуда яхши ҳисобланади.

Корреляция коэффициенти қўйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$r = \frac{\sum ax \cdot ay}{\sqrt{\sum ax^2 \cdot \sum ay^2}}$$

$\Sigma ax \cdot ay$  - ўрта арифметик қийматдан айрилган ҳар бир омил катталиги, ўзаро кўпайтирилганларни жами.

Мисол тариқасида юқоридаги гумус учун олинган майдонлардаги ҳосилдорлик билан гумус миқдори ўртасидаги корреляцион боғланишларни кўриб чиқишимиз мумкин.

Бунинг учун жадвал усулидан фойдаланиш бир мунча қулайликлар яратади. Демак махсус (34) жадвалга берилган қийматларни, яони гумус ва ҳосилдорлик миқдорини жойлаштирамиз, ҳисоб китобларни шу аснода давом эттирамиз. Энг аввало ҳар бир омил учун ўрта арифметик қийматларни топамиз.

Олинган натижа, яони корреляция коэффициенти +0,63 ни ташкил қиласи, демак бизни шароитимизда гумус миқдори билан олинган ҳосил ўртасидаги боғлиқлик кучсиз бўлсада бор, яони гумус миқдори ортиши билан пахта ҳосили ҳам оз бўлсада ортади.

Корреляция коэффициентини ҳатолиги ( $m_r$ ) қўйидагича ҳисобланади.

$$m_r = \pm \frac{1 - r^2}{\sqrt{n}} = \pm \frac{1 + 0,37}{4,24} = \pm 0,32$$

Алоқанинг ишонч даражасии (t)

$$t = \frac{r}{m_r} = \frac{0,63}{0,32} = 1,97 < 3,$$

демак ўзаро боғлиқлик мавжуд.

**Корреляция коэффициентини ҳисоблаш.**

№	Гумус, %. (x)	Пахта, ц/га (y)	ax	ay	ax/ay	$ax^2$	$ay^2$
1	1,2	22,1	0,2	0,2	0,04	0,040	0,40
2	1,0	20,2	0	-1,7	0	0	2,89
3	0,9	21,2	-0,1	-0,7	0,07	0,01	0,49
4	0,8	18,2	-0,2	-3,7	0,74	0,04	13,69
5	1,1	23,4	0,1	1,5	0,15	0,010	2,25
6	1,1	22,1	0,1	0,2	0,02	0,010	0,04
7	1,3	23,1	0,3	1,2	0,36	0,09	1,44
8	1,2	24,0	0,2	2,1	0,42	0,040	4,41
9	1,4	24,3	0,4	2,4	0,96	0,16	5,76
10	0,8	18,8	-0,2	-3,1	0,62	0,04	9,61
11	1,1	22,2	0,1	0,3	0,03	0,01	0,09
12	1,0	22,3	0	0,4	0	0	0,16
13	0,9	24,1	-0,1	2,2	-0,22	0,01	4,84
14	0,9	22,1	-0,1	0,2	-0,02	0,01	0,04
15	0,8	18,2	-0,2	-3,7	0,74	0,04	13,69
16	0,7	22,3	-0,3	0,4	-0,12	0,09	0,16
17	1,0	23,1	0	1,2	0	0	1,44
18	1,1	22,8	0,1	0,9	0,09	0,01	0,81
n=18	$\Sigma 18,3$	$\Sigma 394,5$	-	-	$\Sigma 3,88$	$\Sigma 0,61$	$\Sigma 61,85$

$$M_x = \frac{18,3}{18} = 1,02 \approx 1,0$$

$$M_y = \frac{394,5}{18} = 21,9 \quad n=18$$

$$r = \frac{3,88}{\sqrt{0,61 \cdot 61,85}} = \frac{3,88}{\sqrt{37,73}} = \frac{3,88}{6,14} = 0,63$$

Маолумотларни бу тарзда қайта ишлаш айни вақтда катта вақт, әхтиётлик, зийраклик ва пухта билим талаб қиласы, аммо уларни хозирги замон компьютерларида махсус дастурлар асосида ҳисоблаш аниқликни ошириш Билан бирга вақтни тежайди.

**Маолумотларни ЭХМ да қайта ишлаш дастурлари.**

Хозирги даврда бу амалларни ЭХМ-ларда махсус дастурлар орқали тез ва сифатли бажариш мүмкін. Шундай дастурлардан бири, яни корреляция коэффициенти, ўрта арифметик қыймат, вариация коэффициенти ва бошқалар учун Юлдашев ва Каримовлар томонидан ишланған қуйидаги дастурдан фойдаланиш тавсия этилади.

**Dastur B.**

```
Option Explicit
```

```
Dim a
```

```
Dim b
```

```
Dim sa As Double
```

```
Dim sb As Double
```

```
Dim na As Long
```

```
Dim nb As Long
```

```
Dim UrtaArifa As Double
```

```
Dim UrtaArifb As Double
```

```

Public Sub Command1_Click()
Dim i As Integer
a = Split(Text1.Text, " ", -1)
na = UBound(a) + 1
sa = 0
For i = 0 To UBound(a)
    List1.AddItem (Trim$(a(i)))
    a(i) = Val(a(i))
    sa = sa + a(i)
Next
Dim j As Integer
b = Split(Text2.Text, " ", -1)
nb = UBound(b) + 1
sb = 0
For j = 0 To UBound(b)
    List2.AddItem (Trim$(b(j)))
    b(j) = Val(b(j))
    sb = sb + b(j)
Next
Label22.Caption = Str(sa)
Label24.Caption = Str(sb)
Label32.Caption = Str(na)
On Error GoTo Line1
Line1:
If (Text1.Text = "") Or (Text1.Text = "") Then
    MsgBox "Берилгандар кирилмаган!", vbCritical, "Хато хакида хабар"
    End If
End Sub

```

```
Private Sub Command2_Click()
```

```

With List1
    If .ListCount > 0 Then
        .Clear
    End If
End With
With List2
    If .ListCount > 0 Then
        .Clear
    End If
End With
Text1.Text = ""
Text2.Text = ""
Label3.Caption = ""
Label5.Caption = ""
Label7.Caption = ""
Label9.Caption = ""
Label11.Caption = ""
Label13.Caption = ""
Label15.Caption = ""
Label17.Caption = ""
Label19.Caption = ""
Label20.Caption = ""

```

```

Label22.Caption = ""
Label24.Caption = ""
Label26.Caption = ""
Label28.Caption = ""
Label30.Caption = ""
Label32.Caption = ""
End Sub

Private Sub Command3_Click()
Dim UrtaArifa As Double
Dim KvIldiz As Double
Dim i As Integer
Dim UrtaKvChet As Double
Dim VarKoef As Double
Dim UrtaXato As Double
Dim AniqlikKursat As Double
Dim IshonchDar As Double
On Error GoTo Line2
UrtaArifa = sa / na
Label3.Caption = Str(UrtaArifa)
Dim sk As Double
sk = 0
For i = 0 To UBound(a)
    sk = sk + (UrtaArifa - a(i)) ^ 2
    UrtaKvChet = Sqr(sk / na)
Next
Label5.Caption = Chr(177) + Str(UrtaKvChet)
VarKoef = 100 * UrtaKvChet / UrtaArifa
Label7.Caption = Chr(177) + Str(VarKoef)
KvIldiz = Sqr(na)
UrtaXato = UrtaKvChet / KvIldiz
Label9.Caption = Chr(177) + Str(UrtaXato)
AniqlikKursat = (100 * UrtaXato) / UrtaArifa
Label11.Caption = Str(AniqlikKursat)
IshonchDar = UrtaArifa / UrtaXato
Label13.Caption = Str(IshonchDar)
Line2:
If (Text1.Text = "") Or (Text1.Text = "") Then
    MsgBox "Берилгандар киритилмаган!", vbCritical, "Хато хакида хабар"
End If
End Sub

Private Sub Command4_Click()
frmAbout.Show vbModal
End Sub


Private Sub Command5_Click()
Dim i As Integer
Dim j As Integer
Dim k As Integer
Dim ax() As Double
Dim bx() As Double

```

```

Dim axkv() As Double
Dim sax As Double
Dim bxkv() As Double
Dim sbx As Double
Dim sumkupaxbx As Double
Dim kupaxbx() As Double
Dim korkoef As Double
Dim korkoefxato As Double
Dim ishonchKursat As Double
On Error GoTo Line2
UrtaArifa = sa / na
UrtaArifb = sb / nb
sax = 0
ReDim ax(na) As Double
ReDim axkv(na) As Double
For i = 0 To UBound(a)
    ax(i) = a(i) - UrtaArifa
    axkv(i) = ax(i) ^ 2
    sax = sax + axkv(i)
Next
Label28.Caption = Str(sax)
sbx = 0
ReDim bx(nb) As Double
ReDim bxkv(nb) As Double
For j = 0 To UBound(b)
    bx(j) = b(j) - UrtaArifb
    bxkv(j) = bx(j) ^ 2
    sbx = sbx + bxkv(j)
Next
Label30.Caption = Str(sbx)
sumkupaxbx = 0
ReDim kupaxbx(na) As Double
For k = 0 To UBound(a)
    kupaxbx(k) = ax(k) * bx(k)
    sumkupaxbx = sumkupaxbx + kupaxbx(k)
Next
Label26.Caption = Str(sumkupaxbx)
korkoef = sumkupaxbx / Sqr(sax * sbx)
Label15.Caption = Str(korkoef)
korkoefxato = (1 - korkoef ^ 2) / Sqr(na)
Label17.Caption = Chr(177) + Str(korkoefxato)
ishonchKursat = korkoef / korkoefxato
Label19.Caption = Str(ishonchKursat)
Label20.Caption = Str(UrtaArifb)
Line2:
    If (korkoef = 1) Or (korkoefxato = 0) Then
        MsgBox "Берилгандар кирилмаган ёки корреляция коэффициенти 0 га тенг!", vbCritical,
        "Хато хакида хабар"
    End If
End Sub

```



**Таянч**

### **иборалар.**

Корреляция, бонитировка, фосфор, калий, азот, гумус, регрессия, функция, шұртоблик, қуруқ қолдик, арифметик қиймат, ўртача квадратик четланиш, вариация коэффициенти, ўрта арифметик қиймат, корреляция коэффициенти.

### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Тупроқ хусусиятлари билан ҳосил ўртасидаги корреляцион боғланишиш?
2. Ҳаракатчан фосфор, калий ва азот мікдори билан ҳосил ўртасидаги корреляцион боғланишни изохланг?
3. Ўзаро корреляцион боғланишларни функционал боғланишлар тариқасида ифодаланг?
4. Бонитировкалаш мақсадида құлланиладиган маолумотларни ўрта арифметик қиймати қандай топилади?
5. Ўртача квадратик четланиш формуласини ёзинг ва түшинтиргинг?
6. Вариация коэффициенти қандай топилади?
7. Аниқлик катталиги ва ишонч даражаси?
8. Маолумотларни математик усулда қайта ишлаш натижалари жадвалини түшинтиргинг ва тасвирланг?
9. Корреляция коэффициенти ва унинг хатолигини ҳисоблаш формуласини ёзинг?
10. Маолумотларни ЭХМ-да қайта ишлаш түғрисидаги мурохазалар?

## VII БОБ. ТУПРОҚЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ.

Тупроқ Ерни энг устки қатламидаги табиий манба, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи негиз, шу боис уни, яони тупроқни иқтисодий баҳолаш мураккаб иш ҳисобланади. Ерни иқтисодий баҳолаш бир тупроқнинг иккинчи хилдаги тупроқдан қимматроқ ёки арzonроқ эканлиги демакдир.

Кўп ҳолларда баҳо мезони тариқасида дифференциал рента, меоёрий соф даромад, ялпи маҳсулот, бир гектар янги ерни ўзлаштириш учун сарф қилинган капитал миқдори ва бошқалар тавсия этилади. Ерни баҳолаш учун булардан бошқа йўллар ҳам мавжуд. Масалан; олинган маҳсулотни таннархи, ерни ўзлаштириш учун сарфланган харажатни қопланиши ва бошқалар.

Бу мезонлар асосида олинган маолумотларга эотибор берсак ерга берилган баҳо танланган услугга қараб ўзаро кескин фарқ қиласди. Сабаб ялпи маҳсулот, таннарх, дифференциал даромад ва бошқа шуларга ўхшаган ўлчов мезонлари жуда кучсиз, яони паст даражада тупроқни унумдорлик даражасини эотиборга олади, харажатни қоплаш эса уни, яони унумдорликни умуман эотиборга олмайди.

Тупроқни ёки ерни қиймати уни ишлаб чиқариш қобилияти билан ўлчанади. Шу боис тупроқ унумдорлигини назарда тутмайдиган ҳар кандай баҳолаш усули ҳам қониқарсиз ҳисобланади. Н.Н.Кармонов тупроқ экологик индекси (ТЭИ) орқали унумдорликни баҳолаш усулини таклиф қилди. Бу усулда тупроқни баҳолаш қўйидагича тартибда ҳисобланади.

$$H = T\mathcal{E}I \cdot K_T \cdot K_M \cdot 70$$

H - бир га ер нархи;

TЭИ – тупроқ-экологик индекси;

K<sub>T</sub> - худудни тавсифловчи коэффициент;

K<sub>M</sub> - жойлашган ўрни коэффициенти.

Бу формулага кўра Винница вилоятидаги 1 га оғир механик таркибли қора тупроқ қўйидагича баҳоланади.

$$H = 90 \cdot 1.15 \cdot 3.0 \cdot 70 = 21735 \text{ руб (1990 йилги пул ҳолатига)}$$

Формуладаги 90; 1.15; 3.0 лар маҳсус жадваллардан олинади. Тошкент вилоятидаги суғориладиган типик бўз тупроқлар нархи:

$H = 132 \cdot 1.27 \cdot 4.4 \cdot 70 = 51633$  рубни ташкил қиласди, бу ҳисоб- китобларда тупроқ эмас ер баҳоланганинни кўриш қийин эмас, чунки жойлашган ўрни, майдон хусусияти каби катталиклар ер категориялари таркибидан жой олади. Демак тупроқ баҳоси билан ер баҳосини ажратиб олиш керак.

Уй-жой, турли катталиқдаги корхоналар, савдо ва бошқа идоралар, йўл, темир йўл ва бошқа ҳолларда албатта ер тариқасида баҳоланиши керак. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ерлар тупроқ тариқасида баҳоланмоғи даркор. Шуни эотиборга олган холда В.Н.Ли суғориладиган тупроқларни баҳолаш учун қўйидаги формулани таклиф қиласди.

$$H = (X:100) \cdot M_H \cdot N_X;$$

H - бир гектар суғориладиган тупроқ нархи;

X - қишлоқ хўжалиги экин турини ўртача максимал ҳосил миқдори, ц/га;

100 - суғориладиган тупроқнинг максимал балл бонитети;

M<sub>H</sub> - қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 1 тоннаси учун минтақавий ҳарид нархи;

N<sub>X</sub> - бир гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун сарфланадиган меоёрий харажатлар суммаси.

Пахтачилик минтақаларида бир гектар тупроқ нархи:

$$H = B_n(40:100) \cdot 800-1000 \text{ ни ташкил қиласди.}$$

Б<sub>п</sub> - пахта учун шу тупроқнинг балл бонитети.

Шундай қилиб пахтачилик минтақасидаги 1 га тупроқ нархи шу услубга кўра соф даромад қийматига тўғри келади. Бу соф даромад бир гектар майдондан терилган ва сотилган пахта миқдори билан ўлчанади.

Соф даромаднинг катталигини тупроқ унумдорлигига боғлиқлиги формуладан кўриниб турибди, бошқача қилиб таҳлил қиласидаги бўлсак, бир гектар майдондан пахтачиликда олинадиган соф даромад шу ердаги тупроқни балл бонитетига боғлиқ. Бу нарх шу ҳолатдига тупроқ қийматини кўрсатади ва ҳар хил ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган тупроқларни солиштириш учун имконият яратади.

Мисол учун Ёзёвон тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги ерларини юқоридаги формула асосида баҳоласак қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин.

35-жадвал.

#### **Бир гектар сугориладиган тупроқни нархи.**

Тупроқ айирмаси рақами	Бонитет балли	Бонитет баллига мос хосил, ц/га.	Бир га майдондаги тупроқ нархи млн. сўм.
1.	52	20,8	0,96
2.	62	24,8	1,17
3.	64	25,6	1,21
4.	67	26,6	1,27
5.	71	28,4	1,36
6.	73	29,2	1,40
7.	75	30,0	1,44
8.	77	30,8	1,48
9.	78	31,2	1,50
10.	80	32,0	1,55

Келтирилган маолумотлар нисбий бўлиб, хосилдорлик ўзгариши билан ўзгариб туради.

Ерни нархи билан тупроқ нархи бир хилдаги нарса эмас, бу тўғрида бироз тўхталган эдик. Шу боис В.Н.Ли (1990) ерни баҳолашни қуйидагича таклиф этади.

$$N_{EP} = H_t \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3$$

N<sub>EP</sub> - ер нархи;

H<sub>t</sub> - тупроқ нархи;

K<sub>1</sub>,K<sub>2</sub>,K<sub>3</sub> - агроэкологик шароитлар коэффициентлари (жадвалдан олинади).

Қишлоқ хўжалик ерларининг аниқ нархи йўқлиги туфайли бу ерларни бошқа мақсадлар учун ажратишда иқтисодий томонларини асослашда турли қийинчиликларга дуч келинади. Мисол учун қурилиш мақсадида хосилдор ер ажратилиши керак бўлса, бу майдонни тупроқ, ер нархи қанча эканлиги, яни қурилиш корхонасидан неча сўм ер эгасига берилиши хануз мураккаблигича қолмоқда.

Маолумки Ўзбекистон Республикасида Давлат Ер кадастрини олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 1999 йил 28 авгувтда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонун тасдиқланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳатларнинг юқори босқичига ўтилаётган бир вақтда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ерга доир ҳуқуқий муносабатлар, ер майдонининг ҳолатини баҳолаш, ундан фойдаланганлиги учун олинадиган ер солиғи, ижара ҳақини белгилаш, пай муносабатларини одилона ҳал қилиш кўп жиҳатдан кадастр хужжатларига, ер нархига боғлиқ бўлади.

"Ер тўғрисида"ги ва "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунларни бузган, жумладан тупроққа зарар келтирадиган, яни уни заҳарлаган, ўнга нисбатан хўжасизлик қилган ҳар қандай шахс моддий ва маонавий, ҳатто жисмоний жавобгарликка тортилади. Бу борада

моддий жавобгарлик суммасини аниқлаш қатор тортишувларга олиб келади, сабаб ягона нарх белгилаш қоидалари мукаммал ишланмаган.

Юқорида келтирилган В.Н.Ли ишларига асосан нисбий аниқликда бўлсада ерга нарх белгилаш мумкин. Лекин бунинг учун жадвал маолумотлари бўлиши билан бирга тупроқ нархи аниқ ва равshan бўлиши керак.

36-жадвал.

#### **Агроэкологик шароитга кўра коэффициентлар.**

Ер юзининг қиялиги		Қия текислик экспозицияси		Агроклиматик потенциал	
градус	K <sub>1</sub>	Экспозиция	K <sub>2</sub>	Σx>10°C	K <sub>3</sub>
<0,5	1,3	Жанубий	1,2	Ю2500	1.3
0.6-1.5	1.15	Шарқий	1.1	2400-2500	1.15
1.6-3.0	1.0	Фарбий	1.0	2300-2400	1.0
3.1-5.0	0.9	Шимолий	0.9	2200-2300	0.9
>0.50.	0.8	-	-	<2200	0.8

Йилдан йилга аҳолини ўсиши ҳисобига сугориладиган ерларнинг киши бошига тўғри келадиган миқдори камаймоқда. Қурилиш, саноат, яшаш жойи учун ва бошқа турли мақсадларга ер ажратилмоқда. Албатта ажратиладиган ер учун хўжалик ва бошқа ер эгаси ҳақ олиши керак. Буни аниқлаш учун ҳам В.Н.Ли томонидан мукаммал бўлмасада қўйидаги формула тавсия этилади.

Ерга тўланадиган компенсацияловчи нархи (H<sub>k</sub>) қўйидагича тасвирланади.

$$H_k = H_{EP} + H_{EPY} + H_{EPO} + H_{DB} + H_{KAP}$$

H<sub>EP</sub> - ер нархи;

H<sub>EPY</sub> - ер устки қурилмалари нархи;

H<sub>EPO</sub> - ер ости қурилмалари, коммунациялари нархи;

H<sub>DB</sub> - майдондаги дараҳтлар ва буталар нархи;

H<sub>KAP</sub> - бир гектар ерни ўзлаштириш учун сарфланган капитал маблағ.

Бу формулага кўра ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун негиз (базис) тариқасида қаралади.

Полиз экинлари, қовун, тарвуз экиш мақсадлари учун ажратиладиган ерларнинг нархини аниқлашда қийинчиликлар сони ортади, бунга сабаб экиладиган экин тури, яни асосий майдонни эгаллайдиган экин тури негизида нарх белгиланади. Бундай қийинчиликлар боғдорчиликда ҳам пайдо бўлади. Боғдорчиликда қия текислик экспозицияси, самарали харажатлар индивидуал танланиши керак бўлади.

Ерни иқтисодий баҳолаш йўллари кўп бўлиб, бу борада тупроқшунослик ва агрокимё иммий тадқиқот институти ходимлари томонидан ишланган усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу усулни тўла ва мукаммал деб бўлмасада, ҳозирги кунда нисбий баҳолаш мақсадларида қўлласа бўлади.

#### **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШНИ ВАҚТИНЧАЛИК УСУЛИ.**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни меоёрий нархини аниқлашнинг маскур усули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майидаги 120-сонли "1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳатларнинг чукурлаштириш дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бу усулга кўра ерни меоёрий баҳолаш мезони тариқасида тупроқ бонитировкаси, асосий қишлоқ хўжалиги экинларини ҳисоблаб чиқилган меоёрий ҳосилдорлиги, ялпи маҳсулот ва соғ фойда кўрсаткичлари асос бўлади. Бунда қўйидаги атамалар ва тушунчалар алоҳида аҳамият касб этади.

Шартли кадастрли гектар-балл бонитети, 20 балли, паст сифатли ерни маҳсулдорлиги меоёрий бўлиб, ғўза ҳосили бўйича гектарига 8 центнерни ташкил қиласи.

Ялпи маҳсулот майдон бирлигидан олинган дехқончилик маҳсулотларининг жами.

Кадастрли ҳисобланган ҳосилдорлик 100 балл бонитет балли шкаласига асосан 1-балл баҳога тўғри келадиган ҳосил миқдоридан келиб чиқсан ц/га да ифодаланган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳисобланган ҳосилдорлиги.

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕОЁРИЙ БАҲОСИ.

Суғориладиган ерларнинг меоёрий баҳоси негизида тупроқни ҳосил билан корреляцияланувчи ҳоссалари, соф фойда қийматини кўрсатувчи шу ернинг солиштирма баҳоси етади. Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг балл бонитетлари асосида кадастрли ҳасобланган ҳосилдорлиги хилма-хил бўлади, яони экин тури тупроқнинг балл бонитетига боғлиқ бўлади.

36-жадвал.

**Тупроқнинг балл бонитетлари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларини кадастрли ҳисобланган ҳосилдорлиги, ц/га. (1994.10.01.)**

Балл бонитет- лари	ц/га					
	Пахта	Дон	Беда	Дон учун макка	Бир йиллик ўтлар	Илдиз мевалилар
10	4	6	20	7,5	30	90
20	8	12	40	15,0	60	180
30	12	18	60	22,5	90	270
40	16	24	80	30,0	120	360
50	20	30	100	37,5	150	450
60	24	36	120	45,0	180	540
70	28	42	140	52,5	210	630
80	32	48	160	60,0	240	720
90	36	54	180	67,5	270	810
100	40	60	200	75,5	300	900
Бир балл- нинг баҳоси	0,4	0,6	2,0	0,75	3,0	9,0

Бир гектар суғориладиган ердан олинадиган соф даромад қуйидагича ҳисобланади.

$$\Phi_{mc\delta} = \frac{C_{m\delta m} \cdot P_{x\delta m}}{100} \quad (1)$$

$\Phi_{mc\delta}$  - суғориладиган ердан олинадиган меоёрий соф даромад;

$C_{m\delta m}$  - суғориладиган ернинг меоёрий ялпи маҳсулот, сўм;

$P_{x\delta m}$  - ҳар хил сифатли ерлар фоизидан ҳосил бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган даромад меоёри.

Суғориладиган ерларнинг меоёрий соф даромади асосий экин тури бўйича ва асосий экинлар бўйича ҳисобланиши мумкин. Бунда бир гектар ердан етакчи экинлар бўйича аниқланган меоёрий ялпи маҳсулот, шу экинларнинг кадастри ҳисобланган хосилдорлигини ишлаб чиқиш ва уни сотиш баҳосига тенгdir.

Асосий экин турларини эса умумий экин майдонидан ҳар бир қишлоқ хўжалик экини бўйича баҳоларини ҳисоблаб чиқиш асосида қўйидагича ҳисобланади.

$$P_{x\partial m} = \frac{P_1 + P_2 + D + P_3 + O}{P + D + O} \quad (2)$$

Бу ерда:  $P_1$  - бир гектар ердаги пахта хомашёсининг қиймати;

$D$  - бир гектар ердаги дон маҳсулотининг қиймати;

$O$  - бир гектар ердаги озиқа экинининг қиймати;

$P_1, P_2, P_3$  - экинларнинг фоиз ҳисобидаги солиширма миқдори.

Экин турини солиширма салмоғи аниқ бўлса, у ҳолда ялпи маҳсулотни корректировкалаш (тузатиш) коэффициентларидан фойдаланиш мумкин.

37-жадвал.

#### Пахта бўйича ялпи маҳсулот қийматини корректировкалаш коэффициентлари.

Умумий экин майдонида пахтанинг солиширма салмоғи, %.	Корректировкалаш коэффициенти
K 30	0,526
K 40	0,594
K 50	0,661
K 60	0,729
K 70	0,797

Ҳар гектар ерни ўзининг табиий хусусиятларига, яони балл бонитетларининг миқдорига қараб даромад меоёрий ишланган бўлиб, у қўйидагича тасвирланади.

38-жадвал.

#### Ерларнинг ҳисобланган даромад меоёри.

Бонитет баллари	Даромад меоёри, %.	Балл бонитетлари	Даромад меоёри, %.
10	-	60	18
20	6	70	21
30	9	80	24
40	12	90	27
50	15	100	30

Суғориладиган ерни бир гектарининг меоёрий баҳоси қўйидагича ҳисобланади.

$$H_{m\phi} = \frac{\Phi_{m\phi} \cdot K_i}{B_{c\phi}} \cdot 100$$

$H_{m\phi}$  - суғориладиган бир гектар ернинг меоёрий баҳоси.

$\Phi_{m\phi}$  - бир гектар ердан олинадиган меоёрий соф фойда.

$B_{c\phi}$  - банк қўядиган суда фоизи;

$K_i$  - хўжалик юритишни интенсивлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Қишлоқ хўжалигини юритишнинг интенсивлик даражаси ( $K_i$ ) ўртача тариқасида қўйидагича қабул қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси учун -0,70, Андижон вилояти учун -1,2, Бухоро -1,0, Жizzax -0,8, Қашқадарё -0,8, Навоий -0,8, Наманган -1,1, Самарқанд -1,2, Сурхондарё -1,3,

Сирдарё -0,8, Тошкент -1,2, Фарғона -1,1, Хоразм -1,0, Ўзбекистон Республикаси учун ўртача 1,0.

Ерларнинг меоёрий қийматини аниқлаш жойининг, яни ернинг шаҳар марказлари, бозорлар, темир йўлларидан узоқ ва яқинлиги, транспорт воситалари учун қулайлиги ва бошқалар учун ҳам тузатиш коэффициентлари қўлланилади.

39-жадвал.

**Ер майдонини транспортга қулайлигини, шаҳар марказига нисбатан жойлашувини эотиборга олувчи коэффициентлар.**

Аҳоли яшаш жойидан узоқлиги, км.	Махсулотни топшириш жойидан узоқлиги, км.	Узоқланиш коэффициентлари.
< 2		1,50
2-4		1,47
4-6	<4	1,44
>6		1,40
ўртacha		1,46
< 2		1,38
2-4		1,35
4-6	4-8	1,32
>6		1,29
ўртacha		1,33
<8-12		1,26
2-4		1,23
4-6	8-12	1,21
>6		1,19
ўртacha		1,22
< 2		1,17
2-4		1,15
4-6	12-16	1,13
>6		1,11
ўртacha		1,14
< 2		1,09
2-4		1,07
4-6	16,20	1,05
>6		1,03
ўртacha		1,06
< 2		1,01
2-4		1,00
4-6	>20	1,00
>6		1,00
ўртacha		1,00

Аниқ маолумотлар етишмаса махсулот сотиладиган жойгача ва моддий техник таоминотлар марказигача оралиқларни эотиборга олиб, ўртачаси асос учун қабул қилинади.

Вилоят марказларига нисбатан хўжалик 10-20 км радиусда жойлашган бўлса, ушбу коэффициентлар 10-15 фоизга, Тошкент шаҳри атрофида эса 20-30 фоизга оширилиши мумкин.

**ЛАЛМИКОР ЕРЛАРНИНГ МЕОЁРИЙ БАҲОСИ.**

Амалда ёғин миқдори билан таоминланган, ярим таоминланган ва таоминланмаган лалмикор ерларга баҳо берилади.

Бу ерларда етакчи экин тариқасида бошоқли дон экинларни эотиборга олиб, меоёрий баҳо шу экинлар бўйича ҳисобланади. Ўртача кўп йиллик маолумотлар бўйича ҳосилдорлик, ёғингарчилик билан таоминланмаган баҳорикор ерларда 3,5 ц/га, ярим таоминланган ерларда 6,5 ц/га ва таоминланган ерларда 9,0 ц/га атрофида бўлади.

Бир гектар ердан олинадиган дон маҳсулотларининг умумий майдондаги солиштирма салмоғини ҳисобга олган ҳолда қуидагича коэффициентлардан фойдаланилади.

40-жадвал.

#### **Корректировкалаш коэффициентлари.**

Ёғин миқдор билан таоминланганлик даражаси	Умумий майдонда бошқа дон экинларининг салмоғи, %.	Ялпи маҳсулот қийматини корректировкалаш коэффициенти
Таоминланган	65	0,65
Ярим таоминланган	60	0,60
Таоминланмаган	55	0,55

Ҳар хил сифатдаги ерлар учун соғ даромад асосидаги ҳисобланган даромад меоёри қуидагича таклиф этилади:

А) ёғин миқдори билан таоминланмаган ерларда 10 % гача;

Б) ярим таоминланган ерларда 11-20 % гача;

В) таоминланган ерларда 20-30 % гача.

Сугориладиган ерлар учун меоёрий соғ даромад ( $\Phi_{мсд}$ ).

$$\Phi_{мсд} = \frac{C_{мвм} \cdot P_{хдм}}{100} \text{ асосида ҳисобланади.}$$

Лалмикор бир гектар ернинг меоёрий баҳоси эса

$$H_{мб} = \frac{\Phi_{мсф} \cdot K_i}{B_{сф}} \cdot 100$$

билин ҳисобланади, зарур бўлган ҳолларда ернинг жойлашган ўрнига қараб иловадаги узокланиш коэффициентидан фойдаланилади.

#### **ЯЙЛОВЛАРНИНГ МЕОЁРИЙ БАҲОСИ.**

Ўзбекистон яйловлари қуруқ хашакка нисбатан (ц/га) ҳосилдорлиги ва жойлашган ўрнига қараб уч гурухга (категорияга) бўлинади:

1. Ҳосилдорлиги 2 ц/га гача бўлган чўл минтақаларида яйловлар (I-категория).
2. Ҳосилдорлиги 2-5 ц/га гача бўлган адирларда жойлашган яйловлар (II-категория).
3. Ҳосилдорлиги 5 ц/га дан юқори тоғ (тай) минтақасида жойлашган яйловлар (III-категория).

Яйлов ерлари учун меоёрий баҳолар ҳисобланганда ана шу категорияларнинг аҳамияти катта.

1. Биринчи категорияли яйловларнинг бир гектарига белгиланадиган меоёрий баҳо сугориладиган ернинг вилоят бўйича минимал меоёрий баҳосига тенг миқдорда олинади.
2. Иккинчи категорияли яйловлар учун эса сугориладиган ерларнинг минимал қийматидан икки баробар камайтирилган ҳолатда олинади.
3. Учинчи категорияли яйловлар учун эса беш баробар камайтирилган ҳолатда олинади.

#### **КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИНИНГ МЕХЁРИЙ БАҲОСИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ.**

Республика миқёсидаги қишлоқ хўжалик ерларининг меоёрий баҳосига таосир этувчи қўшимча омиллар:

1) Худуднинг транспорт тармоқлари, мухандислик коммуникациялари, бозорга бўлган қулайлик ҳолати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари билан таоминланганлиги ва бошқалар.

2) Нисбатан яқин аҳоли яшаш жойларининг ижтимоий соҳада ривожланганлик даражаси.

3) Қишлоқ аҳолисининг зичлиги.

4) Атроф ҳолати, санитария-гигиена шароити.

5) Қишлоқ аҳолисининг даромад ва иш билан бандлик кўрсаткичи.

6) Мавжуд ерларнинг сув билан таоминланганлик даражаси.

Меоёрий баҳога у ёки бу даражада таосир этувчи омилларни эотиборга олиб, ерни ҳисоблаб чиқилган меоёрий баҳосини ҳисоблашда ҳажмининг 25 % миқдорида кўпайтирувчи ёки камайтирувчи коэффициентлар қўлланиши мумкин.

Ернинг меоёрий баҳосига таосир этувчи қишлоқ хўжалик экин турининг нархи амалдаги қонун бўйича қабул қилинади.

Ерни меоёрий баҳолашда дастлабки маолумот бўлиб "Ўздаверлойиха" институти ва филиаллари томонидан бажарилган тупроқ бонитаровкаси, ер кадастри хужжатлари, тупроқ хариталари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати, майдони, ҳосилдорлиги каби умумий ва статистик маолумотлар хизмат қиласди.

Ҳисоб-китоб ишлари "Ўздаверлойиха" институти ва унинг филиаллари, жойлардаги ер тузиш хизмати ходимлари томонидан бажарилади.

Ер майдонининг меоёрий баҳоси ва бошқа ишлар ер эгаси маблағи ҳисобига ҳам бажарилади, маҳсус маолумотнома тариқасида расмийлаштирилади.

Мисол тариқасида қўйидагича ҳисоблаш мумкин:

Берилган маолумотлар: Ернинг бонитет балли - 50 балл;

Пахтачилик билан банд ерлар фоизи - 50 %;

Қабул қилинган шартли банк ссудаси - 5 %;

Ернинг жойланиши ва маҳаллий шароити эотиборга олинмаган.

Суғориладиган ердан олинадиган меоёрий соф даромад ( $\Phi_{мсд}$ ) учун қўйидаги кўрсаткични ташкил қиласди:

$$\begin{aligned}\Phi_{мсд} &= \frac{C_{мям} \cdot P_{ходм}}{100} = \frac{\text{жадв.1} \cdot \text{жадв.2} \cdot \text{жадв.3}}{100} = \\ &= \frac{(20 \cdot 2100 \text{сүм}) \cdot 0,661 \cdot 15}{100} = \frac{416430}{100} = 4164,3\end{aligned}$$

Бу ерда 2100 сўм бир центнер пахта нархи.

Суғориладиган ернинг меоёрий баҳоси:

$$H_{мб} = \frac{\Phi_{мсф} \cdot K_i}{B_{сф}} \cdot 100 = \frac{4164,3 \cdot 1,1 \cdot 100}{5} = \frac{4580,4 \cdot 100}{5} = 91608 \text{с.}$$

Демак, бир гектар суғориладиган ердан келадиган меоёрий соф даромад 4164,3 сўм бўлса, бундай ерни датлабки меоёрий баҳоси 91608 сўмни ташкил қиласди.

### Таянч иборалар.

ТЭИ, соф даромад, бонитет балл, агроэкологик шароитлар коэффициенти, меоёрий баҳоси, экспозиция, корректировкалаш коэффициенти, лалмикор, баҳорикор, эрозия, яйловларнинг меоёрий баҳоси, тоифа, сифат.

### Такрорлаш учун саволлар.

1. Ер билан тупроқни баҳолашнинг асосий фарқлари нимада?
2. Суғориладиган тупроқларни баҳолаш учун ишланган формулани ёзинг?
3. Ерга тўланадиган компенсацияловчи нарх?
4. Қишлоқ хўжалиги ерларни баҳолашнинг вақтинчалик усули?
5. Агроэкологик шароитга кўра коэффициентлар?
6. Суғориладиган ерларнинг меоёрий баҳоси?
7. Пахта бўйича ялпи маҳсулот қийматини корректиrovкалаш коэффициентлари?
8. Лалмикор ерларнинг меоёрий баҳоси?
9. Яйлов ерларнинг меоёрий баҳоси?
10. Қишлоқ хўжалиги ерларнинг меоёрий баҳосини ҳисоблаш тартиби?

## **VIII БОБ: ТУПРОҚ ВА ЕР НАРХИ**

Тупроқни табиий хоссалари, яони физиковий, кимёвий, биологик ва бошқа хусусиятлари унинг унумдорлигини белгилайди. Тупроқнинг бу хусусиятлари осонгина бузилиши ва ҳатто қайта тикланмайдиган ҳолатга тушиши мумкин. Тупроқни унумдорлигини кескин пасайтириб юбориш бутунлай йўқотиш бу унча мураккаб иш эмас, аммо уни тиклаш жуда машақатли меҳнат, катта илм талаб қиласди.

Тупроққа бепарво қарашимизга асосий сабаблардан бири бу уни бебаҳо эканлигидир. Ана шу нарса қўп ҳолларда катта-катта майдонларга кескин зарба бериш сабаблари тариқасида кўринади, яони тупроқни структура қоплами, структураси бузилади.

Кейинги вақтларда катта-катта майдонларда тупроқ унумдорлиги турли сабабларга кўра пасаймоқда. Бу жараёнда гумуснинг деградацияси яққол кўринмоқда.

Мамлакат миқёсида тупроқларнинг унумдорлигини кескин пасаяётганлигини бонитировка натижаларини солиштиришдан ҳам билса бўлади. Кейинги 10 йилда Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 10 баллга камайган.

Шунга қарамасдан бу жараён, яони тупроқ унумдорлигини камайиши пул тариқасида ҳеч қаерда айтилмайди. Ҳозирги иқтисодий шароитда бу ҳолатни маоқуллаш жуда қийин.

Мамлакат тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш учун, янгича даврда, тупроқни, тупроқ қатламини сақлаш ва унумдорлигини оширишга қаратилган нархлар ишлаб чиқиши ва шу асосда ер майдончаларини баҳолаш вақти келди. Бунда энг аввало тупроқни унумдорлигига таянган асосий нархни аниқлаш зарур, кейинчалик ер майдончасининг ўрни ва айрим технологик хусусияти эотиборга олинган ҳолда уларнинг ҳам суммасини аниқлаш мумкин.

Ер ва тупроқ нархи шароитга қараб, яони у ёки бу майдондан фойдаланиш мақсадларига қараб кескин ўзгаради, айниқса ер ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилаётган бўлса, бу майдоннинг нархи қишлоқ хўжалик мақсади учун ажратилган ерга кўра кескин фарқ қилиши керак.

Бу нарх асосий тупроқ нархига ҳар хил коэффициентларни кўпайтиришдан ва қолаверса ўзаро келишувга асосан қўйилиши мумкин.

Тупроқ ва Ер майдончасига кўйилган нархлар қуйидаги мақсадларни кўзда тутмоғи зарур:

- 1) тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш;
- 2) унумдор тупроқли ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишни максимал миқдорда чеклаш;
- 3) қайта тиклаш ишларини, яони нобоб ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш ва хоказолар.

## ТУПРОҚ НАРХИНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ.

Тупроқ нархи ҳар хил омилларга боғлиқ равища аниқланиши мумкин. Биринчи навбатда потенциал ва самарали унумдорлигига таянган ҳолда аниқланиши керак.

Бу кўрсаткичларни нисбий баҳолаш йўллари кўп бўлиб, улардан бири тупроқларни бонитировкалаш ва шу асосда бонитировка жадвалини тузиш бўлиб, бу иш амалга оширилмоқда.

Потенциал унумдорлик етарли даражада тупроқ экологик индексини (ТЭИ) ҳисоблаш орқали ҳам аниқланади. Бу усулга кўра аник бир экологик шароитда шаклланган тупроққа тегишли тупроқ экологик индекс ҳисобланади ва бу индекс шу тупроқнинг унумдорлик даражасига пропорционал саналади.

Тупроқ нархини белгиловчи тупроқ экологик индекси катталиги нарх аниқловчи биринчи таркибий қисм саналади. Иккинчи таркибий қисм бу тариф категорияси ҳисобланади.

Тариф категорияларини киритишни сабаби тупроқ экологик индексининг бирлигига тўғри келувчи ўртacha даромад микдори ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Бу катталик ўсимлик тури ва унинг ҳосилдорлиги, ҳосил таркиби, тури ва бошқаларга ҳамда хўжаликнинг меҳнатни ташкиллаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлардан нисбатан қиммати бу кўп йиллик дараҳтзорлар ҳисобланади, сабаб бу ерлар нисбатан кўпроқ даромад беради. Албатта нисбатан қиммат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ерлар қимматроқ баҳоланади.

Сугориладиган ерлар ҳам сугорилмайдиган майдонларга нисбатан қимматроқ туради. Сабаб сугориладиган ерлар нисбатан кўпроқ, кафалатли даромад беради.

Тупроқ экологик индекси орқали ҳисобланган бонитет балли 1 га teng бўлган ерлар учун 1989 йил И.И.Карманов тариф категорияларини ишлаб чиқкан. Ундан айрим мисолларни қўйида жадвал тарифасида келтирамиз.

41-жадвал.

### Тупроқ нархини ҳисоблаш учун тариф категориялари.

Тупроқни тариф категорияси	Шу категорияга кирувчи тупроқлар	Бир балл бонитетга тугри келадиган тариф, руб/га.
1	Тоғли Кримнинг кўп йиллик дараҳтзорларининг нимхўл ва нам тупроқлари	600
2	Чўл ва чалачўл минтақаларининг сугориладиган тупроқлари	380
3	Марказий Осиёдаги дарё соҳилларида жойлашган сугориладиган ерлар	330
4	Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва бошқа давлатлар ҳамда Россиянинг жану-бий худудларидаги сугориладиган ерлар	280

Тупроқ нархи анашу тариф категориясида берилган бир балл бонитетига тўғри келадиган рақамни тупроқни экологик индекси орқали ҳисобланган балл бонитетига кўпайтириш асосида ҳисобланади.

Масалан; Чалачўл минтақасидаги сугориладиган бўз тупроқлар 3 тариф категориясидан жой олган бўлиб, бир балл учун тарифи 380 руб/га ни ташкил қиласи.

Демак тупроқ нархини ҳисоблаш учун тупроқ экологик индекси аниқланади. Агар тупроқ экологик индекси 80 га teng десак, у ҳолда бу худудда тупроқ нархи  $80 \times 380$  руб/га = 30400 руб/га ни ташкил қиласи.

Кўриниб турибдики, бу тариф категориялари ҳали тўлиқ ва якуний эмас, таҳлилга, изланишга, аниқлашга муҳтож. Сабаб Ўзбекистонда қўриқ ерлар, яйловзорлар, лалмикор ерлар, янги ўзлаштирилган, янгидан сугориладиган, эскидан сугориладиган ва бошқа ерлар учун алоҳида ҳозирги нархни эотиборга олувчи тариф категориясини гектарига сўмларда ишлаб чиқиш зарурияти кун тартибидаги масалалар қаторидан жой олмоқда. Қолаверса, И.И.Карманов услубиятида Ўзбекистон шароитидаги тупроқ унумдорлигини чекловчи омиллар учун махсус коэффициентлар ҳам ишланмаган.

И.И.Карманов тариф категориялари унумдорлиги чекланмаган, яни шўрланмаган, эрозияланмаган, глейлашмаган, гипслашмаган ва бошқа тупроқлар учун маоқул ва қўлланилади.

Унумдорлиги чекланган, яни шўр, гипсли ва бошқа тупроқлар учун эса бир балли тарифга махсус тузатувчи коэффициентлар киритилади. Бундай тупроқларда ҳосил етиштириш учун сарф ҳаражатлар кўпаяди, сабаб уларнинг унумдорликлари чекланган, шу боис бундай ерларда ўртacha йиллик даромад камаяди. Демак бундай тупроқларни нархи пастроқ бўлиши керак ва у шундай ҳам.

Унумдорлиги чекланган тупроқларни нархини ҳисоблашда қўлланиладиган тузатиш коэффициенти қуйидагича аниқланади. Чекланган омилга эга бўлган тупроқни тупроқ экологик индекси олиниб шунга ўхшаган, яни шу типдаги унумдорлиги чекланмаган бошқа айирмани индексига тақсимланади.

Масалан; сугориладиган кучсиз эрозияланган типик бўз тупроқни ТЭИ 50 бўлса, ювилмаган типик бўз тупроқни ТЭИ 58 га teng бўлса, у ҳолда тузатиш коэффициенти

$$T_k = 50:58 = 0.86.$$

Олинган натижага, яни 0,86 га бир қўшилади ва ўртacha коэффициент қуйидагича ҳисобланади:

$$T_k = (0,86+1):2 = 0.93.$$

Бу 0,93 коэффициент энди тариф категориясига тузатма тариқасида ишлатилади.

Мисол учун ювилмаган, яни эрозияланмаган сугориладиган типик бўз тупроқ 3 чи категорияга киради, (бир балл учун тариф 380 руб/га) бу ҳолатда унинг нархи  $58 \times 380 = 22040$  руб/га.

Кучсиз ювилган типик бўз тупроқни ҳам шу категорияда деб ҳисобласак, у ҳолда унинг нархи  $50 \times 380 = 19000$  руб/га га teng бўлади. Бу гурӯҳ тупроқлари учун тузатма киритилишини эотиборга олсан, унинг тузатма коэффициенти 0,93, демак тупроқ нархи  $0,93 \times 380 = 353,4$  руб/га.

Унумдорликни чекловчи омиллар қанча кўп бўлса, тузатма коэффициентни таосири ҳам шунча кучли бўлади. Тупроқларни хусусиятлари аниқ бўлса, қуйидаги тайёр коэффициентлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кучсиз шўрланган бўз тупроқлар - 0,85;

ўртacha даражада шўрланган - 0,72;

кучли даражада шўрланган - 0,48.

Кучсиз даражада ювилган бўз тупроқлар - 0,88;

ўртacha даражада ювилган - 0,69;

кучли ювилган - 0,48.

Қумоқ механик таркибли - 0,75.

Қумли механик таркибли - 0,43.

Тошлилик даражаси ўртacha - 0,79.

Тошлилик даражаси кучли - 0,66.

Шундай қилиб алоҳида таокидлаш керакки, тупроқ хоссаларини ижобий ва салбий томонларга ўзгаришини нархда, пул билан ифодалаш ишлари жуда-жуда кучсиз ишланган бўлиб, ҳали бу борадаги ўзини ечимини кутаётган масалалар жуда кўп.

Шуни ҳам унумаслик керакки, Ер, тупроқ нархи ҳам динамикада, кишилик жамиятининг турмуш даражаси, қишлоқ хўжалик экинларини нархи, техника ва технология нархига боғлиқ равишда ўзгаради. Демак тупроққа, ерга қўйиладиган нарх ҳар бир алоҳида шароитда ўша вақт учун ҳисобланиши керак. Шу боис битта аниқ доимий формула ёки қонун-қоида ёзилиши қийин ва мураккаб илмий иш ҳисобланади.

## ЕР СОЛИФИ ВА НАРХИ.

Тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий хоссалари, табиий географик шароити, ўрнашган жойи, экологик ҳолати биргаликда унинг нархини белгилаши мумкин. Унинг қийматидан келиб чиқиб, унга солиқ белгилаш ҳам йўлга қуилади.

Тупроқни хоссаларини нисбатан осонгина ёмон томонга қаратиб бузиш мумкин, лекин уни тузатиш, яхшилаш эса жуда мураккаб ва машаққатли меҳнат талаб қиласди.

Кўпчилик ҳолларда тупроққа бўлган муносабатимиз ёмон, ёхуд бепарво, бу эса охир оқибатда тузатиб бўлмас натижаларга олиб келади. Бундай бўлишига сабаб тупроқларимиз, ерларимиз бепул, қолаверса эгасиз.

Мамлакат миқёсида оладиган бўлсак йилига унудорликни йўқолган қисмини ҳисобласак катта-катта рақамларни ташкил қилди. Биз бу йўқотишни пулга айлантирадиган бўлсак, милиардлаб сўмни ташкил қиласди. Лекин бу йўқотишлар пул тариқасида ҳеч ҳам ҳисоблангани йўқ. Ҳатто алмашлаб экиш майдонида биригада учун, хўжалик учун ҳам ҳисобланмайди.

Ердан, тупроқдан яна ҳам самаралирок фойдаланиш учун янгича шароитда, янгича хўжалик юритишида, тупроқларни деградацияланишдан ҳимоя қилишда уларга, яни тупроққа ва Ерга нарх қўйиш мақсадга мувофиқ. Албатта бизнинг мамлакатимизда Ер давлат мулки эканлигини ҳам унумаслигимиз керак.

Ерга ва тупроққа қўйилган нарх-наволар бир хилда бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Нарх энг аввало тупроқ унумдорлиги ва ер майдонининг технологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ишланган бўлиши керак. Но қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратиладиган ерларнинг нархи мақсадга қараб, жойлашган жойига боғлиқ равишда хилма-хил бўлиши табиий ҳолдир.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки ишни бироз соддалаштириш учун, тупроққа ва Ерга алоҳида-алоҳида асосий нарх белгиланиши керак. Бу нархга турли коэффициентларни кўпайтириш асосида кейинги, яни аниқ бир майдон тупроғи ёки ери учун нарх ишланади. Бу масалалар мураккаб бўлиб, қатор ўринларда ўз ечимини кутмоқда.

Айни бир вақтда тупроққа нарх белгилаш, ерга нарх қўйиш қуидаги асосий мақсадларни кўзда тутади.

1. Энг аввало тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилмоғи даркор, яни шуни кўзда тутади.

2. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишни камайтиришга, имкони бўлса, тўхтатишга хизмат қилиши керак.

3. Қишлоқ хўжалиги учун нобоп ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, рекултивация ишларини кучайтиришга хизмат қилиши керак.

Ерга, тупроққа қўйиладиган нархни бир хилга келтириш мумкин ҳам эмас, мантиқдан ҳам узок. Шу боис Ерга, тупроққа қўйиладиган нарх минтақа, вилоят, туман, хўжалик тупроқ айирмасигача бориши керак. Демак алоҳида-алоҳида ишланмоғи даркор.

Масалан; бўз тупроқлар учун нарх ишланганда энг аввало бу тупроқларни суғориладиган ва суғорилмайдиган, нам билан таоминланган ва таоминланмаган ҳамда типчаларга бўлиниши эотиборга олинади ва асосий нарх ишланади. Кейинчалик

шўрланганлиги, эрозияланганлиги, механик таркиби ва бошқаларни эотиборга олувчи маҳсус пасайтирувчи коэффициентлар ишланиб асосий нархга кўпайтириш асосида охирги нарх чиқарилади.

Буни қўйидагича тасвирилаш мумкин, айтайлик эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ягона нархи 100 минг сўм. Бу тупроқ кучсиз шўрланган (пасайтирувчи коэффициент 0,85), кучсиз ювилган (0,88), ўртача тошли (0,79) бўлса, у ҳолда бу еримизнинг нархи (N)  $N = 100 * 0,85 * 0,88 * 0,79 = 59$  минг 92 сўмни ташкил қиласди.

Бу ўринда энг мураккаб иш дастлабки ставка нархини белгилаш ва коэффициентларни аниқлаш хисобланади. Бу каби ишлар республика тупроклари учун илмий асосланган тарзда ҳалигача ишланмаган ўз ечимларини кутмоқда.

Мамлакат бозор муносабатларига ўта бошлагач 1990 йилда "Ер тўғрисида"ги қонун қабул қилинди, унга асосан ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пулли бўлиши белгиланди.

1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан "Ер солиғи тўғрисида"ги маҳсус қонун қабул қилинди, унда солиқ солишнинг обоектлари ва субоектлари, имтиёзлар, солиқ тўлаш тартиби ва ҳоказолар батафсил белгилаб берилди.

Ер солиғининг жорий этилиши билан мамлакатда ер муносабатларини тартибга солишнинг чинакам иқтисодий воситалари пайдо бўлди.

Ердан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларни иқтисодий усуллар ёрдамида асраш хозирги даврда ердан пулли фойдаланишни жорий этишнинг асосий мақсади хисобланади.

Жаҳон бўйича ер солиғи ставкалари ўртача ер қийматининг 5 % ни ташкил қиласди. Бизнинг мамлакатимизда табиий географик, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичларни хисобга олиб бу рақам 3 % деб қабул қилинган.

Ер учун тўланадиган солиқ миқдори бизнинг мамлакатимизда ерларни сифати, табиий иқлим минтақалари бўйича табақалаштириш мақсадида суғориладиган ерлар учун солиқ ставкалари маомурий туманлар бўйича, уларнинг тупроқларини балл бонитетиларига таянган ҳолда 10 даражага бўлиб белгиланган.

Бонитет балларини аниқлашда юқорида танишганимиздек тупроқларнинг генетикавий келиб чиқиши, суғоришнинг давомийлилиги, агроклиматий ресурслар ва бошқа тупроқнинг қатор хосса ва хусусиятлари эотиборга олинади ва 100 балли тизимда аниқланади.

Суғориладиган ерларда жойлашган жамоатчилик қишлоқ хўжалиги ерлари учун тўланадиган ер солиғи ставкалари қўйидагича қабул қилинган.

Мисол тариқасида Фаргона вилоятининг айрим туман ва шаҳарлари учун ер солиғи ставкалари (42) жадвалда кўрсатилган. Бу ставкаларни ишлаб чиқиш жараёнида тупроқнинг балл бонитети, категорияси эотиборга олинган.

42-жадвал.

**Суғориладиган жамоатчилик қишлоқ хўжалиги ерлари  
учун олинадиган ер солиғи ставкалари  
(Фаргона вилояти айрим туманлари ва шаҳарлари).**

Туманлар, шаҳарлар	Бир га ер учун тоифалар бўйича ер солиғи ставкалари, сўмларда										Баҳо- ланма- ган ерлар
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	
0-10 балл	11- 20 балл	21- 30 балл	31- 40 балл	41- 50 балл	51- 60 балл	61-70 балл	71- 80 балл	81- 90 балл	91-100 балл		
Олтиарик	496,6	138, 3	106,9	1617,8	2299,0	337,6	4426,0	5745,9	7066,8	8612,4	2299,0
Охунбобоев	471,1	705,	1058,9	1547,5	2199,6		4233,9	5496,6	6758,8	8236,8	2199,6

		9				3192, 9					
Бағдод	487,5	730, 5	1095,1	1600,3	2274,5	3302, 1	4377,3	5684,8	6988,8	8518,0	2274,5
Бешариқ	540,1	810, 5	1214,9	1775,8	2523,8	3665, 3	4859,9	6309,5	7757,1	9455,1	2523,8
Бувайда	514,0	770, 3	1155,6	1688,0	2399,8	3483, 5	4619,5	5997,0	7373,4	8985,6	2399,8
Дангара	530,4	794, 3	1191,5	1740,6	2474,5	3591, 5	4763,1	6183,0	7605,0	9266,4	2474,5
Кува	626,0	939, 1	1407,9	2057,3	2923,8	4245,1	5618,5	7307,9	8988,0	10952,4	2923,8
Кувасой ш.	567,5	850, 3	1275,3	1863,5	2648,9	3845, 4	5100,0	6621,8	8141,8	9922,8	2684,9
Фарғона ш.	599,9	899, 0	1347,5	1968,8	2298,8	4063,8	5388,3	6995,4	8603,4	10484,8	2798,8

Лалмикор ерлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатзорлар учун олинадиган ер солиғи ставкаларини ишлаб чиқиша қоидага мувофиқ равишда ёғингарчилик билан таоминланганлик даражаси 3 тоифага бўлиб эотиборга олинган ва вилоятлар бўйича қуида (43) жадвалда келтирилган. Бунда тоғ ва тоғолди, адир ва текислик каби тоифаларга ажратиб ер солиғи ставкалари белгиланган.

43-жадвал.

#### **Лалмикор экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатзорлар учун олинадиган ер солиғи ставкалари.**

Вилоятлар	Минтақалар бўйича 1 га ер учун ер солиғи ставкалари (сўмларда)		
	Текислик (ёғингарчилик билан таоминланмаган)	Адир (ёғингарчилик билан ярим таоминланган)	Тоғолди ва тоғ (ёғингарчилик билан таоминланган)
Андижон	70,3	74,1	112,4
Жиззах	66,3	69,8	113,1
Навоий	66,3	69,8	113,1
Наманган	73,4	83,9	104,5
Қашқадарё	73,4	83,9	104,5
Самарқанд	66,3	94,3	119,0
Сурхандарё	59,0	83,9	104,5
Сирдарё	66,3	87,8	112,4
Тошкент	70,3	116,3	139,6

Қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмаётган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи ставкаларида сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар билан банд, жамоатчилик қурилмалари ва ховлилар, қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун алоҳида ер солиғи ставкалари ишлаб чиқилган бўлиб, бу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун қуидаги (44) жадвалда келтирилган.

44-жадвал.

**Қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмаётган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.**

Республика, Вилоятлар	1 га ер учун ер солиғи ставкалари, сўмларда		
	Сув ҳавзалари, каналлар, коллек- торлар, йўллар	Жамоатчилик қурилмалари ва ховлилар	Қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилмайдиган бошқа ерлар.
Қорақалпоғис-тон Рес.	14,4	8072,5	2,0
Андижон	23,4	13312,5	2,0
Бухоро	18,8	10557,5	2,0
Жиззах	16,4	9106,3	2,0
Навоий	17,5	10347,5	2,0
Наманган	20,3	10763,8	2,0
Қашқадарё	16,4	8798,8	2,0
Самарқанд	22,3	11797,5	2,0
Сурхандарё	24,6	13657,5	2,0
Сирдарё	12,9	7651,3	2,0
Тошкент	20,3	11071,3	2,0
Фарғона	20,3	11071,3	2,0
Хоразм	20,3	10763,8	2,0

Шаҳарлар ва қўргонлардаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари бошқалардан фарқли бўлади. Бу ставкалар шаҳарлар марказдан узоқ ва яқинлигига кўра маҳсус худудларга бўлинади ва дифференциацияланган ҳолда солиқ тўлайдилар.

45-жадвал.

**Шаҳарлар ва қўргонлардаги Ер участкаларидан  
фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари.**

Шаҳарлар, вилоятлар	Олинадиган ер солиғи ставкалари							
	Корхона муассаса ва ташкилотлардан 1 га ер учун (сўмларда)				Якка тартибдаги тураг жой қуриш учун берилган ерларга фуқаролардан (1м <sup>2</sup> учун)			
	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	1- зона	2- зона	3- зона	4-зона
Фарғона	485913	441383	326888	342225	4,4	4,0	3,4	3,0
Андижон	592090	555680	519258	478015	5,4	5,1	4,7	4,4
Наманган	589243	552825	516411	486868	5,4	5,0	4,7	4,4
Марғилон	391806	327308	275976	-	3,5	2,9	2,5	-
Чуст	347931	283433	241968	-	3,2	2,6	2,2	-

Шаҳар ва шаҳар посёлкалари иқтисодий зоналари, ҳамда суғориладиган ва лалми-яйлов худудлар, туман ва шаҳар хокимиятлари томонидан ўрнатилади.

Жадвалларда келтирилган ер ставкаларига, ер майдончасининг жойлашган ўрнига боғлиқ ҳолда маҳсус коэффициентлар қўлланилади. Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда - 1.30, вилоят марказлари атрофида 15 км радиусда 1.20, туман марказлари атрофида 15 км радиусда - 1.15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 км радиусда - 1.10.

Келтирилган ставкаларга ерларнинг сифатига боғлиқ равишда, яони тупроқларнинг балл бонитетига боғлиқ ҳолда алоҳида коэффициентлар қўлланилади. Тупроқни балл

бонитети 40 балл бўлганда 0.75, 41-70 баллгача 1.0 ва 71 балдан бошлаб 1.25 коэффициентлар белгиланган.

Шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг маомурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиги қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкалар бўйича 2.0 коэффициентини қўллаган ҳолда ундирилади.

Кон ва каррерлар банд қилган ерлар учун ер солиги шу каби зоналар учун белгиланган ставкаларни 0.1 коэффициентини қўллаш асосида солик тўлайдилар.

Шаҳар ва шаҳарчаларда жойлашган участкаларга эгалик қилинганлик ва фойдаланганлиги учун ундириладиган ер солиги махсус илова асосида (жадвал) куйидаги тартибда ҳисобланади.

46-жадвал.

#### **Шаҳарлар ва шаҳарчаларда жойлашган участкаларга эгалик қилинганлик ва фойдаланганлиги учун ундириладиган ер солиги ставкалари.**

Шаҳарлар, вилоятлар	Ер солиги ставкалари							
	1 га учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан олинадиган (сўмларда)				Шахсий уй-жой қурилишига фуқораларга берилган ерлар учун (1 кв м. сўмларда.)			
	1- худуд	2- худуд	3- худуд	4-худуд	1- худуд	2- худуд	3- худуд	4-худуд
Фарғона	2215	2012	1818	1560	20,14	18,29	15,62	14,18
Андижон	2699	2533	2967	2179	24,54	23,03	21,52	19,81
Асака	1599	1305	1116	-	14,53	11,86	10,15	-
Наманган	2686	2520	2354	2166	24,42	22,91	21,40	19,69
Марғилон	1786	1492	1258	-	16,23	13,56	11,44	-
Чуст	1586	1292	1103	-	14,42	11,74	10,03	-

Мисол: Уй эгаси Тоштемиров Эргаш Фарғона шаҳар, Бешбола кўчасида яшайди, якка тартибдаги турар-жой қурилиши учун берилган 655 кв. метр ер майдонига эга. Бу майдон шаҳарнинг 4 худудида жойлашган. "Ер солиги тўғрисида"ги конунга мувофиқ якка тартибдаги уй-жой қуриш учун фуқороларга бир оила учун  $0.06 \text{ га} (600 \text{ м}^2)$  гача ер берилади. Шундай қилиб Тошматов Эргаш меоёридан ортиқча  $55 \text{ м}^2$  ( $655-600$ ) ер майдонига эга.

Якка тартибдаги қурилиш учун берилган ерларга ер солиги ставкаси ушбу йўриқноманинг 5 иловасига (жадвал) мувофиқ Фарғона шаҳарида 4 худудга  $1 \text{ м}^2$  ерга 14,18 сўмдир. Бу ҳолатда фуқоро  $600 \text{ м}^2$  учун ҳар квадрат метрига 14 сўм 18 тийиндан, меоёрдан ортиқча майдон учун эса ҳар квадрат метрига икки баробар микдорда  $14.18*2=28.36$  сўм тўлайди. Солиқнинг умумий суммаси  $(600*14.18)+55*14.18*2=10067$  сўм 80 тийин ёки яхлитлаб айтадиган бўлсак 10068 сўм бўлади.

Шу ва шунга ўхшаш тартибда бошқа шаҳар ва қишлоқ, посёлкалар аҳолиси учун, корхоналар учун Ер солиги ҳисобланади.

#### **Таянч иборалар.**

Потенциал унумдорлик, иқтисодий унимдорлик, тупроқ қатлами, коэффициент, ТЭИ, тариф категориялари, эрозия, гипс, глейлашган, Ер солиги, механик таркиб, Ер ва тупроқ нархи, лалмикор ерлар, Ер солиги ставкаси.

#### **Такрорлаш учун саволлар.**

1. Тупроқ ва Ер нархларининг фарқи?
2. Тупроқ ва Ер майдончасига қўйилган нархлар қандай мақсадларни қўзда тутади?
3. Тупроқ нархини аниqlаш йўллари?

4. Тупроқ нархини ҳисоблашда қандай тариф категорияларидан фойдаланилади?
5. Тупроққа нарх белгилаш ва Ерга нарх қўйиш қандай мақсадни кўзда тутади?
6. Бўз тупроқлар учун нарх ишлашда энг аввало қандай белгиларига асосланамиз?
7. Жаҳон бўйича Ер солиги ставкалари ўртача Ер қийматининг неча фоизини ташкил қиласи?
8. Ер солиги ставкалари тўғрисида мисоллар келтиринг?
9. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган ва бошқа шу каби ерлар учун ундириладиган Ер солиги ставкалари?
10. Аҳоли учун ҳар квадрат метрга тўланадиган Ер солиги ставкаларини ҳисоблаш тартибини тушинтиринг?

## АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" Т. 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси "Давлат ер кадастри" тўғрисидаги қонун Т. 1998.
3. Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида Т. 2000 й.
4. Абдуллаев С., Сатторов Д.С. Основнке почвеннке проблемк Узбекитана, требуюие срочного решения. «Орол денгизи хавзасининг сахроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари». Илмий-амалий анжуман маҳрузалар тўплами (25-26 ноябр 2002 й) Т. 2002.
5. Гаврилюк Ф.Я. Бонитировка почв М. 1974.
6. Қаюмов Ф.К., Абдуғаниев А., Фролов В.Т., Мақсудов Ж.М. ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифатий, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуги РХ-16-025-00. Т. 2000.
7. Қўзиев Р.К., Ахмедов А.У., Мақсудов Ж.М. ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг сугориладиган ерларида тупроқнинг шўрланганлигини текшириш бўйича услугбий қўлланма РХ-31-045-01. Т. 2001.
8. Қўзиев Р.К. Тупроқ унумдорлиги ва унинг интенсив дехқончилик тизимида ўзариши. «Орол денгизи хавзасининг сахроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари». Илмий-амалий анжуман маҳрузалар тўплами (25-26 ноябр 2002 й) Т. 2002.
9. Қўзиев Р.К., Йўлдашев А. ва бошқалар Ўзбекистон республикаси сугориладиган тупроқларининг унумдорлигини баҳолаш. «Орол денгизи хавзасининг сахроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари». Илмий-амалий анжуман маҳрузалар тўплами (25-26 ноябр 2002 й) Т. 2002.
10. Мақсадов Ж.М., Нагаев Г.Г., Акрамов И.А., Қўзиев Р.К., Ахмедов А.У. Тупроқ хариталари ва ерни баҳолаш хужжатларидан фойдаланиш бўйича услугбий қўлланма РХ-31-044-01. Т. 2001.
11. Мақсадов Ж.М., Турсунов А.А., Комилов Б. Солевая соёмка хозяйств Хорезмской области и изменение мелиоративного состояния земелр. «Орол денгизи хавзасининг сахроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари». Илмий-амалий анжуман маҳрузалар тўплами (25-26 ноябр 2002 й) Т. 2002.
12. Сатторов Ж.С., Елюбаев С. ва бошқалар "Ўзбекистонда пахта етиштириладиган ерларнинг унумдорлигини баҳолаш бўйича услугбий қўлланма" Т. 1994.
13. Сатторов Ж.С., Турапов И.Т., Қўзиев Р.К. Современное состояние и задачи исследований по бонитировке почв. «В кн. Научнке основқ бонитировки почв в условиях рکночнкx отношений». Т. 1996 г.
14. Толипов Г.А., Ғуломов Ҳ.Г., Мақсадов Ж.М., Акрамов И.А. "Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри" Т. 1994.
15. Шишов Л.Л., Дурманов Д.Н., Карманов И.И., Ефремов В.В. Теоритические основқ и пути регулирования плодородия почв М. 1991.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>I БОБ: ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИННИГ ТАРИХИ, ЎРГАНИШ ОБОЕКТИ, УСУЛИ ВА РАВНАҚИ .....</b>	<b>3</b>
Тупроқ унумдорлигини баҳолаш тамойиллари. Унумдорликни баҳолашнинг Докучаев усули .....	6
Ерни баҳолашни статистик усули .....	8
Ерларни баҳолашни морфологик усули .....	8

Чет мамлакатларда тупроқ бонитировкаси .....	10
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЕРЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ .....</b>	<b>14</b>
Ўзбекистон республикаси ер фонди .....	15
<b>III БОБ: СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ БОНИТИРОВКАЛАШ УСУЛИ .....</b>	<b>23</b>
Тупроқларни бонитировкалаш шкаласи .....	25
Бонитировка коэффициентлари .....	27
Шўр тупроқларни бонитировкалаш усули .....	28
1. Тайёргарлик ишлари .....	30
2. Далада қилинадиган ишлар .....	31
3. Тугаллаш (камерал) ишлари .....	32
Тупроқ бонитировкасида унинг эрозияланганлиги, скелетли-лигини эотиборга олиш .....	43
Ҳайдов қатламиаги гумус миқдори, ҳайдов ости қатлами зичлиги учун ишланган коэффициентлар тўғрисида .....	44
Тупроқ зичлиги ва бонитировка .....	45
Ҳаракатчан фосфор, калий ва тупроқ бонитировкаси .....	47
Тупроқни бонитировкалаш ишларини амалга ошириш .....	43
Тупроқни бонитировка баллига қараб қишлоқ хўжалик экинларини хосилдорлигини чамалаш .....	51
Тупроқни саҳийлик даражасини ифодаловчи хаританинг мазмуни .....	52
<b>IV БОБ. ЛАЛМИКОР ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШ .....</b>	<b>48</b>
Баҳорикор ерларни баҳолашнинг негизли шкаласи .....	49
Лалмикор ерлар учун бонитировка коэффициентлари .....	50
<b>V. БОБ: ТУПРОҚЛАРНИ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН БАҲОЛАШ ВА ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ .....</b>	<b>56</b>
Суғориладиган майдонлар учун тупроқ-экологик индексини ҳисоблаш .....	58
<b>VI БОБ. ТУПРОҚ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ХОСИЛ ЎРТАСИДАГИ КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛАНИШЛАР ВА УНИ ТАСВИРЛАШ ЙЎЛЛАРИ .....</b>	<b>59</b>
<b>VII БОБ. ТУПРОҚЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ .....</b>	<b>78</b>
Қишлоқ хўжалик ерларни баҳолашни вақтингчалик усули .....	82
Суғориладиган ерларнинг меёрий баҳоси .....	82
Лалмикор ерларнинг меёрий баҳоси .....	86
Яйловларнинг меёрий баҳоси .....	86
Қишлоқ хўжалик ерларининг меёрий баҳосини ҳисоблаш тартиби .....	87
<b>VIII БОБ: ТУПРОҚ ВА ЕР НАРХ .....</b>	<b>89</b>
Тупроқ нархини аниқлаш йўллари .....	90
Ер солиғи ва нархи .....	92
Адабиётлар .....	99

